10 1989

ЁШ КУЧ

ISSN 0235—1277

Бу сонда:
Комсомол:
бугун ва кеча
Студентлар ҳаёти:
суратлар ҳикоя қилади
Қатортолга мактублар...
Қаровсиз болалар
(2-мақола)
Поэзия:
журналхонлар ижоди
Чорраҳа чироқлари
(қисса)
Адолатсизлик, ҳақсизлик, хўрлик.
(Суд очерки).



Муқовада:
1-бет. Узбек киноактрисаси Лола Сайдалиева.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЛКСМ

КОМСОМОЛ:

Нукус шаҳридаги 18-мактабнинг ҳаётидан лавҳалар.

Нукусдаги 18-мактабда жанговор ва меҳнат шон-шуҳрати музейи ташкил этилган.

Болалар музей учун стенд тайёрлашмоқда.

Меҳнат таълими ўқитувчиси Азиз Сейитмуратов ўқувчилар билан музейга экспонат тайёрлашмоқда.

Комсомолнинг укаси пионер

29 октябрь комсомол туғилган кун. Лекин биз бугун унинг укаси пионер ҳақида гаплашмоқчимиз. Сабаб? Сабаб кўп. Айтайлик: «Комсомол бир вақтдаги жанговарлигини йўқотиб қўйди, ёшлар ўртасидаги обрўси тушиб бораяпти» деган гаплар баъзан ботиний, баъзан зоҳирий айтилиб турибди. Айтиляптими, демак бир гап бор. Ўша «гап»нинг оғриқ илдизи пионер ташкилотида эмасмикан? Мана сизга оддийгина таҳлил: пионерга ўтувчиларни бешта, ўнталаб қабул қилишади, комсомолга эса битта-битталаб. Пионер ташкилотига аъзо бўлганлар ариза ёзиб келишмайди, аъзолик дафтарчаси ҳам йўқ, бадал ҳам тўлашмайди. Пионер ўзининг бўйнидаги галстуги билангина исботлаши мумкин. Комсомолни аъзолик дафтарчаси ҳатто район, шаҳар комсомол комитетидаги ҳисоб карточкасидан ҳам билса бўлади.

Яна бир гап, ўқувчи тўққиз ёшга кирдими, демак у, албатта, пионер бўлиши керак деган ялпичиликни ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Жудаям ғалати-а? Пионер ташкилотига қараганда комсомол ташкилотида аниқлик, ҳисоб-китоб, жавобгарлик борга ўхшайди. Пионер тошкилотида эса аниқликдан кўра қандайдир мавҳумлик ҳукмрондек. Комсомол шаънига бўлаётган юқоридаги гаплар ўша мавҳумликлар оқибати эмасмикан? Ахир биз пионерни комсомолнинг ўринбосари деймиз-ку. Қолаверса, катта бир тарбия ирмоғининг бошланмаси ҳисобланади. Нега комсомолга танлаб қабул қиламизу, пионерга энг муносибларини қабул қилмаймиз. Шартми ўттиз ўқувчининг пионер бўлиши?

Бундай мавҳум ва чалкашликлар ҳар бир комсомол ва улар уюшган бошланғич комсомол ташкилотлари олдига «Нима қилмоқ керак?» деган саволни қўяпти. Демак, биз ўз обрўйимизни кўтармоқчи эканмиз ирмоқни бошидан тинитиб олишимиз керак бўлади. Илдиз ва асос ўша ерда-да.

Биз қачон бу томонларга қайта қуриш кўзи билан қараймиз, дадил ҳаракатлар қиламиз? Балки туғилган кун, байрам кайфиятида бундай гаплар ўрнига тушмаётгандир. Лекин комсомолнинг чинакам байрами олдинда бўлса-чи? Бунинг учун байрам кунларини ҳам қайта қуриш, ўзини ислоҳ қилишга қаратсак-чи?

Ана суратда пионерлар ҳатто катталар ҳам ўз асил қиёфасида туришибди. Бунда суратчининг, ҳиссаси кўп албатта. Биз эса суратларни кўздан кечира бориб ушбу баённомани битдик, суратчи кўрмаган томонларни кўришга ҳаракат қилдик.

А. КУДРЯШОВ фотолари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУГУН ВА КЕЧА

1966 йили Қўқон шаҳар комсомол комитетида ишлаётган пайтимда комсомол ветерани, педагог Абдуллажон ака Усмонов билан суҳбатлашиб унинг хотирасини ёзиб олган эдим. Турли сабабларга кўра унинг хотирасини матбуотда эълон қила олмадим. Хотира, йиллар ўтишига қарамай ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, биз учун, яна ҳам қимматлироқ бўлиб қолди.

— Қадимдан хон, беклар оёғи остида топталган ва чор Россиясининг ҳукмдорлари ва капиталистларнинг зулми остида ҳақоратомуз эзилиб умр кечирган ўзбек эли ўз миллий социалистик ҳокимиятига эга бўлди, — деб бошлади ўз сўзини Абдуллажон ака. — Лекин бу ҳокимият осонликча қўлга кирмади. Қачонки Иттифоқимизда совет давлатига қарши душманлар пайдо бўлгани сингари, ёш республикамизда ҳам Совет ҳукуматига қарши хилма-хил душманлар пайдо бўлди.

Шаҳарларда контрреволюцион группалар, қишлоқларда босмачилик ҳаракати авж олиб кетди. Жумладан Қўқонда улар бор имкониятларини ишга солиб, эски ҳокимиятларини сақлаб қолиш учун йўл изладилар. Ниҳоят Урта Осиёдаги контрреволюционерлар Қўқон шаҳрига тўпланиб, Шўрои Ислом номи билан Қўқон муҳторияти ҳукуматини тузидилар. Лекин бу уринишлари узоққа бормади.

Қўқон муҳториятига қарши 8 кун уруш бўлди, бу урушда меҳнаткашлар ғолиб чиқди. Натижада Қўқон муҳториятининг ўрнига Совет ҳокимияти ўрнатилди. Аммо ҳали душман гуруҳлари тамомила тугатилмаган эди. Қўқон ёшлари ҳам Советлар томонида душманга қарши курашди.

1919 йили февраль ойида Качуринер ва Кошкарёв ўртоқлар Қўқонга келиб ёшларнинг ўртасида сиёсий-тарбиявий тарғибот ишларини олиб бориш билан бирга жойларда ёшлар коммунистик ячейкаларини ташкил этишда яқиндан ёрдам бердилар. Дастлаб Қўқон темирйўл депосида ва шаҳар ёш интеллегентларини ўқув-маданият манбаи бўлган ва бошланғич мактабларга ўқитувчилар тайёрлов уйи, яъни дорилмуалимида коммунистик ёшлар союзининг ячейкалари тузилди.

Қўқон темирйўл коммунистик ёшлар союзининг ячейкасида ёшлар союзи сафига кирганлардан Лексашев Ф. П., Эргаш Мазоитов, Моторин, Муҳитдин Хўжаев ва дорилмуалимида Хожиқурбон Қосимов, Абдулла Усмонов, Усмон Рўзиев, Файзи Туронов, Қутбиддин Низомитдинов, Қосим Қаландаров, Камолиддин Низомитдинов, Умар Алиев, Абдулла Ғофуров, Эргаш Раҳмонов, Содиқ Раҳмонов, Ҳожиакбар Мансуров ва Мухтор Муҳаммадиевлар эди.

Шаҳар саноат корхоналари ишлаб чиқариш шахобчалари, тарқоқ ҳолдаги ҳунармандларнинг қўл остида ишлаётган ёшлар ўртасида ишлаш билан ўқув юртларидаги ўқиб турган ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб уларнинг ҳам ёшлар сафига тортиш ишларини олиб бориш керак эди. Шунинг натижасида пахта тозалаш заводи, ўқув юртларида, тарқоқ ҳолдаги косиб ёшлар ҳисобига коммунистик ёшлар ячейкаси ташкил этилди.

Масалан, Урфон, Намуна, Турон мактабларида комсомолга кирганлар: Амин Юсупов, Қосим Юсупов, Назир Валиев, Олим Аминов, Мўйдин Фаёзов, Йўлдош Фаёзов, Абдуманнон Сатторов, Абдуллажон Оғаликов, Расул Носиров, Машраб Назаров, Боймат Расулов, Бурҳон Султонов, Жўра Нишонов, Жўра Тошматов ва бошқалардир.

Қўқон эски шаҳрида ҳунармандлар союзи қошида ёшлар ячейкаси ташкил этилди. Ҳунармандлар қўлида ёлланиб ишлаётган косиб ёшларни ҳисобга олиш ва уларнинг ҳуқуқларини сақлаш вазифаси турарди. Айни шу фурсатда Қўқон Янги шаҳар ва Эски шаҳар районлари бўлинди. Эски шаҳар район комсомолига Ёқуб Боқиев секретарь бўлиб сайланди.

Райком комсомол аппаратига ишчан комсомоллардан (1919-1920 йй) Мухтор Муҳаммадиев, Амин Юсупов, Хошим Сайфиддинов, Абдуфаттоҳ Муҳаммаджонов, Валихон Камоловлар сайланишди.

1920 йилда Янги Чорсуда 16 коммунистик ёшлар ячейкаси ташкил бўлиб, биринчилар қаторида Абдулла Набиев, Воҳид Валиев, Носир Мансуров, Сами Охунов, Шукур Хомидов, Аҳаджон Хомидов, Абдураимжон Ёрматов, Нуриддин Ўлмасбоевлар шу ячейканинг актив аъзоларидан бўлганлар. 1921 ва 1923 йиллар мобайнида Янги Чорсу, Қаландархона ва Шайҳи Ислом гузарларида 2, 4, 10 сон ёш коммунистлар союзи ячейкалари вужудга келди. 1921 йил дастлабки мавжуд 4-сон ёшлар ячейкасини ташкилотчилари Султон Аҳмедов, Хўжахон Аббосов, Назир Валиев, Йўлбарс Дадахонов, Абдуфаттоҳ Мўминов, Эргаш Қобилов ва Меликўзи Узоқовлар эди. 10-сон ёш коммунистлар ячейкаси (1920-1922 й) Қаландархонада ташкил топиб Умаржон Ғофуров, Ғофуров, Карим Саримсоқов ва Аҳмад Саримсоқовлар активлари ҳисобланар эдилар. 2-сон коммунистик ёшлар ячейкасини ташкилотчилари эса қуйидагилар эди: Қодиржон Алиев, Ғанижон Алихўжаев, Миликциян, Абдуллахўжа Бобожонов, Собир Усмонов, Содир Усмонов, Умаржон Раҳимов, Майнахон Насриддинова, Султонхон Насриддинов.

Берта Давидова, Ойша Носирова, Ҳалима Носирова, Зайнаб Полвоновалар 4-сон ячейка комсомоллари эди. 1925 йил, тахминан июнь ойларида Урганжибоғ маҳалласида ёшлар союзининг ячейкаси ташкил бўлди.

Урганжибоғ маҳалла аҳолисини кўпчилиги камбағал ва батраклардан иборат бўлиб деҳқончилик билан шуғулланар эдилар. Шу атрофдаги ер майдонининг 90 фоизига яқини шаҳардаги савдогар бойларники эди. Шунинг учун шу жойда ер-сув ислоҳотини ўтказиш бобида ёшлар союзи аъзолари деҳқон аҳолиси ўртасида ислоҳотнинг моҳиятини ва аҳамиятини тушунтириш ишларини кучайтириш мақсадида бу ерда ёш коммунистларнинг ячейкасини ташкил топишини лозим топди.

Райком комсомол секретари Амин Юсупов шу муҳим вазифани бажаришни Абдуллажон Усмоновга топширди. А. Усмонов бу ишни садоқат билан қабул этиб, Урганжибоғ маҳалласида коммунист ёшлар ячейкасини ташкил этди. Ячейканинг секретарлигига райком комсомолнинг тавсияси билан Назиржон Валиевни сайлашди. Салимжон Усмонов, Очилди Усмонов, Саибжон Икромов, Ўғилой Мирзаалиева ячейка составига сайланди. Ячейка ҳисобида 43 нафар комсомол-ёшлар бор эди. Коммунист ёшлар сафига тортилган ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш, уларнинг Совет давлатининг юртимизда барқарор бўлиб қолишига синфий курашга жалб этиш, узоқ муддат давом этган қийинчиликларни бартараф этиш керак эди. Озиқ-овқат танглиги, кийим-кечакларнинг етишмаслиги кучли эди. Бунинг устига меҳнаткаш оммани кўп қисмини саводсизлик балоси қуршаб олган эди. Жамиятимизнинг тенг ярми бўлган хотин-қизлар ҳору-зор, бой-зўравон кишилар қўлида дод-фарёдлари ҳеч қаерга етмасдан чўри сифатида яшар эдилар.

Ана шундай ҳолда Қўқон меҳнаткашлари шу қийинчиликларни енгиш, юртимизда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва барқарор ҳукмдор бўлиб қолишни таъмин этиш, ҳалқимизни очлик, яланғочликдан қутқариш, шаҳарни тиклаш, ишлаб чиқариш корхоналарини ишга солиш, халқни эса саводсизлик балосидан қутқариш, хотин-қизларни озод қилиш, эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини таъминлаш мақсадида кураш олиб бориларди.

Большевиклар раҳбарлигида ана шу катта вазифани бажаришда Қўқон шаҳар ва атрофдаги қишлоқ ёшлари Қўқон революцион группалари билан ёнмаён туриб, ҳар қандай азоб-уқубатга бардош бериб, ҳар қандай оғирчиликларни енгиб чиқиб, совет ҳокимиятини ташкил этиш ва уни мустаҳкамлашда тарихда ҳеч бир унутилмайдиган даражада ўз қимматбаҳо ҳиссаларини қўшдилар, керак бўлганда, халқ озодлиги учун ўз ҳаётларини ҳам аямадилар. Масалан, Абдулла Набиев босмачиларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Собиқ Қўқон райони Қияли Қўрғонча қишлоқ Советининг раиси Сулаймонқул Рўзиқулов хотини Хожирабиби билан шу қишлоқдаги қулоқ Тўрақулбой, Жўрақулқори қутқуси билан Қамбар Маҳаммадининг ташаббуси билан ваҳшийларча чопиб ташландилар. Тумор қишлоқда комсомол аъзоси Чинорбуви эри Қаландар билан Урганжи бозордаги Абдулламингбоши, Тумор қишлоқдаги Абдужалил Бўтаев, Аҳмад Ерматов имомларнинг жаллодларча ҳаракати билан ўлдирилди. Комсомол аъзоси Қодирали Ботиралиев Ганжиравон қишлоғидаги муштумзўр бойлар қутқуси натижасида отиб ўлдирилди. Бувайда волост, Найман қишлоғидаги кекса коммунистлардан Назиржон Халилов, комсомол аъзоси Олимжон Маматқулов, Урганжибоғда Ўғилой Валиевларнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлиши доимо ёдимизда — деб ўз хотирасини якунлаган эди Абдуллажон ака Усмонов.

Суҳбатни оққа кўчириб, сақлаб келувчи, тарих фанлари номзоди, доцент

Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўрнинг қани, комсомол?

Бугунги комсомоллар ҳақида баъзи ўйлар ҳамда Ургут район комсомол комитетининг биринчи секретари Пиримқул СОБИРОВ билан суҳбат

Комсомоллар ҳақида матбуотда эълон қилинган бирор мақола ўқисам ёки улар тўғрисида сўз кетган даврада қатнашиб қолсам ўйга толаман. Шунда кўз олдимда (киноларда кўрганим) 20- , 30- йиллар комсомоллари жонланади. Ўт-олов ёшлар. Университетда ўқиб юрган чоғларимда бир кекса ўқитувчимиз кўп такрорлаб айтадиган сўзлари ёдимга тушади: «Биз 20- йиллар комсомоллари эдик. Кўпгина ишларни ўзимиз ҳал этардик. Одамларнинг бизга ҳаваси келарди. Тартибга қаттиқ риоя қилардик. Комсомол ҳар қандай ишга доим тайёр бўлиши, қийинчиликлар олдида эсанкирамаслиги шарт. У ҳеч маҳал йиғламаслиги даркор, деган гапларни у вақтларда кўп гапиришарди. Биз бунга амал қилардик. Бир ўртоғимизнинг ота-онасини душманлар ўлдириб кетишди. Уларнинг дафн маросимида ўртоғимиз қанчалик эзилмасин кўзига бир томчи ёш олгани йўқ». Бу ҳозирги ёшлар учун ғалати туюлар, албатта. Лекин... Буни омилик деб тушунмаслик керак. 20- йиллар комсомоллари нақадар оғир даврда яшамасинлар ўқиб-ўрганишга, ўрнак бўлишга интилганлар. Уларда комсомолга нисбатан меҳр кучли бўлган. Шу сабабли неки топшириқ бўлса, сўзсиз адо этганлар. Қонун-қоидага ҳурмат билан қараганлар. Натижада комсомолнинг ҳаётдаги ўрни яққол сезилиб турган.

Бугунги кунда-чи?

Тасаввуримиз ҳам, давр ҳам, комсомоллар ҳам ўзгача. Ҳозирги комсомоллар аввалгиларга нисбатан анча билимли. Кўп жойларда бўлишади. Ҳатто кўпчилиги икки-уч тилда бемалол сўзлаша олади. Бироқ уларнинг ҳаётдаги ўрни, амалга ошираётган вазифалари биз истаган даражада дея олмаймиз. Менимча бунинг сабаби ёшларнинг комсомолга бор меҳрларини бахшида этмаётганларида. Амалдаги ишга нисбатан гапнинг кўплигида. Балким бу турғунлик йилларининг салбий оқибатларининг комсомол ҳаётига ҳам таъсир қилганидандир. Ўша пайтларда баланд-парвоз гаплар кўп бўларди. «Комсомоллар доимо олдинга сафда бормоқдалар!» Шундай эдими? Йўқ! Тўғри, биз актив комсомол аъзоларининг ижобий фаолиятларидан, илғор ёшлар бригадаларининг меҳнатда ўрнак бўлганликларидан кўз юмиб ўтолмаймиз.

Мени яна бир нарса таажжубга солади. Кейинги пайтда матбуотда масъул лавозимларда ишлаган нопок кишиларнинг (партия аъзоларининг) жазога тортилаётгани ҳақида мақолалар эълон қилинмоқда. Ахир улар ҳам, албатта, комсомолдан етишиб чиққан кадрлар-ку?! Комсомолнинг тавсияси билан партияга ўтишган. Бундан кўриниб турибдики, таълим-тарбия ишлари суст йўлга қўйилган. Комсомол сафида саноқлигина бўлса-да, нопок кишиларнинг бўлиши унинг обрўйига жиддий путур етказади. Демак, улар олдинги сафда бўлишлари учун покҳалол ёшлргина бўлишлари лозим.

Мен яқинда Самарқанд область Ургут районидаги комсомол комитетининг биринчи секретари **Пиримқул СОБИРОВ** ҳузурида бўлиб суҳбатлашдим. У эндигина «биринчиликка» сайланган экан.

— Районимизда 26276 комсомол аъзоси бўлиб, улар 271 бошланғич комсомол ташкилоти ҳисобида туришади. Ишни янада тўғри йўлга қўйиш учун РайОНО қошида бирлашган комсомол ташкилоти туздик. Унинг бошлиғи Жамила Муртозоева бошқа ишлардан озод қилинган ҳолда, шу ташкилот фаолияти билан шуғулланади. Ўқитувчилардан иборат 82 бошланғич комсомол ташкилоти бор эди. Энди улар ёрдамчи сифатида иш кўрадилар. Бу муаммоларимизни ҳал қилишда бир мунча ёрдам бермоқда. Ташкилот ҳар ойда йиғилиш ўтказиб, 3 ойда эса бир ҳисобот бериб туради.

— Комсомол комитетининг ёшлар билан алоқаси қандай?

— Комсомол комитетининг аъзолари тез-тез жойларда бўлиб туришади. Тўғриси, кўпроқ мактабларда, районимизда иккита ҳунар-техника билим юрти бор, шунда бўлишади. Лекин мактабни тугатган ёшлар билан иш олиб боришимиз қийин кечмоқда.

— Нега?

— Чунки, ўқишни тугатгач баъзилар олий ўқув юртларига киришади, баъзилари эса йигитлик бурчини ўтагани кетишади. Кўпчилик, айниқса қизлар колхозда ишлаб қолишади. Районимизда асосан тамаки етиштирилиши сабабли уларга доимий иш йўқ. Мавсумда ишлашади. Унда ҳам оилавий пудрат асосида. Баъзи қизлар оила иши билан банд бўлишади. Айрим ўғил болалар эса бекор юришга мажбур. Масалан, Ургут шаҳрининг ўзида 17 маҳалла бўлиб, унда 1300 ёш вақтинча ишсиз эди. Ҳозир улардан 460 таси фойдали меҳнат билан шуғулланмоқда. Қолган 840 кишини ҳам меҳнатга жалб этиш йўлларини ўйлаб кўрмоқдамиз.

— Колхоз, совхоздаги ёшлар-чи!

— Октябрь колхозида ёшлар учун махсус фабрика очилган. Кашта, гилам тўқишади. Новот тайёрлашади. Навоий колхозида Барот Бозоров, Насим Бердиқулов каби комсомоллар бошлиқ ёшлар бригадалари тузилган. Улар картошка, маккажўхори етиштириб давлатга топширадилар. 7—8 мингдан даромад олишади.

Бошқа колхозларда ҳам консерва, ғишт заводлари қуриб, ёшларни жалб этиш ниятимиз бор.

— Ҳамма ёшларни мавсумий бўлмаган ишга жалб этиш имкони борми!

— Ҳозирча йўқ. Ҳар битта колхоз ё совхозга завод, фабрика қуришнинг иложи йўқ-да. Ҳам ёшларга, ҳам давлатга фойдаси тегадиган иш қилишимиз керак. Бунинг учун жиддий ўйлашга, кўпроқ ҳаракат қилишга тўғри келади.

Ҳа, Пиримқулнинг фикрида жон бор. Ҳозир жиддий ўйлайдиган, кўпроқ ҳаракат қиладиган пайт. Зеро, шароит шуни тақозо қилмоқда. Қўл қовуштириб ўтирган билан иш битмайди. Ёшларнинг ишлашлари учун, дам олишлари учун етарли шароит яратиш зарур.

Ургутда туғилиб ўсганлигим сабабли тез-тез у ерга бориб тураман. Борганимда бирор ўзгаришни кўрсам қувонаман. Масалан, яқинда Мингбулоқ ва Зинак қишлоқларида бўш ётган ерни суриб текислаб футбол ўйналадиган майдон қилишганини кўрдим. Бир тўда ёшлар йиғилиб олиб тўп тепишяпти. Майдон ҳали кўкаламзорлаштирилмаган бўлса-да, ўйнашяпти. Бора-бора бу жой уларнинг бўш вақтларида йиғиладиган севимли масканларидан бирига айланишига ишонаман. Гап бу тадбирни ким ташкил қилганида эмас, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига имкон яралганидадир. Қани энди волейбол, баскетбол, бильярд, теннис ўйинлари ўйнаш йўлга қўйилса. Махсус сузиш ҳавзалари қилиниб, мусобақалар ўтказилса... Буларнинг барига комсомоллар бош-қош бўлишса. Афсуски, хаёлимиз, истагимиз ҳақиқатга айланишига анча бор. П. Собиров айтганидек, ҳаракат қилиш даркор. Ёшларни катта ҳаёт йўлига қадам қўйишлари учун замин тайёрлаш зарур. Шундагина улар ҳаётда адашмайдилар, қалтис қадам қўймайдилар.

Қайта қуриш шарофати туфайли комсомоллар ҳам «ура-ура!»лар билангина олдинги сафда бориш мумкин эмаслигини тушуниб олдилар. Олдинги сафда бўлиш учун арзирлик меҳнат қилиш даркорлигини англадилар. Ва ўзларининг меҳнатлари ҳисобга олинишини ҳис қилдилар. Чунки уларнинг фаолиятига тўғри баҳо берилмоқда. Шундан келиб чиқиб қайси ишлари яхши-ю, қайси бири ноўринлигини яққол ажратиб олмоқдалар. Бу уларнинг масъулиятини кучайтирмоқда. Комсомолга нисбатан бор меҳрини беришга даъват этмоқда.

Аммо ҳамма жойда ҳам комсомол ишлари тўғри йўлга қўйилган, унинг ёшлар билан алоқаси мустаҳкам деб бўлмайди. Баъзи бир ёшлардан «Комсомолга нета ўтгансан?» деб сўрасангиз нима дейишини билмайди. «Мактабда ўқиб юрганимда ўтасан дейишганди. Ўтгандим», дейди. Демак, унда комсомол тўғрисида ёшлигида тасаввур ҳосил қилинмаган, қизиқиш йўқ. У взносни бир амаллаб тўлаб турсам бўлди, деб ўйлайди. Гўё бундан бошқа вазифаси йўқдек. Тўғрида, ҳеч ким нима иш қилаяпсан, деб сўрамагандан кейин нима қилсин. Айбдор ким? Ўзими...

Мактабда ўқиётганимизда пионерлар сафига оммавий равишда ўтамиз. Унга қабул кунини орзиқиб кутамиз. Ўтиб олгач, қип-қизил галстукни ҳилпиратиб тақиб юрамиз. Бу бизга завқ бағишлайди. Комсомолга ўтиш эса тамоман бошқача. Бир-икки маротаба айтилади-ю, кейин, бир кун комсомолга ўтдинг, дея қўлига билет тутилади. У бўлса комсомол деганлари шу экан-да, деб юраверади. Агар мактабни тугатиб олий ўқув юртига киролса ёки Совет Армияси сафига чақирилса, ўша жойда комсомол ҳаёти ва вазифалари билан қисман танишади. Бўлмаса йўқ. Қандай комсомолга кирган бўлса ёши етгач шундай ими-жимида ўчиб кетаверади. Мен бу ҳолни район жойларида бот-бот учратганим учун ёзаяпман. Айниқса, колхозчи ёшлар орасида. Баъзиларининг комсомол билетларига йиллаб муҳр қўйилмайди. Ўзлари ойига қанча взнос тўлаётганларини билишмайди. Масалан, бир колхозда 800—1000 комсомол аъзоси бўлиб, улар билан колхоз правлениеси қошидаги бир ёки икки киши иш олиб боради. Лекин улар ҳам тушунтириш ишлари олиб бормайдилар. Натижада комсомол ҳақида айрим ёшларда ҳеч қандай тасаввур уйғонмайди. Бу ҳол ҳам комсомолнинг ҳаётдаги актив ролини сусайишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда район пионерлар Уйи ходимлари фаолиятини кенгайтириш керакмикан, деган хаёлга борасан, киши. Чунки улар асосан пионерлар билан машғул бўладилар. Ахир бугунги пионер эртанги комсомол-ку! Пионер Уйи методистлари мактабларда бўлган чоғларида ўқувчилар ва пионер вожатийлар уюштирган тадбирлар билан танишадилар. Шу жумладан улар комсомолга ўтказиш тадбирларини тушунтириш учун йиғилишлар ўтказсалар, қаҳрамон комсомоллар ҳақида ҳикоялар айтиб берсалар нур устига аъло нур бўларди. Пионерларда комсомолга нисбатан қизиқиш, меҳр пайдо бўлса ёмонми. Демак, Комсомол комитети пионерлар Уйи аъзолари билан алоқаларини мустаҳкамлаши, уларни алоҳида ташкилот эмас, балки ўзининг асосий бўғинларидан бири сифатида кўриши зарур. Уларнинг ўзаро ҳамкорликда иш тутишлари албатта фойдадан холи эмас.

Район пионерлар Уйининг директори Ҳ. Ҳамроева ҳам, унинг ўринбосари С. Холиқов ҳам П. Собиров сингари куюниб гапирдилар. Иш кўп. Қийин. Тўғри, иш оғир. Лекин чин дилдан киришилса ҳар қандай камчиликни енгиш мумкин. Улар шу қийинчиликларни енгиш учун интилмоқдалар. Албатта, уларнинг ютуқлари, ўз навбатида камчиликлари ҳам мавжуд. Асосийси, уларнинг ҳаракатларида ижобий томонлар тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Зеро, мен бу мақолани кимнингдир мақташ, кимнингдир танқид қилиш учун ёзганим йўқ. Шу сабабли фикрлар бир қараганда тарқоқдек туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас. Комсомол ҳаёти ва фаолияти ярқироқ олмос тош сингари серқирра ва сермазмундир. Мен шулардан айримлари ҳақида фикр билдирдим, холос. Қайси бармоғингни тишласанг ҳам жонинг оғрийди, дейишади. Рост сўз. Комсомол ҳаётининг қайси соҳасида бўлмасин камчилик мавжуд экан, бу унинг оқсашига туртки бўлади. Ҳозирги кунда бу туртки қишлоқ ёшлари ҳаётида яққол сезилмоқда. Улар комсомол ҳаётидан деярли узилиб қолганлар. Бу вақтида ҳис этилмади. Энди олди олинмаса кеч бўлади. Уларнинг шунча вақт ўз ҳолига ташлаб қўйилгани етар. Бошда 20- йиллар комсомоллари ҳақидаги сатрларни бежиз келтирмадим. Улар комсомолнинг қонун-қоидасига жондиллари билан амал қилишарди. Бугунги комсомолнинг ҳам ҳар қандай топшириқни виждонан амалга оширишини истаймиз.

У тобора қуриб бораётган Орол учун жон куйдирсин, турли химикатлар билан заҳарланаётган ерларимизни даволаш тўғрисида бош қотирсин. Гўдаклар ўлимини олдини олишни, пароканда бўлаётган оилаларни сақлаб қолиш йўлларини қидирсин. Халққа, давлатга фойдаси тегсин. Мен комсомолнинг бугунги долзарб вазифаси деганда шуни тушунаман. Комсомоллар минг гектарлаб қўриқлар очмоқдалар, дея улар шаънига мадҳиялар ўқиган эдик. Энди шу қўриқларни ишдан чиқармай, сақлаб қолувчилар ҳақида илиқ фикрлар айтсак арзийди. Дарҳақиқат, боя келтирганимдек, комсомолнинг фаолияти серқирра. Мен шу қирралар доимо бут бўлишини истардим. Ручканинг сиёҳсиз ҳеч қандай қадри бўлмаганидек, комсомол ҳам ҳаётдан ажралса аҳамиятини йўқотади. Жиддий ўйлайдиган, кўпроқ ишлайдиган пайтинг келди, комсомол!

Муталлиб СОДИҚОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Табриклаймиз, устозлар

Биз ҳар йили октябрь ойининг биринчи якшанбасини ўқитувчилар байрами сифатида нишонлайдиган бўлиб қолдик. Қизиқ мактабимиз жонкуярлари шу кунни ростдан ҳам байрам қиладиларми? Ўқитувчининг қай куни кўнгли нохушу, қай куни вақти чоғ бўлади?

Бизнингча ўқувчилар юрагига йўл топган, озми-кўпми уларнинг ҳурматини қозонган, ўзи — ўқувчиларини, ўқувчилари — уни соғиниб турадиган ҳар бир ўқитувчи учун ҳар кун байрам бўлса керак. Унинг акси бўлсачи — унда ўқитувчи мактабга эмас — азобга бораётгандек бўлади. Қарор билан тасдиқлаб қўйилган байрам кунлари ҳам унинг дардига малҳам бўлолмайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчи, устоз, мураббий деган сўзлар ҳамма ўқитувчигаям ярашиб тушавермайди. Бу номларга муносиб бўлиш учун ўқитувчи аввало ўзидан, керак бўлса орзу-ҳавасларидан ҳам воз кечиши керак. Шу ишга В. А. Сухомлинский айтганидек тамоман ўзини бағишлаши керак.

Сиз суратда кўриб турган мураббийлар мактабдорликка тамоман берилган, шу касбдан бошқасини тасаввур қилолмайдиган кишилар. Шохида Ғозитўраева Тошкентдаги 144-мактабда рус тилидан дарс беради, Ахрор Ҳидоятов 250-мактабда директор, Муқаддас Назарова 13-мактабда ҳам ўқитувчи, ҳам пионервожатийлик қилади, Зулхумор Мирзаахмедова бўлса Тошкент область Бўстонлиқ районидаги 11-мактабда она тили ва адабиётидан дарс беради.

«Ёш куч» журнали коллективи мазкур ёш тиниб-тинчимас мураббийларни ҳамда республикамиздаги барча ўқитувчиларни ўқитувчилар куни билан табриклайди. «Ёш куч» улар билан ҳамиша ҳамфикр, тарбияга зид бўлган келишмовчиликларга нисбатан муросасиздир.

Р. АЛЬБЕКОВ фотолари.



МАКТАБДОРЛИГИМИЗДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Кузатган бўлсангиз «Ёш куч»нинг сентябрь ойи сонида ўқиш ва ўқитиш ишларида янги ўқув йилида қандай ўзгаришлар бўларикин деган бир орзули саволни ўртага ташлаган эдик. Мамнуният билан биз ўз муштарийларимизга қуйидагиларни маълум қиламиз:

Сизларга маълумки она тили ва адабиёти фанларига ажратилган вақт қисқара-қисқара ҳафтасига 66 соатга тушиб қолган эди. 1989—90 ўқув йилида 5 соат қўшилиб, хафтасига 71 соатга етказилди. Энг ачинарлиси 9—10 (10—11) синфларда она тили дарси ўтилмасди. Энди ўтиладиган бўлди. Шунингдек битирувчи синф ўқувчилари олдин меҳнат практикасида қатнашишлари мажбур қилиб қўйилган эди. Бу давлат имтихонларига тайёргарлик кўриш, касб танлаш билан боғлиқ ишларга халақит қиларди. У ҳам бекор қилинди.

Эсингизда бўлса «Ёш куч»нинг шу йил 6-сонида «Ўқувчига характеристика керакми?» деган муаммони кўтарган ва мактаб томонидан битирувчиларга бериладиган бундай расмий ҳужжатни қоралаб, ўқувчининг етуклик аттестати ва ундаги баҳоларнинг ўзи энг яхши характеристика эканлигини таъкидлаган эдик. Буни қарангки, кейинги йилларда дўқ-пўписа қуролига айланиб қолган бу хужжат ҳам бекор қилинди.

8—11-синф ўқувчиларига яна бир янгиликни айтиб қўймоқчимиз. Йил охирига бориб чорак баҳонгизга икки ёки уч фандан икки тушиб қолди. Илгари кузги синов, синфда қолдириш деган гаплар бўларди. Бундан буён мактаб ўқитувчилар коллективи педагогика кенгашининг қарори билан бундай ўқувчилар синфдан-синфга кўчирилишлари мумкин.

Агарда ўқувчи битирувчи синфда бўлиб, давлат имтихонларидан ёки атестатга тушадиган фанлардан «2» олиб қолсачи, унда нима бўлади дейсизми?

Ўқувчига гувохнома берилаверади. Фақат ўша фан рўпарасига «ўзлаштирмади» деган ёзув битиб қўйилади.

Яна битта гап-рус тилида ўқиладиган мактабларда ўзбек тилини ўрганишга бўлган талаб бир мунча оширилаяпти. Энди рус ўқувчилари ўзбек тилини ҳафтасига 16 соат эмас 21 соат ўқийдилар.

Юқоридаги ўзгаришларга диққат қилган бўлсангиз мактаб ҳаёти ҳам аста-секин демократлашиб бораётганлигини сезиб қоласиз. Ўзбек тили ва адабиёти фанларининг нуфизи тикланаётганидан қувонасиз.

Нафсламрини айтганда ўрта мактаб ўқувчига бирон бир соҳа бўйича мутахассислик бермайди. Балки уни фанлар билан, мутахассисликлар билан, дунё тарихи, маданияти билан таништиради. Ўқувчи ўзи қизиқиб қолган бир неча фанлардан фақат «5» олиб ўқиши, қизиқмаган баъзи фанлардан ўрта ёки «2» баҳо олиши мумкин. Ўқувчини бу борада айбситавериш ёки гуноҳ бурчагига қисавериш уни яхши ўрганаётган фанларидан ҳам совитишга олиб келади. Ана шу асабий пружина сал бўлсаям бўшашди. Бу дегани қийин фанларни айниқса математика, физика, химия фанларини қизиқмаганга йўйиб, осон фанларга ўзини уриб кетиш дегани эмас. Агар шундай қилинса, «оғирнинг устидан, енгилнинг тагидан юриш» қабилида иш кўрилган бўлади. Ақлли, доно ўқувчи ҳаёт компьютерлашишга, ЭВМлашишга, техникалашишга қараб бораётганини эсдан чиқармаслиги керак. Ҳамма фанлардан керакли маълумотни олишга ҳаракат қилиши зарур. Ҳа, сиз 10—11 йиллик даврни ҳеч қачон кун ўтказиш даври деб қараманг. Сиз ҳаётда неча йил яшасангиз, мактаб даври хоҳлайсизми-йўқми бамисоли пойдевор даври бўлиб ҳисобланади. Агарда Сиз мактаб даврига шундай деб масулият билан қарасангиз ўқиш-ўрганиш билан боғлиқ ҳаётингизни янада демократиялаштириб, янада соддалаштириб, янада такомиллаштириб олишингиз мумкин, азиз ўқувчилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИЗ ПЕДАГОГ

Кўпчилик андижонликлар сарлавҳани ўқиб, ширин бир энтикиб олган бўлса ажабланмаслик керак. Чунки баъзиларга у студентлик йилларини эслатса, яна баъзилар бир неча ойлардан сўнг яхши ният билан Наманган кўчаси, 129-уйга қадам ранжида қилишини кўнглига тугиб қўйган. Гап областдаги энг кекса ва ҳамиша навқирон ўқув маскани—Андижон Давлат педагогика институти ҳақида бораётганлигини, менимча, сезиб олдингиз.

Мана биз ҳам институт ҳовлисига қадам қўйдик. Талабаларнинг баъзилари билан танишамиз.

— Мен математика факультетининг 1-курсида ўқийман—деди ўрта бўйли қиз — Зарифа Хошимова. — Мақсадим етук математик бўлиб етишиш.

— Нима учун сиз айни математика факультетини танладингиз?

— Бу фанга болалигимдан ихлос қўйганман, қолаверса мен ўқитувчилар сулоласиданман. Отам ҳам, онам ҳам математик, шу йили баҳорда республика математиклар олимпиадасида ҳам қатнашдим.

Физика факультетининг талабалари: Абдували Насриддинов, Чарос Исақова, Саодат Усмонова, бўлажак биолог А. Аветисян, ёш математиклар: Гуласал Иброҳимовалар ҳам ўзлари танлаган соҳа бўйича чуқур билим олишаётганликларини таъкидлашди.

Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Қодиржон ака Парпиев бизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Институтимизда 6 та факультет бўлиб уларда

Азиз Сайфулин институтнинг биринчи талабаларидан. Улар ҳамиша студентлар ва муаллимларнинг севимли меҳмони.



УзФА мухбир аъзоси, институт ректори А. Қосимов бўлажак биологлар билан машғулот ўтказмоқда.

Назария яхши, лекин амалий машғулотларга нима етсин. Химия факультетининг 4-курс студенти Юлдуз Қодирова амалий ишнинг машқини олган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Обсерватория... Ёш физиклар кўп вақтларини шу ерда ўтказишга ҳаракат қиладилар. Чунки бу ерда само сирларига калит топиш мумкин-да.



Бахтиёр Қаюмов тарих факультетининг 4-курсида ўқийди, ВЛКСМ стипендиати.

Аъзамжон МИРЗАЖОНОВ фотолари.

ВЛКСМ 30 йиллиги номли Андижон Давлат педагогика институти талабалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Гулнора Акбарова математика факультетининг 3-курсида таҳсил кўради. Аълочи талаба Ленин стипендиясини олишга муяссар бўлди.

кундузги ва сиртқи бўлимда 4 мингдан зиёд студент таълим олади. Студентларимиз интернационал — 13 миллат вакили бор. Уйғур, рус, украин, яхудий, қирғиз, тожик, турк...

Бизнинг мақсадимиз халқ таълими органларига чуқур билимли, ҳар томонлама етук педагоглар тайёрлаб бериш. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Аввало юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш учун замонавий моддий-техника базаси керак. Институтимизда бу шароит етарли. Ёшларга 6 фан доктори ва профессор, Узбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси таълим беришда фаол қатнашмоқда.

Бугун мактабларимизга компютерлар кириб келмоқда. Демак биз ўқувчиларни компютерлар билан ишлашга ўргата оладиган малакали мутахассислар тайёрлашимиз керак. Шунинг учун математика факультетида компютерни ўрганиш маркази ташкил қилдик.

Бунинг учун Япониянинг «Ямаха» фирмасида ишлаб чиқарилган компютерлар сотиб олинди. Бундан ташқари институтда аниқ фанлар бўйича илмий лабораториялар ҳам борки, унда студентларимиз муҳим тадқиқот ишларини олиб боришмоқда...

Мен Қодиржон акадан институт тарихи ҳақида ҳам икки оғиз гапириб беришни сўрадим.

— Бизнинг ўқув юртимиз дастлабки ўқитувчилар институти бўлиб дунёга келган. Қарийб 50 йил давомида халқ маорифи учун 40000 дан зиёд кадр тайёрланди. Институт битирувчилари областимиз халқ маорифини ривожлантиришга муносиб ҳиссаларни қўшганларидан фахрланамиз. Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, институтимизда севимли шоиримиз Султон Жўра ўқитувчилик қилган. Улуғ Ватан уруши йиллари Асқад Мухтор ўзбек адабиёти кафедрасини бошқарган. Шоира Саида Зуннунова, ЎзФА академиклари М. Музаффаров, М. Хайруллаев, республика маорифи жонкуярларидан Ўзбекистон халқ таълими министрининг биринчи муовини профессор М. Қорабоев, СССР халқ ўқитувчилари М. Абдурасулов ва О. Акбаровлар таҳсил олганлар...

Яна бугунга қайтсак, — деди Қодир ака, — хали олдимизда қиладиган ишларимиз кўп. Студентларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш, яшаш шароитларини янада яхшилаш кун тартибида турибди.

Ш. АКБАРОВ

БЎЛАМИЗ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАТОРТОЛГА МАКТУБЛАР

Мана сизга «ислоҳот»!

Мен Хоразм область, Янгиариқ район Коммунизм колхозидаги А. Беруний номли ўрта мактабнинг 8-синфини тугатганман. Биринчи сентябрда мактабга келиб икки кун ўқиган ҳам эдик, синфимизда ғалағовур бошланиб қолди. Салдан кейин директор билан синф раҳбаримиз кириб столга билет қўйишди. Билетга М ва С деб ёзилган эди. Ким «М»ни олса мактабда қоладиган, фалакнинг гардиши билан «С»ни тортадиган бўлса, СПТУга равона бўладиган бўлди. Менга «С» тушди. Пешонасига «С» битилган мен каби ўнта болани қўлимизга сумкамизни тутқазиб СПТУга қувиб юборишди. Аввалига ҳеч кимимиз ўтмаймиз деб туриб олдик. Кейин рози бўлдик. Директоримиз Машарипов СПТУни мақтай кетди. «Пул беради, овқат беради» деб. Шу ҳам инсофданми?! Алданган эканмиз.

СПТУга келган кунимиз бизни директор ўртоқ Абдуллаев очиқ чеҳра билан кутиб олди ва «қайси группада ўқийсизлар?» деб сўради. Бироқ негадир биз — олтита қизни механизаторлик группасига ўтказиб юборишди. Механизаторлик ёмон касб эмасу, ҳар ҳолда ўзбек қизлари учун тикувчилик группаси очилса ёмон бўлмасди. Ахир, ҳамма қизлар тикувчилик касбига қизиқадилар-ку...

45-СПТУ ўқувчиси

Каромат ҚАЛАНДАРОВА.

Додимизни кимга айтайлик?..

Мен сизларга Қашқадарё область Қарши районида кўп учраётган «Гепатит» — сариқ касаллиги тўғрисида ёзяпман. Мен сариқ касали билан оғриб 30 кун ётиб чиқдим. Касалхоналарда бу касаллик билан оғриган ёш-ёш болалар ва ўсмирлар тиқилиб ётибди. «Нима учун бу касаллик ёш болалар ва ўсмирларда кўп учрамоқда?» Чунки далаларимизда заҳарли химиявий ўғитлар кўп ишлатиляпти, ўқувчилар эса икки ойлаб пахта тергани чиқиб кетишяпти. Ахир бу касаллик ўз-ўзидан келиб чиқмайдику, бир бало сабаб бўлмаса...

Айниқса, Қарши район «Ленинизм» совхозида жуда кўп сариқ ва тиф касаллиги тарқаляпти.

Ҳурматли редакция!

Ахир биз ёшлар XX асрда яшаб улғаймоқдамиз-ку?! Нима учун врачларимиз, олимларимиз пахта даласига химиявий ўғитларни кам ишлатиш ҳаракатини қилишмаяпти? Ахир бу касаллик билан кўп одам ўлиб кетяпти-ку?..

Ҳурматли редакция! Агар чўчимасангиз, журналингизнинг «Мактублар саҳифаси»да хатимизни босиб чиқарсангизлар. Ажаб эмас олимларимиз ва докторларимиз бу мактубни ўқиб сариқ касаллигига қарши курашни янада кучайтиришса...

Қарши район «Москва» совхозининг бир гуруҳ ёшлари номидан

Зиёдулла ФАЙЗИЕВ

Арзимизни сен эшит!..

Салом ҳурматли редакция! Биз 1988 йили уч ой пахта тердик. Ҳамма жойларда пахтанинг килосига 15 тийиндан ҳақ тўланди, аммо бизнинг колхозда 8 тийиндан ошмади. Мавсум охирида ёмғир ёғиб биз колхозчилар бир-икки кун далага чиқолмадик, кунлар исигандан кейин чиқдик. Лекин ноябрь ойининг ўн кунлик пахта пулини ҳалигача олганимиз йўқ. Худонинг берган куни колхоз идорасига бориб пул ололмай қайтамиз. Ҳар куни шу аҳвол: «Отангга бор, онангга бор». Қачонгача чидаш мумкин ахир?! Биз колхоз идорасига бора-бора йўллари чуқур бўлиб кетди. Нега бизни бунча овора қилишади? Агроном бизга ваъда берган эди, «пахтага чиқинглар, килоси энди 15 тийин бўлди», деб. Лекин улар биз — колхозчиларни алдашди. Бизни ҳар куни алдашяпти, «кассада пул йўқ», деб. Колхоз идорасига боришимиз билан кассир қочиб кетади, уни уйидан ҳам топа олмаймиз. Қачонгача кассир фақат таниш-билишига ёки қариндош-уруғига бериб, бизга қолганда «пул йўқ» деб оёқ тираб олади? Қачонгача колхозчининг арзимас пули ҳам таниш-билиш, қариндош-уруғчилик қилинади?

Ҳурматли редакция ходимлари! Шу совуқда пахта терган опа-сингилларингизга, оналарингизга ичингиз ачиса, бизларга ёрдам беринг. Исм-фамилиямизни эса кўрсатманг, илтимос! Чунки биз у ердаги одамлардан қўрқамиз.

Самарқанд область, Пастдарғом район
Киров номли колхоз
Темирхўжа участкасининг бир гуруҳ қизлари.

Редакциядан: Қўрқадиган замонлар ўтиб кетди. Қишлоқ аҳли ўз ҳаққини талаб қилишга ўрганиши керак! Танқид учун ўч оладиган раҳбару, раҳбарчаларни одил қонунимиз энди жиноий жавобгарликка тортиши муқаррардир.

Ислоҳотни шундай тушунаман!

1982 йилни бизнинг қишлоғимизда ҳам ҳунар-техника билим юрти очилди. Ўша йили мен қатори 8-синфни тугатган 40 ўғил ва 25 қиз боланинг ҳужжатлари ҳеч қайси ўқувчидан сўрамасдан «сенлар ҳам одаммисинг» деб мактабдан тўғри СПТУга ўтказилди. Ўқувчилар билим юртига гўё туш кўргандай мажбуран боришар, ўқишдан эса кўнгиллари совуган эди. Баъзи ўқувчилар эса 6 ойлаб дарсга келишмади. Уч йил ўтди. Қўлимизга «Трактор ҳайдовчиси» деган диплом олдик. Ҳозир шу қирқ ўқувчидан биттасигина трактор ҳайдаб юрипти. Қолган 39 (ўттиз тўққиз)таси каминадек қурилиш бригадасида ишлаб юришибди. Гарчи тош териш, ғишт териш, бўёқчилик, қурувчилик борасида малака бўлмаса ҳам, СПТУ ҳамон гурра-гурра тракторчилар чиқариб ётибди. Бундан давлатга нима фойда?

Мен ўқувчини одам ўрнида кўрмайдиган, унинг қизиқишлари билан ҳисоблашмайдиган, «маориф» ҳодимларини, директору, ўқитувчиларни партиявий, тарбиявий жазолаш тарафдориман. Негаки бундай ўқитувчилар ҳеч қачон жамиятга фойда келтирмайди, бизнинг орамизда бундай ўқитувчилар бор экан, ҳеч қачон ёшлар яхши тарбия топмайди. Менга қолса умуман ҳунар-техника билим юртларини тугатиш, шунга кетаётган маблағ ҳисобига эса мактабларда ихтисослаштирилган тўгараклар ташкил қилиш керак. СПТУларда ўрганилаётган ҳунарларни бемалол мактабларда ташкил қилинган тўгаракларда ҳам ўргатиш мумкин. Бунинг афзаллик тарафлари бир қанча: биринчидан, ўқувчи ўзи қизиққан касб билан бирмунча эрта, 5—6-синфдалигидаёқ танишиб, у ҳақдаги маълумотини ошириб бориши мумкин. Иккинчидан, у ўз ўқитувчилари тарбиясида қолади. СПТУ ўқувчиларига бериладиган стипендия мактаб ўқувчиларига тақсимланса, (ишонинглар, уларнинг ҳам ўзларига яраша кўча ҳаражатлари бор) колонияларда йўлтўсарлиги, ўғрилиги учун ўтирган ёшларнинг сони анча камаярмиди... Мактабни тугатишда эса ўқувчига қайси тўгаракда қандай касбни ўрганган бўлса шу ҳақда ҳужжат берилиши керак. Мен мактаб ислоҳотини шундай тушунаман.

Азамат САФАРОВ,
Самарқанд область, Советобод район
«Карнаб» совхози Тим қишлоғи

* * *

Биз сизларга мактабимиздаги камчиликларни ёзмоқчимиз. Мактабимиз ўқувчилари орасида тўрт амални, ҳаттоки ўқишни яхши билмайдиган қолоқ ўқувчилар синфдан-синфга кўчирилмоқда. Ўқитувчилар ҳар йили қолоқ ўқувчиларни синфда қолдирамиз, дейишадию, лекин амалда қўллашмайди. Бизда қиш пайтлари дарс бўлмайди десак янглишмаймиз. Негаки, қишда бизда нима кўп, тўй кўп. Қолаверса ёмғир ёғиб йўлимиз ботқоққа айланганлиги сабабли кўп болалар мактабга бормайди. Ўқитувчиларимиз кўпинча 45 минутлик дарсни 25 минутга қисқартиришади. Шу тўғрими? Биз 3 чақирим жойдан шунинг учун келамизми? Ахир бизнинг ҳам орзу-умидларимиз бор, уларни рўёбга чиқариш учун ўқишимиз керак.

Мактабимизда синфхоналар етишмайди, спорт зали йўқ, ҳар хил тўгараклар ташкил этилмаган. Қисқасини айтганда камчиликларимизни қоғозга сиғдириб бўлмайди. Биз-ку, битириб кетамиз, лекин укаларимизга ачинамиз. Улар ҳам биз каби чала билимли бўлишларини истамаймиз.

Қашқадарё область Чироқчи районидаги
56-ўрта мактаб ўқувчилари номидан
ҲАИТОВА, БЕКМИРЗАЕВА.

Қайта қуриш амалда бўлсин!

Мен Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл район, «Ленин йўли» колхозида туғилиб ўсганман. Ҳозир институтда ўқияпман. Келгуси йил, ўқишни тугатиб қишлоққа қайтиб бориш-бормаслик жуда мени ўйлантиради. Колхозимиз катта, унда 9 та қишлоқ ва 3 та мактаб бор. Муаммолари ундан ҳам катта. Колхоз ичидаги йўллардан бирон-тасидаям бир қарич асфальт кўрмаймиз. Езда чанг, қишда лой. Мактаб ўқувчилари уч чақирим йўл босиб мактабга қатнашади. Колхозда ёшлар дам олиб, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун бирон-таям қулайлик йўқ. На клуб, на спорт майдончалари ёки истироҳат боғи, кинотеатр, ҳаммом, боғча бор. Елғон бўлмасин, колхоз марказида номигагина болалар боғчаси, ҳаммом бор. Улар фақат текширувчи келган пайтдагина ишлайди.

Мактабда таълим-тарбия ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Марказда жойлашган мактабда шундай синфлар борки, 3-синфгача қорақалпоқча, кейинчалик туркманча ўқитилади. Бу қанақа таълим-тарбия, ўқитиш системаси бўлди — ҳеч кимса қизиқмайди. Мактабларда бирон-бир лаборатория хонаси, бирон-та тўгарак ёки спорт секцияси йўқ. Мактабнинг номи «Правда» деб аталгани билан бу ерда ҳақиқатни кўриш амри маҳол. Мактабнинг ўқув ишлари бўйича бўлим мудири бир пайтлар врач эди. У ўз ота-онасини уриб, қўлларини болта билан чопиб ташлагани учун дипломини бекор қилиб ташлашган, район газетасида у ҳақда «Оқ халат кийган оқпадар» деган мақола ҳам босилганди. Энди у ёшларга таълим-тарбия беряпти.

Колхоздаги магазинларни текшириб тартибга соладиган бирон-та мард йўқ. Сотувчилар магазинларни шахсий дўконларига айлантириб олишган. Мамлакатимизнинг ҳамма нуқталарига тезда етиб борадиган матбуот янгиликлари, газета-журналлар билан колхоз аҳолиси бир ҳафтадан кейин танишади. Маданият арбоблари билан учрашув бўлганини ҳеч ким эслаёлмайди. Мабодо бирон бир маҳаллий санъаткор концерт бермоқчи бўлса, колхоз гаражида билет

www.ziyouz.com kutubxonasi

сотилиб, ўша ерда саҳна қилишиб, томоша кўрсатилади. Томошабинлар ерда, машина кузовларида, тракторлар устида ўтириб «маданий ҳордиқ» чиқаришади.

Булардан ташқари, кадрларни танлашда, хизмат лавозимига тайинлашда пулга, таниш-билишчиликка астойдил риоя қилинади.

Шу пайтгача бармоқ орасидан қараб келинган бу ҳолга энди қайта қуриш даврида чек қўйиш вақти келмадими? Ҳойнаҳой бу танқидий мулоҳазаларим босилиб чиқмаса керак.

Менинг сизлардан, редакциядан шубҳаланиб турганимнинг сабаби, қайси редакцияга ёзганим билан материални текшириш учун ўша ернинг раҳбарларига жўнатади. Ҳолбуки, мен қайта қуриш пичоғи чирпиган муаммоларни кесишини жуда-жуда истардим.

Сабир САФАРОВ,
ТошПИ битирувчиси.

Зарур тузатишлар

Аввалambор муштарийларнинг истагини инобатга олиб, севимли журнал саҳифасида (1989 йил 4-сон)ги суҳбат учун чуқур миннатдорчилик билдираман. Журналнинг штатсиз мухбири Баҳром Обиджонов билан мухтасар суҳбатимизнинг мавзуи ва тарзи мени қониқтиради. Қўшиқчи бўлиш ниятида кимгадир эргашиб, кимнидир суйиб унинг қўшиқларини кўксига жойлаганлар ичида санъат аталмиш улуғ даргоҳга кириб қолганлар кўп бўлган.

Ота-боболаримиздан мерос классик қўшиқ ва мусиқа санъатимизнинг Мулла Тўйчи, Қориёқубов, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзовлар каби, эстрада қўшиқ санъатимизнинг Ботир Зокировдек дурдоналари бор. Шерали Жўраев ҳар бир замондош ўзбекнинг мусиқий дунёсини тўлдириб турибди.

Она халқимиз тақдиру тарихини, дарду қувончларини, эзгу тилакларини келажак авлодларга етказувчи тарихий ва маънавий узлуксизликнинг барқарор боғловчиси — бу халқчил санъатнинг яна юзлаб намояндалари номи қўшиқсевар мухлислар, фидойи шогирдлар қалбидан ўрин олгандир. Маънавий қадриятларимизни эъзоз қилмай, маданий тарихимизни ўрганмасдан, классик адабиётнинг қудратини ҳис қилмай етук санъаткор бўлиш мумкин эмас. Бу менинг аввало ўз олдимга қўйган талабимдир. Ўз ижодимга танқидий ёндошган ҳолда тенгқурларим ва эртароқ саҳнага чиққан санъаткорларнинг ижодини ҳам кузатиб бораман. Улар ижодига танқид айтишдан ўзимни тийган ҳолда ютуқларидан суюнаман. Мазкур тилга олинган суҳбатда муҳбир саволига суҳбатдошнинг жавоби қуйидагича берилган: «Яна бир нарса — шеърга, сўзга эътибор етишмайди. Ҳатто айрим номдор хонандаларимиз репертуаридан ҳам музика ва ижроси чакки бўлмаган, аммо сўзлари бачкана, фикрсиз қўшиқлар кўп учрайди. Бу — эстрадамиз тараққиётига, айниқса ёшлар ижодига салбий таъсир ўтказмоқда. Ўзимдан мисол келтирсам, мен ҳам шуларга эргашиб «Бир кун чиқсам осмонга», «Сенга бир қўшиқ айтаман», каби енгил-елпи ашулаларни яқин-яқингача ҳам куйлаб юрардим».

Севимли журнал ҳайъатига арз қилмаган ҳолда, муаллиф ўз фикрини бу тарзда билдириши нотўғри деб ҳисоблайман. Ҳолбуки бундай танқид менинг ҳам ижодимга маълум даражада тааллуқли дейиш мумкиндир. Ва хусусан «Бир кун чиқсам осмонга», «Сенга бир қўшиқ айтаман» қўшиқларини севиб куйлаб келмоқдаман. «Бир кун чиқсам осмонга» қўшиғи («Оригинал» репертуаридан) ижодкорларининг бастакорлик ва ижро маҳоратини эса алоҳида эътироф этишни истардим.

Эҳтиром ила Рустам ҒОЙИПОВ.

Хатлардан сатрлар

Мухлисларимиз журналимизга ишонч ва умид билан юборишаётган мактубларнинг кети узилмайди. Гоҳида қисқагина қилиб битилган бу хатлар ҳам бир олам дард билан, куйинчаклик билан ёзилганига гувоҳ бўламиз. Бу дард, бу куйиниш на фақат мактуб муаллифларинигина эмас, балки улар ҳозирги ошкоралик ва эркин фикрлаш даврида ҳар бир виждонли кишининг мулоҳазага чорловчи ўйлар, фикрлардир. Уларни ўқиркансиз сиз ҳам беихтиёр ёш журналхонларимизнинг мулоҳазаларига қўшиласиз, ўйлайсиз, мушоҳадага бериласиз. Мана улар...

Биз М. И. Калинин номли 58-ўрта мактабда ўқиймиз. Икки йилдан бери мактабимизда темир йиғамиз. Ҳозир бир уюм бўлган. Аммо уларни ҳеч ким олиб кетмайди. Ҳеч кимга керак эмас экан, нега уларни йиғдик, ҳайронман.

Миртемир ОЧИЛОВ,
Нурота райони

Ҳозирги кунда чайқовчилар, порахўрлар жуда кўп. Ҳатто баъзи магазинларда ҳам нарх-наволарни ошириб сотишади. Магазинга чет эл нарсалари келса, магазинчилар уларни энг аввал таниш-билишларга берадилар. Лекин бизлар-чи? Ахир бизнинг ҳам яхши кийингимиз келади. Бироқ бу нарсалар магазинларда очиқ турмайди.

Бу қинғирликка йўл қўйилишига энг аввало район халқ назорати тафтишчиларининг бефарқлиги сабабдир. Улар атайин бефарқ бўлмасалар бу ишлар аллақачон барҳам топарди.

Мавжуда АШУРОВА,
ўқувчи, Тошлоқ райони

Мени бир савол ўйлантиради. Нима учун бизда ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлган Алишер Навоий мукофоти йўғу, аммо ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза мукофоти бор?! Шу ҳақда билишни истардим.

Сурайё НОРИМОВА,
Тошкент райони

«Еш куч», мактабимизда қиш фаслида жисмоний тарбия дарсларини ўтиш учун спорт зали йўқ. Шунинг учун дарслар синф хоналарида суҳбат тарзида ўтилади. Аксига олиб синф хоналари ҳам совуқ, дарсда пальто кийиб ўтиришга мажбурмиз.

Илтимос, бизга ёрдам берингизлар!

Барногул БАРАТОВА,
Чироқчи райони, 73-мактаб

Қишлоқда яшаймиз. Мактабимизда ўтиладиган ижтимоий фойдали меҳнат ва қишлоқ хўжалиги меҳнати дарслари бизни қониқтирмайди. Чунки биз қишлоқ болалари 7-синфдан бошлаб колхозда ишлаймиз. Шунинг учун биз истардикки, бу дарслар ўрнига керакли фанлар қўйилса...

Свердлов райони. М. Ю. Лермонтов номли мактабнинг 9-синф ўқувчилари

Мактабимизда электрон ҳисоблаш машинаси ва Бошланғич ҳарбий тайёргарлик каби дарсликлар 4—5 ўқувчига биттадан тўғри келади. Натижада бу фанларни яхши ўзлаштира олмаяпмиз.

Қувондиқ КУТУМОВ,
Хазорасп райони.
Ф. Энгельс номли мактаб

Шаҳарларда қайта қуриш ҳақида кўп гапирилади. Лекин қишлоқ жойларда одамлар қандай яшаётганликлари билан ҳеч ким қизиқмайди. Қишлоғимиз одамлари кинотеатр, ҳаммом, боғчаларни тушларида ҳам кўрмаганлар. Улар кино, театр кўриш учун, ҳаммомга тушиш учун район ёки область марказларига боришлари керак. Савдо хизматини гапирмаса ҳам бўлади. Шаҳар билан қишлоқ тенглиги ҳақида кўп гапирилади-ю, нима учун қишлоқда ҳам шаҳардагидек шарт-шароит яратиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмайди?

Комил АЛИБЕКОВ,
Зомин райони Пишағар қишлоғи

Бизнинг мактабимизда ижтимоий-мажбурий фойдали меҳнат дарси бор. Бу дарсда ўқувчилар мактабдаги ҳар хил ишларни бажаради. Масалан, лой қилиш, ер ағдариш, тош ташиш, мактабни ремонт қилиш... Нима, биз бу ишларни қилиб чиниқамизми? Бизга бундай ижтимоий-мажбурий фойдали меҳнатнинг кераги йўқ. Ундан кўра номи журналлардагина бор ҳар хил тўгараклар амалда очилса бўлмасмиди?

Машраб ДАВИРОВ,
Пардабой ЭРГАШЕВ,
Советобод райони. 53-мактаб

Ҳозирги ошкоралик айрим жойларга ҳали ҳам етиб келмаяпти. Лекин кооператив ҳамма жойга етиб борган. Қизиқ. Хайрон қоласан киши. Бир гўшт дўконида қўй гўшти 7 сўм. Мол гўшти 5 сўм. Бошқасида эса ҳар иккисига ҳам бир сўмдан қўшилган. Нега десанг, «кооператив» деб жавоб беришади. Бу туришда гўшт 10 сўмга ҳам чиқиб кетади-ку?!

Кооперативчиларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу ҳам бир қараганда чайқовчиликнинг бир кўриниши эмасми?! Майли, кооперативни яхши ҳам дейлик, бироқ кооператив — чайқовчилик-чи? Унга қачон чек қўйилади?..

Жаҳонгир ОРТИҚОВ,
ўқувчи, Риштон райони

Сизларга қишлоқдаги колхозчи қизларимиз истагини ёзяпман. Илгари магазинларда «Бодрость», «Золотая рибка», «Флория» каби шампунлар бемалол эди. Ҳозирги келиб улар ҳам ноёб молларга айланди. Бунинг сабаби нимада?! Фақат «Лада» шампуни ҳар замонда келади. Гоҳо уни ҳам олиб сотарлардан 2—3 баробар қимматга олишга мажбурмиз. Бизлар далада ишлаймиз, ҳамиша кўчага чиқишга вақтимиз йўқ. Кунниинг иссиғидан бошимиз терлаб 3—4 кунда ҳидланиб қолади. Қани энди юқорида номлари тилга олинган шампунлар кўпроқ ишлаб чиқарилса, магазинларда доим бўлса. Биз сочимизни тез-тез ювиб, озода юрсак. Шампун ишлаб чиқарадиган корхоналар бунга нима дейишаркин?

Д. ХЎЖАЕВА,
Пахтачи райони

Журналда босилган «Мардикор бозори» мақоласини ўқидим. Мен студентлик пайтимда «Мардикор бозори»га бормоқчи бўлганимда болалар у ердаги милиция ходимларини айтишиб қўрқитишганди. Кейин боришга журъат этолмадим. Гоҳида бирор юмушни бажармоқчи бўлсак, ишлайдиган одамни тополмаймиз. Елғиз ўзимизнинг қурбимиз етмайди. Шунинг учун «Мардикор бозори»ни ҳамма районларда бўлишини истар эдим.

Ўразбой СУЛТОНОВ,
инженер, Қўнғирот райони



ҚАТОРТОЛДАН МАКТУБЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

Салоҳиддин Нажмиддиновнинг САВДО МАКТАБИ

Эски шаҳарнинг шарқона ғала-ғовирига тўла Октябрь бозорига кимнинг йўли тушмаган дейсиз. Айниқса, ёз пайти бозорнинг файзи, таровати ўзгача бўлади. Дўконлар, расталар оралаб елиб-югуриб хизмат қилиб юришган оқ халатли ёш-ёш сотувчи йигит-қизларга кўзингиз тушади. Мактаб ёшидаги бу ўсмирларга қизиқсиниб қарайсиз. «Булар Салоҳиддин Нажмиддинов мактабининг болалари» дейишади сизга улар ҳақида. Қизиқишингиз ортади. «Ахир бозорда қандай мактабу унинг қандай болалари бўлиши мумкин?» Лекин булар бор гап. Ишонмасангиз бозорга боринг да разм солинг!

Дарвоқе мактаб дедик, мактаб бўлгач, унинг муаллими, муаллимнинг эса шогирдлари бўлади. Булар ҳақида сўз юритишдан аввал мактаб ташкилотчиси Салоҳиддин ака ҳаёт йўлига бир разм солиб ўтсак.

У савдо соҳасида сал кам 40 йилдан буён ишлаяпти. Савдодек нозик соҳада, тағин раҳбарлик лавозимида шунча ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бу йиллар ичида фақат ишладигина эмас, эл-юртга сидқидил хизмат қиладиган қанча-қанча муносиб шогирдлар етказди. Унинг ҳам, у бошқарадиган коллективнинг ҳам ютуқлари шунда.

Салоҳиддин ака хотираларидан

— Асли савдо ишига ёшлигимдан қизиқардим. Бувамни Нажмиддин «вопрос» дейишарди. Бир неча калиш-этик дўконлари бўларди. Ойимнинг отаси ҳам бозор оқсоқоли эди. Бувамни «вопрос» деганларига кейинчалик тушундим: бу гап бир неча магазин хўжайини маъносида экан. Бувим ҳам ҳамиша менга ота-онангни йўлидан кет, ота касбини давом эттирсанг, кам бўлмайсан, дерди. Хуллас шулар таъсиридами 17 ёшимда Октябрь райпишторгига ишга кирдим.

1953 йилда 6-киоскага сотувчи қилиб қўйишди. Орадан 6 ой ўтар-ўтмас район раҳбарлари директорлик курсига ўқишга юборишди. Курсда савдода 20—25 йиллаб ишлаганлар бор эди. Улар нега мени юборишганига гоҳо хайрон бўлардим. Ўқишни тугатиб келгач, дўконимга «18-ларёк» номини беришди...

Болалигидан бу соҳага меҳр қўйган Салоҳиддин ака иш бошлаган биринчи кунданоқ савдони энг аввало элга хизмат, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, зориққанини муҳайё этиш деб тушунди. Хушмуомалаликни савдо-сотиқнинг дебочаси деб қабул қилди. Қачон ким билан ишлашга тўғри келса ҳам ўз принципларига амал қилди. Шогирдларига ҳам буларни обдон тушунтириб, қалбига сингдириб борди. Йиллар ошиб магазин кенгайди, шаҳарликларнинг илғор таъминотчиси бўлмиш 11-озиқ-овқат магазинига айланди. 1953 йилда Салоҳиддин ака дўконда бир ўзи иш бошлаган бўлса, ҳозирга келиб унда 60 га яқин шогирдлари билан хизмат қилмоқда. Ўшанда ойига эски пулга 300 сўмлик савдо хизмати бажарилган бўлса, энди аҳолига ойига 25000 сўмликдан ортиқ озиқ-овқат савдоси хизмати кўрсатилмоқда.

Очиғи биз рақамларга мафтун бўлиб бу ерга келганимиз йўқ. Ташрифимизнинг сабаби — Салоҳиддин аканинг савдо марказида сабоқ олаётган, камол топаётган ўсмирларнинг, айниқса, ёз ойларида таътилдан кечиб иш ўрганаётган йигит-қизларнинг орзу-ўйлари билан танишиш эди.

«Марҳамат»га марҳамат!»

Дарвоқе унутаёзибмиз — Салоҳиддин ака бошқараётган магазин номи «Марҳамат». Ҳар ёзда бу таклифни газета-журналда ўқиган ёки радиодан эшитган ўсмирлар бу ерга савдо сирларини ўргангани келишади. Хўш, бу ёшлар кимлар? Нега улар шаҳарнинг турли томонларида яшасалар ҳам «Марҳамат»га талпинишади? Уларнинг кўнглида нима бор? Яхшиси бу саволларга яқинда ёзги таътилни беҳуда ўтказмай бу ерда савдо сир-асрорларини ўрганган ўсмирларнинг ўзларидан эшитганимиз маъқул.

Алишер Зиёмуҳаммедов:— Ўтган йили Чилонзор районидаги 229-мактабнинг 8-синфини битирдим. Ёзда бекор юрмай бирор жойда ишласаммикан, деб тоғамга маслаҳат солсам, у «Марҳамат» магазинини мақтаб қолди. Ишга келсам олишди. Мени сотувчи Бахтиёр Абдуллаевга бириктириб қўйишди. Бахтиёр акам ҳам Салоҳиддин Нажмиддиновдек энг аввал савдода тўғриликни, хушмуомалаликни, катта-кичикни ҳурматлашни ўргатишди. Уч ой ишлаб маош, кейин яхши ишлаганим учун мукофотга «Чайка» соати олгандим. Бу йил 9-ни битириб яна келдим. Аввал шогирд бўлгандим, бу йил кичик сотувчи вазифасини бемалол бажардим.

Бу ер менга ёқди. Чунки бу ерда одамлар билан савдо муомаласини, муносабатини, яхшилик ва холис хизматни ўргандим. Мақсадим халқ хўжалиги институтининг савдо билан боғлиқ факультетига кириб ўқиш. Қувонарлиси шуки, авваллари ёзда бекор юрардим, зерикардим, энди ишлаб ота-онамга ёрдам беряпман, иш ўрганяпман. Бу ўзимга, келажагимга фойда-ку ахир.

Эргашев Зийнатилла (С. Раҳимов районидаги 261-мактабнинг 10-синф ўқувчиси):— Онам билан бозорга келиб бу ерда ишлаётган тенгдошларимга ҳавасим келди. Ёзда уч ой ишладим, складда мол қабул қилдим, улашдим, ойига 100 сўм атрофида ойлик олдим. Яна мукофот пули ҳам беришди. Бу ерда яна савдо қонун-қоидаларини, чўтни ўргандим. Оилага илк бор маош олиб келганимдаги шодлигимни айтмайсизми...

Бахтиёр Иноғомов (15 ёш, 24-мактаб):— Мактабимиздаги кўп болалар ҳар йили ёз пайтида «Марҳамат»да ишлаб кетишганларини айтишар, бу ерда олган раҳматномалару мукофотларни оғиздан қўйишмасди. Шунинг учун мен ҳам бу йил 8-синфни битириб бу ерга келиб ишладим. Мева-сабзавотларни саралашни ва бошқа савдо ишларини ўргандим. Мақсадим келгусида савдо техникуми ва институтида ўқиш. Янаги йил каникулда ҳам албатта келаман.

Озода Зокирхўжаева:— Бу йил Собир Раҳимов районидаги 10-кечки мактабни битирдим. Бу ерга асли 8-синфни тугатиб, газета-журналлардан тарифини эшитиб ишга келгандим. Уч йил ишладим. Бу йилларда савдо-сотиқ қонун-қоидаларини, ҳисоб-китобни жуда яхши ўрганиб олдим. Бу ерда коллектив жуда яхши.

Ҳамидулла Раҳматуллаев (сотувчи):— Мен ҳам бу коллектив ҳақида газетадан ўқиб, ўзим бозорга тушганда уларни кўриб ёқтириб қолгандим. Ўқиб юрганда қарашиб юрдим. Келганимга мана яқинда 10 йил бўлади. Салоҳиддин акадан кўп нарсаларни ўргандим. Айниқса, устоз тез-тез такрорлаб турадиган «сотувчилик касбида олтин олма, дуо ол» деган ўгит ҳамиша ёдимда. Энди ўзим ҳам бу ерга келаётган ука-сингилларимизга қўлимдан келганча ёрдам бераяпман. Аввалига уларни кичик-кичик савдоларга ўргатамиз. Улар келгусида бизга ўхшаб савдога кўнгил қўйса яхши. 16 ёшли болаларнинг маоши 80—90 сўм. Савдо иши халқ ичида бўлгани учун бу ер бир томондан тарбия ўчоғи ҳамдир. Биз ёшлар билан ишлашда бунга алоҳида эътибор берамиз.

Расул Ҳошимов (сотувчи):— Бу ерга 1975 йили радиодан эшитиб келган эдим. Коллектив мени очиқ чеҳра билан кутиб олди, бундан руҳланиб кетдим. Биз ўша пайтларда сабзавот сотардик. Коллективда тарбияландим, униб-ўсдим. Ўн йил комсомол секретари бўлдим, 1981 йили партия сафига ўтдим. «Элга хизмат олий ҳиммат» деган гапнинг асл моҳиятини ҳам шу ерда англаб етдим. Уч йил бурун савдо техникумини битирдим. Касбимдан мамнунман. Бу ҳам бир бахт ахир!

Мулоқатлардан кўриниб турибдики, ушбу савдо масканида ёшлар фақат савдо сирларинигина ўрганиб қолмаяпти. Бу ер улар учун улкан ҳаёт доирилфунуни ролини ўйнаяпти. Шунинг учун бу ердаги савдо ходимлари ўз хизматлари билан эл-юрт оғирлигини енгил қилиб қўя қолмай, одамлар дарди билан яшашга ўрганишган. Ахир коллективнинг 60-йиллардаги Вьетнамга қилган ёрдамлари, 70-йилларда 6 азамат йигит ўз отпускасини БАМ қурилишида ўтказишгани шаҳарга овоза бўлганини ким билмайди... Тошкент, Ғазалкент, Бухоро, Газли, Грузия, Арманистон ва Тожикистон зилзилаларидан жафо чекканларга, Чернобиль фожиасидан азият кўрганларга, ота-онасиз етимларга, афғон болаларига кўрсатган беминнат ёрдамлари ҳам, Қаҳрамон оналар, уруш ва меҳнат ветеранларига керакли нарсаларни уйларига элтиб бериш, бир вақтлар район савдо тармоқларида ишлаган пенсионерлар ҳолидан ҳабар олиб туришлари ҳам бу коллектив учун аллақачондан бери оддий бир анъанага айланган.

Биз бозор расталарини айланиб юриб ким билан



Салоҳиддин ака Нажмиддинов шогирдлари даврасида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гаплашмайлик Салоҳиддин ака ва унинг шогирдлари ҳақида фақат самимий гапларни эшитдик. Шогирдлари ўз билимларини ошириши учун Салоҳиддин ака ҳамиша жон куйдираркан. Бирор киши ўқийман деса бажону дил уни қўллаб-қувватлаб, унга шароит яратиб бераркан.

— Ахир ўзим ўқий олмадим, шунга болалар билим оламан деса қувониб кетаман. Ўқиса, илмли бўлса ўз хақини яхши танийди, эл дардини ҳам яхшироқ англайди-да. Мана бу йил 8 йигитимиз Совет савдо техникумини битирганлиги ҳақида диплом олишди,— дейди мудир мамнун.

Ютуқлар сири нимада?

(Салоҳиддин ака суҳбатидан)

— Аввало мен бир насадан — шу дўконда 40 йилча ишлаганимдан хурсандман. Кейин яна бир нарса кўнглимни шод қилади — ўзим ичмайман, чекмайман, шогирдларим ҳам менинг йўлимни тутишган. Бу ерда ёзда келиб савдо сирларини ўрганаётган ёшлар билан илк суҳбатдаёқ қай биридан ҳақиқий савдо ҳодими чиқишини аниқ билиб оламан. Оилада тарбия кўрган, назоратга олинган бола дарҳол маълум бўлади. Уларнинг ота-онаси билан суҳбат ҳам катта наф беради. Масалан, бола ота-онасига ёрдамлашса, уй ишларига қарашса, магазиндан куймаган нон олиб келса, ундан савдо ходими чиқади. Кейин бизга келган ўсмирлар билан алоҳида шуғулланиб, уларни назорат қилиб борамиз, ҳар бирини малакали сотувчиларга бириктириб қўямиз. Ишга келган болани эрталаб кўрикдан ўтказамиз. Савдодаги илк қадамларида уларга назорат зарур. Агар боланинг кийими ифлос, ўзига қарамайдиган бўлса, ўзини эплолмаса, қандай қилиб у халққа хизмат қила олади?!

Гоҳида сотувчи эрталаб хафа келади. Уни савдога қўймайман. Ахир нега унинг хафачилигини халққа сотишим керак! Хурсанд келса, яхши тилак билан ишга чиқараман, кейин у ҳам яхши кайфиятда ишлайди, план ҳам ортиғи билан бажарилади. Ёшлардан доим ҳол сўраб туриш керак.

Хонаси келиб қолди, бир гапни айтиб қўяй: савдодаги бошлиқ ўзи «прилавкалардан» чиққан (аввал сотувчи бўлиб ишлаган) бўлса, у одам савдони ҳам, сотувчи руҳиятини ҳам яхши сезади. Қани энди бизда шунақа бошлиқлар кўпайса. Баъзилари бор ғўдайган, ғирт асаббузар. Бошқача атаб бўлмайди уларни. Баъзан савдо министрлигида ёғоч қошиқ билан темир қошиқнинг фарқига бормайдиганлари ишлаб қолади. Улар дўконга келса карамелга, тортга қизиқади. Буларни кўриб кўнгли жойига тушиб қайтиб кетаверади. Қани бухороча «обаки дандон», қани ҳолва, пашмак, парварда, новвот демайди. Нон магазинидан «қани патир, қани ширмон, қани уларнинг юзига сепилган седона, майиз» деб сўрамайди. Ресторанга кирса ширгурунч, шилпилдоқ (қуруқ лағмон), норинниг хўлу қуруғи, моҳора, мошхўрда, кўча ош бор-йўқлиги билан қизиқмайди. Натижада миллий нарсаларимиз камайиб кетяпти.



Саранжом-саришталикда ҳам гап кўп.

Қуёш тафтини чанқоқбосди ичимликлар олади-да!

Савдода ҳамма нарсага ақли етадиган раҳбар бўлса. Шунда дўкон ҳам зўр бўлади, таъминот ҳам. Кейин ҳозирги баъзи нарсаларнинг танқислигига турғунлик йилларидаги хотамтойлигимиз сабаб. Ўзимиз бир аҳволда-ю кўп нарсаларни четга беравердик. Оқибат мана халқ қийналаяпти. Ахир эскиларнинг гапи бор: «Аввал хеш, кейин дарвеш». Маълум маънода бунга амал қилишимиз керак.

Энди бу ердаги иш ўрганувчи ёшларга келсак, 57-йилда бор эди бу фикр менда. Олдинига мактабларга бориб ялиниб юрдик, ишга киришга ундаб. Матбуотга раҳмат, эълон бериб ишимизни кўрсатиб, уларнинг дилига чўғ солди. Энди ўзлари оқиб келишаяпти. Биринчи йили келганларни кунига 4 соатдан ортиқ ишлатмаймиз, 8 килограмдан ортиқ юк кўтартирмаймиз. Ойига 70—80 сўм, кейинги йили эса 100 га етказиб маош олишади. Уч ой яхши ишласа, мукофот, қўшимча пул берилади. Бу бир томондан ота-онасига ёрдам, сўнг бизнинг ишга унум. Улар ёрдамида сабзавотлар тез сараланади, савдоси бир ярим хисса ортади. Ҳар йили келган 15—20 ёшнинг 2—3 таси албатта 10 синфни битиргач ўзимизга ишга келади. Уларни сотувчи қилиб оламиз. Кейинчалик тез орада улардан савдо мутахассиси чиқаришга ҳаракат қиламиз. Бу йил ёзда ҳам шаҳримизнинг турли мактабларидан келган Алишер Зиёмуҳамедов (229-мактаб), Абдурасул Умаров (22-мактаб), Абдумутал Ғуломов ва Шарофиддин Нажмиддинов (81-мактаб), Ерқин Миррахимов ва Баҳодир Адҳамов (278-мактаб), Зийнатулла Эргашев (261-мактаб), Бахтиёр Инағомов (24-мактаб) сингари 15 га яқин бола ишлаб кетишди.

Дўконимизда 30 йил атрофида ишлаётган Ғайрат Анорбоев, Собир Содиқов, савдо аълочиси Абдуғани Ғуломов, Эркин Тошпўлатовлар ҳам бу ерга илк бор келишганда 15—16 ёшли ўспиринлар эди. Улар шу ерда ишлашиб камол топишди, техникумни, институтни битиришди. Дўконимиздан яна қанчақанча савдо раҳбарлари чиққан. Хуллас, дўкон ҳам бир мактаб. Бу мактаб сир-асрорларини ўрганаман деган ёшларга ҳамиша бағримиз очиқ. Савдога меҳр қўйишибдими, келишсин, савдо сирларини, сабоқларини ўрганишсин!

Адҳам ДАМИНОВ,
«Еш куч» махсус мухбири,
Тошкент.

Редакциядан: Мана Салоҳиддин ака Нажмиддиновнинг савдо мактаби билан танишдингиз. Бу ерда ўсмирлар меҳнати қадрланаётгани, бу меҳнат уларнинг маънавий тарбиясига уйғунлаштириб олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдингиз. Энг асосий гап уларга фойда келтирувчи арзон ишчи кучи, енгил-елпи ёрдамчилар деб қарамасликда. Барча нарса ёшларнинг келажакда ўз касбига меҳр қўйган, ҳалол, моҳир савдо ходимлари бўлиб етишишларига, ҳаёт йўлини тўғри танлай олишларига қаратилганида. Қаердаки, «Марҳамат»даги каби партия ва ҳукуматимизнинг ўсмирлар меҳнатининг қадрланиши ва меҳнат тарбияси ҳақидаги кўрсатмалари эзгу ишлар орқали амалга оширилаверса, ўша ерда иш олға кетиб, муаммолар ортга чекинаверади.

Яна нима керак, опа! Марҳамат!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖУРФАК: чиқмаган жондан умид

— Серфикр идроклй студент. Диплом ишида бамаъни мулоҳазалар бор. Яхши, асосли хулосаларга эга. Назарияни ва уни амалда қандай қўллашни билиши сезилиб турибди, — Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг студент ва ўқитувчилари Давлат имтиҳон комиссияси иш олиб бораётганда унинг раиси — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевдан шунга ўхшаш фикрларни кўп марта эшитишди. Ўтган ўқув йилида кўпгина битирувчиларимизнинг дипломлари оммавий ахборот воситалари иши билан бевосита боғлиқ бўлди. Берилган ижобий баҳо, албатта, бизни қувонтиради, лекин танқидий мулоҳазалар ҳам бўлди. Буларнинг ҳаммаси «Ёш куч» — «Молодая смена» журналининг биринчи сонида журфак студентлари билдирган кўпгина мулоҳазалар сингари ҳаққонийдир.

Маълумки, таълим — бу меҳнат бўлиб, якуний «маҳсули» дунёқараши кенг ва профессионал билими яхши мутахассисдир. Ҳозир ўқиш қийинлашиб кетди, аммо ўқитиш ундан ҳам кўра оғир. Бу ахборот кўламининг кенглиги, битирувчиларга бўлган талабнинг ошганлиги ва ҳоказолар билан боғлиқ. А. М. Горький айтганидек, «истеъдод-ишга бўлган муҳаббат туйғусидан камол топади, балки ҳатто истеъдод ўз моҳияти билан ишга, иш жараёнига бўлган муҳаббат халос». Бизнинг битирувчиларимиз орасида газета, журналларда ўзларининг ёрқин чиқишлари билан, республика радио ва телевидениеда эътиборга молик эшиттиришлари билан ишга бўлган чин муҳаббатларини исбот этаётган кўпгина истеъдод эгаларини санаб ўтиш мумкин. Факультетда ҳам педагоглик, ҳам журналистлик касбини қизғин ардоқловчи, талабалар орасида чинакам обрўга эга бўлган ўқитувчилар бор. Аммо номига дарс берувчи ва қалам тебратишни дуруст билмайдиганлар ҳам мавжуд. Улар матбуотда онда-сонда кўзга ташланишади, телевидение ва радиода кўринмасликни афзал кўришади. Талабаларнинг тўлақонли таълимига халақит бераётган сабаблардан бири мана шунақа «мураббийчиликдир».

Факультетда қайта қуришга халақит бераётган сабаблар хусусида жуда кўп гапириш мумкин. Бироқ аҳволни тузатиш учун кескин чоралар кўришга ўтиш ҳаммасидан муҳим ҳисобланади.

Биринчидан, педагогларни тез кунлар ичида журналистиканинг ўзига хос хусусиятларини, оммавий ахборот воситаларининг назария ва амалиётни, тегишли фанни ўқитиш методикасини яхши биладиган мутахассислар томонидан аттестациядан ўтказиш лозим. Бундан ташқари, талабалар билан малакали амалиётчи-журналистлар иш олиб боришлари керак. Биз қўлимиздан келганича шунга ҳаракат қиляпмиз. Ўтган йили бир қатор махсус курсларда айнан ана шундай мутахассислар лекция ўқишди. Талабаларга бунинг манзур бўлгани ўз-ўзидан аён, чунки амалиёт билан боғлиқ лекциялар қизиқарли ва жозибадор бўлмаслиги мумкин эмас. Бу йил талабалар ҳузурида «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррир ўринбосари Н. Саъдуллаев, «Правда Востока» газетасининг масъул котиби В. П. Дегтярев ва радионинг тажрибали мутахассислари — санъатшунослик доктори А. Акбаров, В. Г. Дримачев ва бошқалар лекция ўқишади. Аспирантура ҳам кучли ўқитувчи кадрлар етказиб бермоқда. Яқингинада катта ўқитувчи Б. Мамутов кандидатлик диссертациясини ёқлаган, катта ўқитувчи Ю. Ҳамдамов эса ҳимоя қилиб фан кандидати дипломини олган. Москва Давлат Университетининг журналистика факультети бизга яхши ёрдам беряпти.

Албатта, ўқитувчилар тайёрлаш сифатини ошириш бизнинг асосий вазифамизга киради. Лекин талабаларнинг ўзига бўлган талабини ҳам сусайтириб бўлмайди. Қайта қуриш даврида замонавий солномачи бўлиш фақат фахрли эмас, балки жудаям мураккаб, алоҳида масъулиятли вазифадир. Ўзини билағон ҳисобловчи журналистлар даври ўтди. Бизнинг ҳар бир тарбияланувчимиз фақат жанр назариясини эмас, балки унинг амалиётини, саноат ва қишлоқ хўжалиги, фан, экономика тармоқларининг хусусиятини яхши билиши лозим, факультет битирувчиларидан асосли фикрлаш, жамиятни демократлаштиришнинг мураккаб жараёнлари, республикани хўжалик ҳисобига ўтказиш, пахта ва бошқа қимматли маҳсулотлар баҳоси, экология ва сувдан фойдаланиш муаммолари ҳақида ишонарли равишда гапириб бериш талаб этилади.

Газетадаги ҳар бир сатр, телевизор экранида кўрсатилган ҳар бир факт ёрқин, эсда қоларли, демак, таъсирли бўлиши лозим. Ҳозир шунақа вақтки, кунда фавқулодда воқеалар юз бераяпти, шундай экан, чинакам публицистика учун ахборот етарли даражада, бироқ бизнинг тарбияланувчилар «муаммони ўртага ташлашга» ҳамма вақт ҳам тайёр эмаслар. Шундай қонуний савол туғилади: журфакка кимларни қабул қиляпмиз?

Ҳа, абитуриентлар танлашга кўп нарса боғлиқ. Қабул имтиҳонлари олдидан биз матбуот, телевидение ва радионинг тажрибали амалиётчилари билан биргаликда ижодий конкурс ўтказяпмиз. Аммо кўпинча шеър, ҳикоя ёзишга, маданият масалаларини ёритишга мойил бўлган йигит-қизларга дуч келяпмиз. Бошқа муаммолар уларни унча қизиқтирмайди. Ёшларни жиддий муаммоларни таҳлил этиш ўзига жалб этмайди, уларнинг кўпчилиги қўлда блокнот билан завод цехларига қадам босишга ҳайиқишади... Журналистикага интилиш ва қобилиятни исбот этолган абитуриентлар тайёрлаш зарурлигини биз амалда қўлламоқдамиз. Бу масалани, менимча, область газеталари редакциялари, республика телевидениеси ва радио эшиттириш Давлат комитети билан шартнома тузиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Газета ва журналларнинг редакцияларида стипендия фонди ташкил этиш ҳам ишимизда анча ёрдам берган бўларди. Стипендия кейинчалик ўша ерда ишлайдиган талабаларга берилади.

Кўпинча талабалар: «Тарих, адабиёт юзасидан бунчалик кўп лекциянинг нима ҳожати бор?» — деб савол беришади. Шунда мен: «Журналист учун ортиқча билим йўқ. У пойдеворни айнан тарих билан адабиёт ташкил этувчи, шахсий камол топтиришда тарихий билимлар катта таъсир қилувчи бой ақл-идрокка эга бўлиш лозим»,— деб жавоб бераман. А. М. Горькийнинг таъбирича, В. И. Ленин «ўтмиш тарихни шунчалик яхши билганки, келажакдан туриб ҳозирги замонга назар ташлай олган». Факультет хусусиятини ҳисобга олиб, лекция ва амалий машғулотларда публицистик асарлардан фойдаланиб барча дарсларни ўтиш бошқа масала. Ҳозир факультет ва бир қатор ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг куч-ғайрати шунга қаратилган, янги махсус курслар тузиб чиқилган.

Журналистикага бўлган замонавий талаблар ҳақида гапирар эканмиз, стенография машинкалаш, компьютерлаштириш хусусида айтмасдан бўлмайди. Албатта, буларнинг ҳаммаси зарур. Аммо факультет шалоғи чиққан еттита эски ёзув машинкасига ва шу масалада турли идораларга қилинган ўн иккита мурожаатномага эга бўлганидан кейин қандай қилиб бунга ўргатиш мумкин? Бу биз учун, афсуски, ҳал бўлмайдиган муаммо. Буни республика матбуоти ҳам кўтариб чиққанди. Тўғри, университетнинг кўмаги билан эски ПТВСга эга бўлдик, натижада телевидение назарияси ва амалиёти бўйича машғулотлар сифати, шубҳасиз ошди, анча мазмундор бўлди. Аммо факультетнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш муаммоси ҳали ҳал этилгани йўқ. Ўқув босмахонасини, радио ва фото лабораторияларини, ТЕО га эга аудиторияни ускуналаш лозим. Компьютерлаштириш юзасидан машғулотлар асосан оддий, жиҳозланмаган аудиторияларда ўтказилади. Натижада талабалар компьютердан фойдаланишни ўрганолмаяптилар. Дисплей журналистнинг ноёб ёрдамчисига айланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин бу соҳада ҳам аҳвол яхши эмас. Бизга сўзда эмас, балки амалда ЎзТАГнинг ёрдами керак. Агентликнинг мутахассислари юқори курс талабаларига электрон техникасидан фойдаланиш ҳақида гапириб беришлари, дисплейда ишлашни ўргатишлари керак. Ўрни келганда айтиб қўяй: ЎзТАГнинг ижтимоий-сиёсий, агрономия бўлимларида ишлаётганларнинг ҳаммаси, бошқа редакцияларнинг кўпгина ходимлари бизнинг факультетимизни битириб чиқишган. Ўйлашимча, улар аввалги «дисплей» сўзининг ўзидан ҳайиқишганини унутишмаган бўлишса керак. Бу соҳанинг ҳозирги арбоблари ёш дўстларига ўз ёрдамларини дариғ тутмасликларига жудаям умид қиламан.

Биз бир қанча истеъдодли битирувчиларимиз практиканинг йўқлиги оқибатида Тошкентда ишлашни давом эттиролмаётганидан ташвишланяпмиз. Менимча, республикамиз етакчи матбуот тармоқларига, Гостелерадиога ўқишни аъло баҳоларда якунлаётган факультет битирувчиларини практикаси қандай бўлишидан қатъий назар ишга қабул қилиш ҳуқуқини бериш керак. Ўқишда ва жамият ҳаётида ўзини кўрсатганларга иш жойини танлаб олиш имконияти берилсин. Ишнинг манфаати шуни тақозо этмоқда.

Факультетни ТошДунинг инқилоб хиёбонидаги эски биносига кўчириш талаба ва ўқитувчиларнинг азалий орзусидир. Чунки газета ва журнал редакцияларининг корпуси, республика радиоси, ЎзТАГ айни шу ерда жойлашган.

Факультетнинг ҳар бир битирувчиси касбга яхши тайёрланган, ғоявий чиниққан, юксак маданиятли бўлишини давр талаб қиляпти. Бизнинг куч-ғайратимиз ҳам айнан шунга қаратилган. Менимча ҳақиқий ижобий ўзгаришларга, албатта, эришамиз.

Ф. НЕСТЕРЕНКО,
тарих фанлари доктори, профессор,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ
журналистика факультетининг декани.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Паҳлавон МАҲМУД
(1247—1326)

Жаҳон шеъриятида ўз изини қолдирган шоир. Форс тилида ижод қилган бу буюк шоир бошланғич билимни Хевада олди. Умрлигидаёқ пўстиндўзлик ва телпакдўзлик касбини эгаллади. Кейинчалик Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилди ва бу ўлкаларда курашчи полвон сифатида шуҳрат топди.

Паҳлавон Маҳмуд рубоий ёзиш билан бирга Ҳилолий тахаллуси билан ғазал битган. Шамсиддин Сомийнинг «Қомус ул-аълом», Лутф Алибек Озарнинг «Отошкарои Озор» асарларидаги маълумотларга қараганда у «Қанз ул-ҳақоиқ» номли маснавий ҳам яратган. Афсуски, бу маснавий ҳам шоир ғазаллари каби бизгача етиб келмаган.

Шу сабабли ҳам Паҳлавон Маҳмуд бизга асосан рубоийнавис сифатида таниш. У ўз рубоийларида Умар Хайём анъаналарини давом эттириб, уларда ахлоқий ва фалсафий қарашларни намоён этган.

Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини шу пайтгача Тўхтасин Жалолов, Муинзода, Васфий ўзбек тилига таржима қилишган. Хоразмлик иқтидорли шоир Матназар Абдулҳакимнинг сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган таржималари бу йўлдаги янги ижобий қадамдир.

Рубоийлар

Единг ила ҳар даму, ҳар он тоза бўлур,
Тонг ели эсар ва — гулистон тоза бўлур.
Байрам каби дийдамда экан дийдоринг,
Хотир хушу, дил хурраму, жон тоза бўлур.

Ҳар ким-ки, уни гар ушбу афлок яратти,
Кўксини доғ, кўнглини ғамнок яратти.
Лаъл қилди лабин, зулфини хушбўй этти,
Ер қилди барини сўнгра, демак — хок яратти

Бердим қаламимга сўз, тилим лол этдим.
Орифману, кўнглимда ажаб ҳол этдим.
Сўз давлати султонлари таслим бўлди,
Бу мулкни тафаккур ила ишғол этдим.

Ҳамла қилар менга ғам — оғу. Кўраман.
Кўз очаман, ҳар кўзда қайғу кўраман.
Ўй сураман бошни оёғимга қўйиб,
Ўзни таниб, тиззани кўзгу кўраман.

Ҳақни ҳақ эт, ноҳақни малъун айла,
Яхшини — шод, ёмонни — дилхун айла.
Доно оёқ остидаю, нодон — бошда.
Е раб! Бу фалакни остин-устин айла!

Дил дафтари гул мисли очилди ҳар он,
Еллар учиб, қилди хазонларни тўзон.
Дарду фироқи гардини қум соатидек
Тўкди манго дил. Мен эса — дилга томон.

Кўксимда юрак кўринди. Жондан қутулай.
Қутла мени. Аҳли замондан қутулай.
Тавба ушатган элни соч ҳар ёққа.
Гурас-гурас яхши ёмондан қутулай.

Токайгача бегона ғамин чеккайман,
Яхшиси, дилга ўз ғамим эккайман.
Ниҳолда бир ғўра бўлибман, май қуй,
Мевамни билолмадим, қачон тўккайман.

Сўйла фалак, ҳолима вой келдими ё?
Бахтми? Уни бергувчи бой келдими ё?
Шарқ саридан бошима офтобми келур,
Ғарб саридан қошима ой келдими ё?

Оқ йўл сенга! Ишқинг мен учун хон бўлди,
Сен ҳақда хаёлим маҳи тобон бўлди.
Ҳақ соясиман. Тушдим, ахир, бошингга,
Бу соя туфайли бошим осмон бўлди.

Ҳар суҳбатида жоним олар сирлар бор,
Маккора умид, ҳийлаю тадбирлар бор.
Зоти унинг гарчи тиниқ бир кўзгу,
Атрофида ошно аталур кирлар бор.

Е раб, назарингни қалбима жо қилдинг,
Авф айладигу, гуноҳни рўё қилдинг.
Фош этдингу қошимда не-не сирларни,
Мадҳингда тилим булбулигўё қилдинг.

Сочи илон унинг, қушим, сен ёлғиз,
Сонсиз хатару офату мунг, сен ёлғиз.
Кокил чигалин ёзиш тароқнинг бахти.
Чунки тароқлар тиши минг, сен ёлғиз.

Май чораси ҳар қанча илождан яхши,
Панду насиҳат ва ривождан яхши.
Жом афзал эрур мингта фаровон мулкдан,
Сархум эса Хисравдаги тождан яхши.

Менга тузиш, фалакка бузмоқ хосдир,
Мен нени соз айласам, у носоздир.
Хокдир-ки таним, даҳр уни топтар доим,
Бошим, мана, гўй. Чарх эса чавгонбоздир.

Урфинг-ки бараҳманники, гирён ҳамма
Тийғинг сенинг ўт-сув каби, қурбон ҳамма.
Сувдан-ки агар ўтга тушар, маълумдир,
Ҳам покланиб, ҳам қилар ғалаён ҳамма.

Қуш каби мен. Тирикчилик бошимда.
Сув ичаман, гарчи наҳанг-қошимда.
Ютгач бу наҳанг-ўлим, ниҳоят, бир кун,
Қабримда бўлар таним, бошим-тошимда.

Е раб, не ажаб, қилса мени қон тавба,
Айладим, излаб сени, паймон тавба.
Этдим-ки пушаймон. Бу пушаймонимдан
Қилдирди мени бошқа пушаймон тавба.

Ташрифидан дард ила гирён бўламан,
Оламни кияр бошига эл... қон бўламан.
Келмоқда гулим. Бошдан оёғига унинг
Бошдан оёғим ила қурбон бўламан.

Қай дилга фалак жабр ила бедод айлар,
Бедод эвазига ҳақ уни шод айлар.
Куз фасли хазон ўйнаса ғужғон қайда,
Шу ерда баҳор майсани бунёд айлар.

Бу хона жафо гўшаси... бир шарт бордир,
Ташриф бемалол, кимдаки чин дард бордир.
Сидқ бирла келувчиларнинг ҳар пойинда
Икки кўзимга тўтиё гард бордир.

Хислат беру, ё раб, юрагим шод айла,
Қилди ҳароб гуноҳ, сен обод айла.
Идрок эта олмай сени бир кетгандим,
Келдим яна қайтиб, мени озод айла.

Элга сиринг фош эту, туғён бахш эт,
Кимда иложи бўлмаса, имкон бахш эт.
Қутқаргил азизларингни тун — зулматдан,
Чашма бўлиб, ташнага сен жон бахш эт.

Кимки сени билмаса, у жондан кечади,
Фарзанду аёл ва хонумондан кечади.
Девонаю дарбадар бўлар ишқингда,
Девона, ахир, икки жаҳондан кечади.

Билгил-ки ажал бу ширин жон қасдидир,
Умри — куниинг ҳаёт — ўлим дастидадир.
Ер устидадир сенинг омонат ўрнинг,
Мангу макон ҳамиша ер остидадир.

Форсчадан Матназар АБДУЛҲАКИМОВ таржимаси.

Гулчеҳра РАҲИМОВА

Тунги манзара

Умр йўлдошим хотирасига

Уриндиқдан кетди у учиб,
Бир зарб билан ерга бехосдан.
Сўнгги дами ичига тушиб,
Изтиробга чўмди кенг осмон.

Жон-ҳолатда тош йўлни қучиб,
Интилди у қолай деб омон.
Далаларни босди кар сукут,
Бир сас еру-жаҳонни тутди.

Юлдузларнинг бағри тўла ўт,
Изғирин ол жонидан ўтди,
Бу лаҳзани қилай деб унут,
Йўллар бундан бош олиб кетди.

Ана, ажал турар бақрайиб,
У ажалнинг устидан кулди.
Қора туннинг ранги оқариб,
Еллар мендек сочини юлди.

Уфқларнинг бағри сарғайиб,
Қорачиқлар нури тўкилди.
Роз айтмади қотган ғунча лаб,
Мен умримни қўйсам ҳам гаров.

Бу дунёни кетди у ташлаб,
Кўз ёшингни артар деб, биров».
...Тун айбини яширмоқ истар,
Ер юзини қоплаган қиров.

* * *

Одамлар одамнинг қадрини билса,
Туз сепиб жароҳат қилмас ярасин,
Бир оғиз яхши сўз айтгимиз келса,
Деймиз: «Топганларинг тўйга ярасин!»

Афсус, тўй майдонлар унча кенг эмас,
Дунё қўлимизга тутмоқда хасса.
Қалбга Орол чўккан битта сен эмас,
Болангнинг устида осмон йиғласа.

Чиқмайсанми уйдан елиб-югуриб,
Туз бўлиб тўрт ёқдан хўп озор ёғса,
Жонингни, анови пахта суғуриб,
Навқирон бошларга бевақт қор ёғса!

Айт, қачон тирилар бу ўлик макон,
Кўз очмай гўдаклар ётса чала жон?!
Шуми топганимиз тўйга асраган,
Кўзларни тарк этган ҳайрат, ҳаяжон!

Тўрткўл.

Ҳабиб РАҲМАТ

Жони ачиб

Хазонларни яхшилаб
Супурган эди Сойиб.
Шамол туриб бирпасда
Бошқатдан кетди ёйиб.

Сойиб хафа шамолдан
Ўдағайлаб дер шунда:
— Одамларнинг меҳнатин
Қадрлашни билгин-да!

Тошкент

www.ziyouz.com kutubxonasi

АДОЛАТСИЗЛИК!.. ҲАҚСИЗЛИК!.. ҲУРЛИК!

Суд мажлиси 10 ой давом этди, ўнлаб мутахассислар чақиртирилди, 415 гувоҳ кўрсатмаси тингланди, иш такрор терговга қайтарилди ва қора курсидаги 10 нафар айбланувчи... айбсиз деб топилди. Улардан бири эса...

«Ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруғи баравар ёнади» қабилида жиноятга қарши курашишнинг ўзи жиноят. Айбсиз кишини хавф остига қўймасликнинг бирдан-бир чораси... процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилишдир».

СССР Прокуратураси Бош тергов бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари В. ИЛЮХИН суҳбатидан.

Қора курсида ўтирган 10 нафар судланувчига қўйилган айблов фикрини аниқлаш учун Ўзбекистон Олий Судининг жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси Термиз шаҳрида 9 ой, Сариосиё районида бир ой, сўнг яна Термизда бир неча кун мобайнида очиқ суд мажлисини ўтказди. Юзлаб гувоҳлар кўрсатмаси тингланди, ҳужжатлар кўтарилди, қишлоқ хўжалик ишлари, молиявий ҳисоб-китоб мутахассислари таклиф этилиб улардан консультациялар олинди ва судланувчиларнинг жиноятчи эканлигини тасдиқловчи далиллар мустаҳкамланиши ўрнига... айблов фикрида янгидан-янги чалкашликлар, чигалликлар, мавҳум ўринлар ойдинлашаверди ва бир қатор асосларга кўра жиноят иши тўла ҳажмда такрор терговга қайтарилди. Ҳукм ўқилмади, ажрим чиқарилди, холос.

Хўш, нега шундай бўлди? Ойлаб қамоқда, ойлаб қора курсида ўтирганлар кимлар? Айблаш фикридаги чалкашликларнинг туб сабаблари қаерда? Жиноят юз берганмиди, жиноятчилар аниқланганмиди, ўзи? Еки...

Муфассал жавоб топиш мушкул бўлган саволларни кўпайтирмай воқеанинг тафсилига ўтайлик.

Айбланувчилар 10 киши эди, лекин айблаш фикри, суд ажрими, гувоҳлар кўрсатмаси ва бошқа кўплаб ҳужжатлардан бош айбланувчи Бобомурод Омонов эканлиги кўриниб турибди. Жиноий қилмишларнинг қарийб барчасининг бевосита иштирокчиси, иштирокчиси эмас, балки ташкилотчиси — Б. Омонов. Айбланувчиларнинг барчаси Б. Омонов билан «жиноий тил бириктирган». Қўшни район хўжаликларидан пахта тергин деб буйруқ берган ҳам, терилмаган пахта учун давлатнинг пулини мукофот тариқасида совуриш учун мажбур қилган ҳам Б. Омонов. Айблов фикридаги иборалар билан айтадиган бўлсак Б. Омонов «мансабдор ва моддий жавобгар шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда бу жиноий группа фаолиятига ўзи бевосита бошчилик қилган» ҳамда бу группа «қасддан қўшиб ёзган», «хизмат мансабини ғараз мақсадларда суиистеъмол қилган», «сохта шон-шуҳрат орттириш мақсадида... қасддан зарар етказган»...

Бу қадар ғаразли, бадният одам ким ўзи?

Ҳаммаси бир гуруҳ «ҳақиқатпарвар»ларнинг шикоят хатидан бошланди. Шикоят хати асосида ўтказилган халқ контроли текширувида Б. Омоновнинг сурув-сурув подаси борлиги, шунингдек у хўжалик директори лавозимидан фойдаланиб совхозга берилган ГАЗ—24 «Волга» мошиннинг корпусини ўзлаштирганлиги, совхозга тегишли ГАЗ—69 маркали автомашинани қариндоши Ш. Эшболтаевга ҳадя этиб юборгани ва ҳоказолар аниқланган.

Арзимасдек кўринган бу қусурлар оқибати жиддийга айланди. 1985 йил 20 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон КП Сурхондарё область партия комитети бюро мажлиси Б. Омоновга хайфсан бериб, уни лавозимидан озод қилди. Табиий, Б. Омонов буни кутмаган, қолаверса, кўп йиллик меҳнати эвазига шундай «мукофот» билан тақдирланиш унинг учун жуда оғир эди. Бу ёгини сўрасангиз, унинг совхоз подасига қўшиб қўйган сурув-сурув қўй-эчкиси ҳам йўқ, совхознинг умумий йиғилиши қарорига биноан сотиб олган «Волга» кузовини айблов фикрида баён этилганидек «шахсий эҳтиёжларига ишлатиб» юбормаган, балки уни қандай олган бўлса шундайлигича 1984 йили ўз ихтиёри билан хўжаликка қайтариб берган эди. Ш. Эшболтаевга «ҳадя этилган» ГАЗ—69 ни эса бориб кўрдим, у бир уюм металл парчасидек чанг босиб бостирмада турар, маълум бўлишича, автомашина 1959 йили (!) заводдан чиққан, у обдон хизматини ўтагач, нархи туширилиб (совға тариқасида эмас!) ярим нархига 1965 йилдан буён совхозда ишлаётган Ш. Эшболтаевга сотилган.

Демак, Б. Омонов ўзига қўйилган айблар асоссиз эканлигини исботлаши қийин эмасди. Бироқ яна кутилмаган зарбага учради — область партия конференциясида сўзга чиққан область прокурори Н. Масленников (ҳозир пенсияда) «Коммунизм» совхози давлат планларини бажаришда кўзбўямачилик қилган, қўшиб ёзган деган гапларни қистириб ўтди.

Б. Омонов бундай тухматга мутлақо чидай олмасди, шу боис у область партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов номига прокурор даъвосига партиявий баҳо берилишини сўраб талабнома ёзди. Обком котиби Б. Омоновнинг талабномаси бўйича текшириш ўтказишни... Н. Масленниковга топширди.

Совхознинг 1982, 1983, 1984 йиллардаги молиявий аҳволини текширишга киришилди. Хўжалик прокуратура терговчилари ва республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ревизорлари томонидан ёппасига ўрганила бошланди. Б. Омонов ва унинг «жиноятчи» шерикларининг «кирдикорлари» тобора кўпроқ варақларда акс эта борди. Прокурор Н. Масленников имзоси билан тасдиқланган Б. Омонов ва бошқаларнинг айблов фикрини кўчириб босишнинг имкони йўқ албатта. Умуман Б. Омонов ва бошқаларнинг санаб ўтилган барча жиноий ҳаракатлари натижасида 6 миллион 987269 сўм давлат ва жамоат пул маблағи талон-торож қилинган. Шунингдек, Б. Омонов совхоз эҳтиёжи учун олинган ГАЗ—24 маркали мошин кузовини ўзи учун сотиб олган; ЛУАЗ маркали мошинни яқин қариндоши Махмаевга сотган; хўжаликка тегишли ГАЗ—69 мошинни қариндоши Ш. Эшболтаевга ҳадя этган ва ҳоказо.

Айблов фикрида қайд этилган жиноятлар ҳажмини кўрган ҳар қандай кишининг тепа сочи тикка бўлиб кетади. Халқнинг шунча маблағи ўзлаштирилган экан улар давлатга қайтарилмоғи керак деган хулосага келади.

Турсунов бошлаган терговни область прокуратурасининг терговчиси (ҳозир Термиз шаҳар прокурорининг ўринбосари) Ботир Қурбонов давом эттирди. Совхоз ишчилари, бригада бошлиқлари, пахта пунктлари ишчилари сўроқ қилина бошланди. Иш жиддий тус олаётганини кўрган Б. Омонов Б. Қурбоновнинг қайнотаси билан илгариттан муносабати чатоқ эканлиги, шу боис нохолислик юз бермаслиги учун терговчи ўзгартирилишини расман сўради. Илтимос қисман қондирилди — тергов группасига бошчилик қилиш Термиз транспорт прокуратурасининг терговчиси Казбек Битаровга топширилиб, Б. Қурбонов группанинг аъзоси сифатида қолдирилди.

Кексалик нафақасини ола бошлагач ҳам ғалвалар барҳам топмаётганидан ташвишланган Б. Омонов Ўзбекистон КП МКига арзнома йўллади. Арзнома жавобсиз қолди. Шундан сўнгтина у КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевга хат ёзишга мажбур бўлди. Б. Омонов бу хатни «Шикоят-илтимос» деб номлади. Мен эса уни Б. Омонов номидан битилган сўнгги таржимаиҳол деб атаган бўлар эдим. Ушбу мақолага бевосита даҳлдор бўлгани ва кенг журналхонлар оммасига Б. Омонов шахсини таништириш муддаосида ушбу шикоят-илтимосдан мумкин қадар қисқартириб иқтибос келтирамиз.

«Ҳурматли Михаил Сергеевич! Улкан давлат ишлари билан банд эканлигингизни тўла ҳис қилишимга қарамай беҳад иложсизлик туфайли бевосита Ўзингизга мурожаат этишга мажбурман.

1917 йили чўпон оиласида туғилганман. Отамни босмачилар қўлидан қизил армиячилар қутқариб қолишган. 1935 йилдан колхозда меҳнат қила бошладим. Бухгалтерликка ўқидим.

1939 йили ҳарбий хизматга чақирилганча хизматга фронт жанглари уланиб кетди. Ленинград қамалида икки марта яраландим. 1946 йилнинг июнида фронтдан қайтдим.

1948 йили колхоз правлениеси раислигига сайланганимда хўжаликда 94 гектар экин майдони бор эди, холос. 1960 йилга қадар хўжалигимиз 36 майда хўжалик ҳисобига кенгайди, янги ниятлар билан колхозимизни «Коммунизм» деб атадик. Ҳозир экин майдонининг ўзи 5000 гектарга етди, хўжалигимиз аҳолиси сони 25 минг кишидан ошди.

Хўжалигимизнинг равнақини ифодаловчи бир-икки рақам келтирсам: сўнгги 25 йил мобайнида барча хўжалик ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича йиллик ўртача даромад 15 миллион сўмни, соф даромад эса ўртача 4—5 миллион сўмни ташкил этади. КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКининг кўчма Қизил байроғи 11 марта «Коммунизм» совхозига берилди.

38 йил давомида хўжаликка раҳбарлик қилдим. 1956 йили Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим. Яна бир қатор орден-медаллар олдим. 1960—1986 йиллар мобайнида Ўзбекистон КП МКининг аъзоси бўлиб турдим.

Ҳозир Улуғ Ватан урушининг II группа инвалиди сифатида Бутуниттифоқ миқёсидаги пенсионерман. 8 фарзандниинг отаси, 20 дан ортиқ невараниинг бобосиман. Умримнинг 38 йилини жонажон Ватаним, партиям ва совет халқига бахшида этиб пенсияга ёруғ юз билан чиқаман деб ўйлаган эдим. Афсуски, совхозимизнинг 25 минглик софдил меҳнаткашлари орасида бир гуруҳ нохолис, туҳматчилар топилди. Уларнинг бўҳтондан иборат ариза ва шикоятлари ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

файли шу йилнинг ўзида хўжалигимизда тўртинчи марта молиявий-хўжалик текшируви ўтказиляпти. Бироқ ҳеч бир текширув-ревизияда бирорта ҳам ўғирлик ва молиявий қинғирлик қайд этилмади. Лекин бундай сўнгсиз текширтекширлар хотиржам яшашга йўл қўймаяпти, асаббузарликни келтириб чиқаряпти. Мен қариган чоғимда болалигимдан бирга меҳнат қилган ҳамкишлоқларим, оилам кўзига ёруғ юз билан қарашга ўзимни ҳақли ҳисоблайман. Ишонч билан айтаманки, на партия, на халқ олдида бошим эгиладиган эгриликка қўл урмадим.

Илтимос, Михаил Сергеевич! Тегишли партия ташкилотлари иштирокида бўлаётган машмаша холис ўрганилишига ва одилона хулоса чиқарилишига ёрдамингизни аямайсиз деган умиддаман.

Бобомурод Омонов.»

...Тергов эса кун сайин кенгая, чуқурлаша борди. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети контроль-ревизия бошқармасининг ревизори Ҳайдар Мавлонов етакчилигидаги гуруҳ терговчилар билан ёнма-ён туриб совхознинг молиявий кўрсаткичларини атрофлича тафтиш қилаётган эди. Бир қатор хасталиклари бўлган Б. Омонов эса кунда-кунора терговчилар ҳузурига чақиртирилар, у одоқсиз саволларга жавоб берар, шуларнинг орасида вақт топиб врачга қатнар эди.

Олимжон ОМОНОВ,
«Узтупаланггидрострой»нинг катта инженери:

— Совхознинг 1982 йилги кўрсаткичлари бўйича текшириш ўтказилди, сўнг 1983 ва 1984 йиллар ҳужжатлари ўрганилди. Тергов, текшир-текшир авжига минди. Миш-мишларни-ку, асти қўяверасиз!.. Отам асабийлашаётган бўлсаларда, «қинғир ишимиз йўқ» деган кўнгилда хотиржам эдилар. 1986 йилнинг 28 май куни пешиндан кейин К. Битаров билан Б. Қурбонов ҳовлимизда пайдо бўлди. Отамни сўрашди. Врачга кўринишга — акам билан Душанбега кетишганини айтдим. Бир оз ўтиб улар яна келишди. Отам, акам ҳали қайтишмаган эди. Қоронғи тушганда уларни йўлдан тўхтатиб отамни «Обкомга боришингиз керак» деган баҳонада «Жигули»га ўтқазиб Термизга олиб кетишибди...

Б. Омонов шу тариқа қамоққа олинди. Совхоз партия ташкилотининг мажлиси мотам маросимидек совуқ ўтди. Прокуратурадан келган хат ўқиб эшиттирилди. Ҳеч ким сўзга чиқмади. Ўзи иштирок этмаётган шахсни муҳокама қилиш ё бўлмаса терговчилар томонидан ҳибсга олингани учунгина уни жиноятчига чиқариш на партиявий, на инсоний одобга тўғри келишини йиғилганлар билишарди.

Суд мажлисида Б. Омонов зиммасига қўйилган бир қатор айбномалар, чунончи «Волга» мошинининг кузови, ГАЗ—69, ЛУАЗ мошинларини ҳадя этиб юборишга доир айбномалар тасдиқланмади. Лекин жиноятнинг каттаси қўшни район хўжаликларидан терилган пахта ҳисобига даҳлдор эди. Бордию, суд мажлисида лоақал биргина ушбу жиноий ҳаракатлар тасдиқланганида ҳам судланувчилар ҳақли жазони олишга лойиқ бўлур эдилар.

Воқеа эса қуйидагича юз берганди.

1982 йил кузи оғир келди. «Коммунизм» совхози йиллик пахта планини бажаролмаслиги ноябрь ойида анча ойдинлашиб қолди. Хўжалик плани 85 фоизни қораламай терим суръати қарийб тўхтади. Демак, далада ҳосил тугаган эди. Шундай экан, йиллик кўрсаткич қандай қилиб 100, 48 фоизга етди деган ҳақли савол туғилади. Айблов фикрида қайд этилганидек «демак, қўшиб ёзилибди-да» деган хаёлга борасиз, беихтиёр.

Ҳа, ўша йили «Коммунизм» йиллик планни ўз ҳисобидан бажармади. Қўшиб ёзиш, қўшиб ёзганда ҳам ўзга райондаги ўзга хўжаликлар далаларидан терилган пахтани териб келтириб ўз ҳисобига топширишдек қўпол жиноий ҳаракатга йўл қўйилди. Лекин... ҳа, чамамда, терговчилар, ревизорлар ушбу «жиноий ҳаракат»нинг ана шу лекинини ҳисобга олишмаганди. Ваҳоланки, 10 кишини жиноят курсисига ўтқазмайдиган, юзлаб кишиларни сарсону саргардон қилмайдиган, қолаверса, давлатнинг жуда катта маблағини беҳуда терговлар, текширтекширлар, аччиқ ичакдек чўзилган суд ишлари ва ҳоказолар йўлида ҳавога совурилишига йўл қўйилмайдиган ҳақиқатми ё адолат ана шу «лекин»нинг панасида эди.

1982 йилнинг кеч кузига қайтишга тўғри келади. Ҳаво айниб серёғин кунлар кўпайди. Ўзбекистон Компартияси МК ва республика ҳукумати сўнгги куч-қувватларни теримга сафарбар қилиш ҳақида меҳнаткашларга Мурожаат қабул қилди. Табиий, Мурожаат жумҳуриятимиз бўйлаб кенг қанот ёйди. Жумладан, Термиз районидаги «Намуна» колхозининг клубида ўтказилган йиғилишда уста пахтакор А. Эгамбердиев очиқ хат билан термизликлар ташаббусини бошлаб берди.

«Ленин байроғи» газетасининг 1982 йил 16 ноябрь кунги сонида босилган «Термизликлар ташаббуси» хабаридан:

Кеча Термиз районидаги «Намуна» колхозининг клубида район қишлоқ хўжалик ходимларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишга колхоз раислари, совхоз директорлари ва мутахассислари, район активлари иштирок этдилар. Шунингдек йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси И. Б. Усмонхўжаев, область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов ўртоқлар қатнашдилар.

Йиғилиш иштирокчилари пахта йиғим-теримидаги қийинчиликларга барҳам бериш ва қабул қилинган социалистик мажбуриятни бажариш ҳамда республикамизнинг 6 миллион тонналик хирмонига, областимиз мажбуриятининг бажарилишига муносиб улуш қўшиш учун зарбдор ўн кунлик эълон қилишга қарор қилдилар. Шу қарорга асосан ўн кунликда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 50 тийиндан тўланади. Ҳамма теримчиларга, сушилка ва хирмонда ишлаётган шахтакорлар, механизаторларга бепул овқат ташкил этилади. Илғор теримчилар моддий ва маънавий рағбатлантириб бориладиган бўлди. Йиғилиш иштирокчилари колхоз ва совхозлар бу ташаббусга қўшиладилар деб ишонч билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

«Ленинское знамя» область газетасининг 19 ноябрь кунги сонида Сурхондарё область ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи А. Аҳмедовнинг «Бир мисқоли ҳам нобуд бўлмасин» («Ни грамма потерь») сарлавҳали мақоласи чиқди. Унда шундай сўзлар бор эди:

Ҳосилни йиғиб-териб олишда иштирок этадиган меҳнаткашларга зарур шароитлар яратилган: бепул овқат, транспорт, медицина хизмати йўлга қўйилган. Терилган ҳар килограмм «оқ олтин» учун тўланадиган ҳақ 50 тийинга кўтарилди.

Тайёрланган мурожаатнома махсус варақаларда область аҳолиси орасида кенг тарқатилди. Унда жумладан ушбу сўзлар ёзилган эди:

Колхоз правлениеси (совхоз дирекцияси) терилган ҳар бир килограмм пахта учун 50 тийиндан ҳақ тўлайди.

Кўряпсизми, учала кўчирмада ҳам теримчиларга 50 тийиндан ҳақ тўлаш очиқ-ойдин айтиляпти, тарғиб қилиняпти. Энди айблов фикридан кўрайлик:

«Омонов ва бошқалар 1982 йилги мавсумда... сохта ҳужжатлар асосида шу пахталарни терганликлари учун хўжаликларда қилинган харажатларни қоплаш мақсадида ҳар бир килограмм пахта учун 50 тийиндан, жами 261486 сўм пул совхоз кассасидан қонунсиз равишда чиқим қилинган».

«Сохта ҳужжатлар асосида... ҳар бир кг пахта учун 50 тийиндан, жами «Коммунизм» совхози кассасидан 157661 сўм 25 тийин миқдорида пул қонунсиз равишда чиқим қилинган».

«Маллаев Мамазиё вақтинчалик «Коммунизм» совхозининг директори вазифасида ишлаб турган даврида ўзининг хизмат мансабини суиистеъмол қилиб, ундан ғараз мақсадларда фойдаланиб технологик карта талабларига хилоф равишда 1982 йил 16 ноябрь кунида чиқарилган №231 «б» буйруқ асосида теримчиларнинг терган ҳар бир кг пахтасига 6,6 тийиндан ўрнига 0,50 сўмдан иш ҳақи тўлашлик ҳақида буйруқ қабул қилгани натижасида давлат ва жамоатга жуда кўп миқдорда — 725900 сўм моддий зарар етказган».

Ана энди келтирилган ҳужжатлардаги сўзларни, рақамларни қиёсий таҳлил қилиб кўрайлик. Аввало, «Коммунизм» совхозининг раҳбарлари терилган ҳар кило пахта учун 50 тийиндан ҳақ тўлаб ўзбошимчалик қилмаган эдилар-ку!

Демак, теримчиларга 50 тийиндан ҳақ бериш билан боғлиқ совхоз қилган чиқимга даҳлдор пул камомади тасдиғини топмади.

Шу ўринда айблов фикридан ҳозиргина келтирилган икки кўчирмадаги мантиқсизликни қиёслайлик. Хўп, Маллаев М. вақтинчалик совхоз директори вазифасида ишлаб турган экан, унинг 1982 йил 16 ноябрдаги буйруғига асосан теримчиларга 50 тийиндан ҳақ берилган экан, у ҳолда 261486 сўмлик чиқимда қандай қилиб Б. Омоновнинг айби бўлади? М. Маллаев вақтинчалик директор экан, демак, Б. Омонов совхозда йўқ бўлган. Агар у ишлаб турганида директорлик М. Маллаевга топширилмаган, теримчиларга ҳақ тўлаш ҳужжатига хўжалик партия ташкилотининг котиби сифатида у имзо чекмаси ҳам. Ундай экан, гап нимада? Терилган ҳар кило пахта учун 261486 сўм ва 725900 сўм қонуний тўлангани тасдиқланди. Нега бунинг учун ҳам Б. Омонов, ҳам М. Маллаев айбдор деб топиляпти?

Ушбу саволга ҳамда нега «Коммунизм» совхози бошқа хўжаликлардан пахта териб ўз ҳисобига топширгани сабабларини ойдинлаштириш учун яна «айбдорлар»га сўз берамиз.

Б. Омонов — (суддаги кўрсатмасидан):

— Обком секретари А. Каримов кўрсатмаси билан райкомда йиғилиш ўтказилиб Ленин йўли ва Шеробод районлари хўжаликларида териб улгурилмаган ҳосилни териб олиш учун хашарчилар жўнатишга қарор қилинди. 5 ноябрь куни оқшом мен совхоз фаолларини тўплаб обком секретари ва райком йиғилишининг қарорини айтдим. Хашарчиларнинг чўлга бориш ишларининг масъулиятини муовиним А. Икромовга юкладим. У эртасигаёқ хашарчилар билан чўл хўжаликларига жўнаб кетди. Шундан сўнг юрагим хуружи тутиб Шарғундаги касалхонада ётиб қолдим. 15 ноябрь куни касалхона бош врачи Назаров телефонга — А. Каримов чақираётганини айтди. Бордим. У киши ҳол-аҳвол сўрагач касалхонадан бир кунга чиқиб чўлдаги хўжаликларга боришимга ва йиғилган ҳосилни совхоз ҳисобига ўтказиш масаласини ҳал қилишимга кўрсатма берди. Бош врач 4 соатга рухсат берди. Мен ўринбосарим А. Икромов ва партком секретари М. Маллаев билан Ленин йўли районига бордим. У ерда бизни райком секретари Р. Эргашев билан обком секретари Х. Холиёров кутиб олишди. Улар А. Каримовнинг кўрсатмасидан хабардор экан — ўзаро келишилгач, ўз ўрнимга А. Икромовни қолдирдим. Шеробод районида эса М. Маллаевни қолдириб Шарғунга — касалхонага қайтдим. Ўша куни юрак хуружи қайталанди. Эртасига Тошкентга — 1-стационар касалхонасига олиб келишди. 21 ноябрь куни мени кўргани келган Сариосиё район ижроия комитетининг раиси Номозов билан А. Икромов теримнинг бориши ҳақида гапиришди. Номозов, А. Каримов икки район аҳолиси хўжаликка («Коммунизм» учун — Х. Д.) хашар йўли билан пахта териб беришни топширганини айтди. Мен бунга розилик бермадим ва улар териб берадиган пахта бизга зарил эмас дедим. «Обком секретарининг топшириғи-я!» деди Номозов. «Бўлмаса Каримов билганини қилсин» дедим.

Тошкентда 22 декабргача даволандим. Шундан сўнггина уйга қайтдим.

Кўринадики, Б. Омонов бетоблиги, касалхонада ётганлиги боис унинг ўрнида М. Маллаев вақтинча ишлаб турган экан. Энди сўз М. Маллаевга:

— 1982 йили ноябрь ойида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси И. Усмонхўжаев, обкомнинг биринчи секретари А. Каримов Сариосиё райкоми биносида ҳамма колхоз, совхоз раҳбарлари, маориф, медицина ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказди. Йиғилишда юқори партия, совет ташкилотларининг топшириғига биноан совхоз ишчиларини, мактаб ўқувчиларини йиллик пахта планини бажарган, лекин далаларида ҳосил мўл бўлган Ленин йўли, Шеробод районларидаги хўжаликларга жўнатишга келишилди. Мен «Коммунизм» совхозидан Ленин йўли, Шеробод районларига пахта териш учун бораётган ишчи ва студентларни мобилизация қилишда қатнашганман.

Чўл районларидан республика пахта планини, область мажбуриятини бажариш учун совхозимиздан борган ишчи ва мактаб ўқувчиси, хашарчилар терган пахтани Ленин йўли, Шеробод районларидаги совхозлар пахта плани тўлиб кетгани сабабли қабул қилмади. 4-сорт пахтани улар қабул қилмагач, терилган пахталар совхозимиз ҳисобига ўтди. Пахтанинг пули совхозимизнинг банкадаги ҳисобига ўтгани учун приписка йўл қўйишликда мени ҳам айблашди. 1986 йилнинг 1 июлидан 2 сентябригача — 62 кун айбим нима эканлигини билмай қамоқда ётдим. КПСС уставига хилоф равишда сиртдан мени КПСС сафидан ўчириб юборишди...

М. Маллаев масаласига яна қайтмаслик учун шу ўринда айтиш мумкинки, Мамазиё ака ҳозир пенсияда, бироқ қариган чоғида ноҳақдан ўчириб юборилган партия сафига тикланолмай ҳасратда. Мамлакатнинг, республикамизнинг турли табақадаги раҳбариятига 13 марта ариза, шикоят, илтимосномалар жўнатди. Ҳозиргача уларнинг баридан бир хил натижа — жавоб ололмай ўтирибди...

Мана, «лекин» соясида қолган ҳақиқат ана шулардан иборат. Кўринадики, Ленин йўли, Шеробод районларидаги хўжаликлардан пахта ҳуфиёна териб келиб «Коммунизм» ҳисобига топширилмаган. (Дарвоқе, бу икки район далаларидан ўшанда «Коммунизм»дан ташқари яна 11 хўжалик хашарчилари пахта терган.) Оғир шароитда яшаб пахта терган хашарчиларга иш ҳақи ва пул мукофотлари сохта ҳужжатлар ўрнини қоплаш учун ёки ғараз мақсадларда сарфланмаган. Тўғри, бошқа хўжаликлардан терилган пахта ҳисобига «Коммунизм» йиллик планни дўндирган бўлиб қолиши жиноят эмасми, деган яна бир чигал савол туғиладики, бу ҳам айблов фикрида алоҳида қайд этилган.

Ҳазратқул ҲАСАНОВ, «Коммунизм» совхозининг собиқ бош бухгалтери:

— Хўжаликнинг жами кўрсаткичи умумлаштириб кўрсатилган бўлганида, турган гап, жиноятга йўл қўйилган бўлар эди. Мен буни аввалдан билиб қишлоқ хўжалик министрлигига берилган ҳисоботда «Коммунизм» далаларидан терилган ҳосилни алоҳида, Шеробод район хўжаликларидан терилган ҳосилни алоҳида, Ленин йўли райони далаларидан терилган пахтани алоҳида ёзиб ҳужжатга тиккан эдим. Терговчилар, ревизорлар учала кўрсаткич умумлаштирилган ҳисоботни кўришгану гўё ўзларича жиноятни фош қилдик деб ўйлашган.

Айблаш фикрида баён этилган айбларнинг барини оқизмай-томизмай мақоламизга кўчириб босишнинг имкони йўқлиги юқорида айтилди. Суд жараёнида соат сайин, кун сайин пучга чиқаборган айблов фикрларини ўндан бирини ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

батафсил изоҳлаш мушкул. Суд мажлисида судланувчи Ҳазратқул Ҳасанов билан хўжалик молиявий ишларида шунча чатоқликлар борлигини «кашф» қилган ревизорлар группасининг бошлиғи Ҳайдар Мавлонов ўртасидаги дуэль нақ 13 кун давом этди. Ҳ. Ҳасановнинг ўзи Ҳ. Мавлоновга 249 та савол берди, ревизор жавоб қайтаргани сайин эса айбланувчиларнинг эмас, балки ревизиянинг чуви чиқаверди. Тафсилотни чўзиб юбормаслик учун суд ажримидан ревизияни холис баҳоловчи парчаларни келтирамиз:

«Суд, ревизия материалларига танқидий қараб суд мажлисида ревизор Мавлонов Ҳайдарни сўроқ қилганда, у ҳақиқатдан ҳам Ленин йўли ва Шеробод районлари бўйича харажатни ҳисоблаб, даромадни қўшмаганлигини, ...980500 сўмни нотўғри зарарга ҳисоблаганини, 1982 йил якуни бўйича берилган 58492 сўмлик расчётни нотўғри чиқарилганлигини, ...427260 сўмни ошиқча берилган мукофот деб нотўғри кўрсатганлигини, ...қўшимча иш ҳақларини ҳам актда мукофот деб нотўғри кўрсатиб хато қилганини, ...141438 сўмни нотўғри зарар деб ҳисоблаганлигини, ...87145 сўм тўғри тўланган бўлса-да, актда нотўғри зарарга қўшиб ҳисобланганлигини, ...80734 сўм нотўғри мукофот берилган деб 20394 сўмга хато қилганлигини айтиб кўрсатма берди. ...Ўзбекистон ССР агросаноат комитетининг иш ҳақи ва меҳнатни ташкил қилиш бўлимининг бошлиғи Лим П. З. мутахассис сифатида судга берган жавобларида, иш ҳақи масалалари бўйича ревизорнинг хулосалари асоссиз эканлигини ва зарар миқдори нотўғри ҳисобланганлигини, расчётлар бухгалтерия ҳужжатларига асосланмаганини кўрсатди».

Ушбу мақолани сабр-тоқат билан ўқиётган зийрак журналхонда «Бояги сал кам 7 миллион сўмлик умумий зарар қайда қолди?» деган ҳақли савол туғилади. Суд мажлисида бу савол ҳам жавобсиз қолди. Суд ажрими сўзлари билан айтсак, «Мутахассис бухгалтер-эксперт иштирокида ва суд муҳокамасида текширилганда 6987269 сўм қайси суммалардан ташкил топганлигини аниқлаш имкони бўлмади.»

Бу сўзларни ўқиб туриб ҳайратдан ёқа тутасан, киши. Нима, Ҳ. Мавлоновнинг «Коммунизм»да ёки хўжалик раҳбарларида хусумати бўлганми?! Ревизорнинг «қизғин фаолияти» қанчалик тушунарсиз бўлса айблов фикрини тўплаган терговчиларнинг хатти-ҳаракати ундан беш баттар мавҳум, сиру синоатларга тўлиб-тошган.

Шоҳидлардан олинган ўнлаб кўрсатмаларнинг айримларинигина эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Шоймардон ЭШБОЛТАЕВ, чорвачилик механиги. Хўжаликда 1965 йилдан буён ишлайди.

— Йўлда тракторда кетаётгандим, ГАЗ—24 олдимдан тўсди. Тўхтадим. Ундан тушган йигит «Мен Казбекман» деб ўзини таништирди. «Янги идорага борамиз» деб йўл бошлади. Бордик. «Волга»да ревизор Мавлонов ҳам ўтирган эди. Хонада 7 киши бор эди. Улардан бири, «Бобойдан ГАЗ—69 ни совғага олган экансиз-да» деди. «Бобони отишга статья қўйганмиз. Машинани олиш учун Омоновга 2 минг пора берганман деб ёзасан — кетаверасан» деди Битаров. «Бир сўм ҳам берган эмасман, йўқ нарсани қай бет билан бердим деб ёзаман» дедим. Битаров ёқамдан бўғди. Енидаги шеригига, «Чиқиб машинасини текшир, янги запчасти бўлса шунинг ўзи билан қаматтириб юбораман» деди. Оқ сочли терговчи «Бор гапни ёзиб бераверинг» деб мени юпантирган бўлди... ГАЗ—69 1959 йили олинган, шалоғи чиққанидан нархи пасайтирилгани учун (50 фоиз) 1982 йили сотиб олгандим. Текширгани келган прокурор машинанинг аҳволини кўриб «Шуни ёзганнинг уйи куйсин» деди жаҳли чиқиб...

Холмамат ХОЛОВ, совхоз ишчиси, моторист.

— Тўнғич ўғлим уйланаётган эди. Келин-куёв ЗАГСга кетган, мен ош дамлаб уларнинг кетидан етиб боришим керак эди. Ошни энди сузаётганимда дарвозадан биров чақирди. Тўйга келган меҳмонлар деб ўйлабман. Оқ сочли йигит «Жигули»га ўтказиб «иш бор» деди-да, совхоз идорасига олиб келди. Учинчи қаватга чиқдик. Хонада 5 соат ёлғиз ўтирдим. Ниҳоят, Ботир Қурбонов кириб, «Бобонинг пули, тиллолари қаерга яширилган?» деб сўради. Мен 1965—1979 йилларда Бобонинг шофёри бўлганимни, ҳеч қандай тилло-пулдан хабарим йўқлигини айтдим. Казбек биқинимга туртди. «Кўзингни ўйиб оламан. Айтмасанг, қамаласан» деди. Мен сўзимдан қайтмадим. Кеч соат 6 да машинага ўтқазиб «Термизга кетдик» деди. Мен уйимда тўй бўлаётганини айтдим. «Қўйиб юборинглар» дедим. Машина кетаверди, ўзини область прокуратурасидан деб таништирган терговчи «Бобо ҳақида билганингни ёзиб берасан — бориб тўйингни ўтказаверасан» деди. Қумқўрғон милицияхонасига кирдик. Уша ерда «1981 йили Бобонинг 15 қўйини Денов бозорига олиб борганман» деб ёзиб бердим. Бошқа иложим қолмаганди... Шундан сўнгтина мени чиқариб юборишди. Кеч бўлиб қолганди. 100 сўмга йўловчи машинага ялиниб-ёлбориб уйимга қайтиб келдим. Тўй тарқаб бўлаёзган экан...

Жўрақул ШАРИПОВ, пенсионер.

— Терговчилар чақиришди. Битаров ўрусчалаб «1982 йил Омонов сенга қанча мукофот ёзган?» деб сўради. «1800 сўм» дедим. Тўрт кишилашиб ведомостларни титкилай кетишди. Фамилиям топилмади. «Ҳа, Омонов менга премия берган» дедим. Яна ағдар-тўнтар қилишди. Фамилиям чиқмади. Шундан кейингина муддаога кўчдим. «Одамларни нега уряпсанлар?» дедим Битаровга. Қурбонов орқамдан ташланди. Ичкаридан чил солдим — Қурбонов ағдарилиб оёғим остига тушаётганда Битаров тутиб қолди. Уч кишилашиб устимга ташланишди...

Ҳазратқул ҲАСАНОВ:

— Аввало, тергов билан ревизия бир пайтда, ёнма-ён ўтказилаётганидан ажабландим. Янаям ажабланарлиси, хўжалик молиявий жиҳатдан текширилаётганида ҳам улар билан доимий алоқада, мулоқотда ревизия олиб борилмоғи керак. Акс ҳолда янглишмовчиликлар келиб чиқиши турган гап.

Ревизорлар ва терговчилар олиб борган бир-биридан ғаройиб, бири биридан думи хуржунда қолган текширувларни кўрсатувчи кўчирмаларни бас қилсак ҳам бўлади. Суд мажлиси 10 ойдан ортиқроқ давом этгани, суд ажрим чиқаргач, иш такрор терговга жўнатилгани, такрор терговда (ишнинг жами 123 жилддан иборат) судланувчилар айбсиз деб топилганликлари мақоламиз сарлавҳасида айтилган эди. Мен ҳужжатлардан кўчирмалар келтирганда барча гап-сўзларни айнан олишга, ҳатто гап тузилишидаги ғализликларни ҳам айнан сақлашга эътибор бердим. Фақат суд ажримида жуда кўп такрорланган бир сўзни ҳар сафар ташлаб ўтдим. Бу — Бобомурод Омонов исми-шарифи олдида қайд этилган «марҳум» сўзи эди...

Олимжон ОМОНОВ:

— Суд мажлиси охирлаб қолаётгани ҳаммага аён эди. Ревизор Мавлонов билан савол-жавоб чўзилиб кетди. Мавлонов жавоб беришни чўзаверди, бир неча кунлаб суд мажлисига келмай қўйди. 21-октябрда отам, «Аҳволим чатоқ, болаларим билан учрашувга рухсат беринг» деб судьяга мурожаат қилдилар. Судья 23-октябрь куни учрашувга рухсат берди. 22-октябрда бордим. Судья, врачлар қамоқхонада экан. Ичкаридан чиқиб кетаётган нотаниш аёл «Бобойнинг мазаси йўқ» деди. Бир соатлардан сўнг судья Раҳмонов кўринди. «Кирай» десам рухсат бермади. Онам билан акам 23-да — учрашувга рухсат берилган куни эрталаб етиб боришди. Улар ҳеч гапдан хабарсиз тушгача кутишибди, туш чоғи эса шу бугунга ўтар кечаси отам вафот этганларини айтишибди...

Э. Менглиев, ревизор Ҳ. Мавлонов ҳам ўтирган эди. Б. Қурбонов, «Ўзингизга енгил бўлишини истасангиз, бизнинг йўриғимизга юринг. Сизлар жазоланмайсизлар, ҳаммаси Бобони йўқотишга қаратилган» деди. Ездим. 1982 йили қўшни районлардан пахта теришимизда Омоновнинг алоқаси йўқлигини ёздим. Уни ўқиган терговчилар «Қизингизни дўхтирга олиб бормайсиз» дейишди. Ўша куни Термизга олиб бориб ҳе йўқ-бе йўқ изоляторга қамашди... Учинчи куни прокурор Норпўлатов бирров кириб «Ҳар қалай Омонов бир сўзли одам, унинг измидан чиқмагансизлар» деди-да, чиқиб кетди. Изоляторда қолдим. Биров «Кимсан? Бу ерда нима қилиб ўтирибсан?» демайди. Роса бир ой деганда қамоқхона бошлиғи Иноғомовнинг хонасига олиб киришди. Б. Қурбонов, К. Битаров бор экан. Б. Қурбонов, «Ҳалиям ўз сўзингизда тураверасизми, ё қизингиз ўлганини айтсам ёзиб берасизми?» деди. Гаранг бўлиб қолдим. «Бир оғиз сўз айтмайман, сизларга!» дедим. Гунг бўлиб тураверадим. Яна изолятор. Яна бир ой ўтди. Яна ўша хонага чақиришди. В. Масленников, Б. Қурбонов ўтирибди. В. Масленников ёшимни сўради. Айтдим. «Еш экансиз, Бобо қариб қолган. Ўша кишининг айтганини бажарганман деб ёзиб берақолинг» деди мулойимгина гапириб. Қонунсиз пахта терилмаганини, бир сўм беҳуда сарфланмаганини, қўшни район хўжаликларига бормаганимни, ҳар ойлик табелидаги рақамларни бажарилган ишга қиёслашни Бобо ўргатганини, бунингсиз табель тўлдирилишига мутлақо йўл қўймаслигини ёздим. Изоляторда икки ой ўтирдим. Гуноҳимни неча марталаб сўрадим. Жавоб беришмади. Ҳеч ким билан юзлаштиришмади. 1986 йилнинг 26 ноябрь куни «Тергов тугади, ревизия актига имзо чек» деб К. Битаров билан Б. Қурбонов келди. Имзо чекмадим. Шунда Бобони олиб киришди. У киши ҳам имзо чекмадилар. К. Битаров русчалаб, «Барибир бу ердан тирик чиқмайсан!» деб муштини дўлайтирди Бобога. Бобо «Уқиёлмайман, кўзим ўтмайди» дедилар. «Мана, Ҳасанов ўқиб беради» деди Битаров. Мен рози бўлмадим. Ахир, 80 жилдлик тергов материалини қачон ўқиб бераман!.. Кейин менга муҳлат беришди. Уч кун 2 соатдан кўриб чиқдим. Бирон жилдни варақлаб улгурмасимдан қўлимдан юлқиб олишаверди. «Танишсанг-танишмасанг 15 йилга кетасан» деди Қурбонов. Ниҳоят, Бобо, «Барибир умид йўқ» дегандек бош чайқаб имзо чекиб юбордилар...

Терговчиларга ҳам осон тутиб бўлмайди, улар юзлаб гувоҳлардан кўрсатма тўпладилар. Ниҳоят, иш судга оширилди! Айблаш фикрида тубандагича хулосаловчи фикр («ҳукм» десам тўғрироқ бўлар!) зикр этилганди: «Айбланувчиларнинг айби иш материалларидан бошқа қатор далиллар, кўргазмалар, ревизия актлари, бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа тергов материаллари билан ўзининг тўлиқ исботини топгандир».

Яна такрорлай: «тўлиқ исботини топгандир» деган хулоса ясагунча терговчилар озмунча заҳмат чекмади. Лекин улар бир неча кун, бир неча ой ичида одамларнинг неча ўн йиллаб, балки бир умр чеккан заҳматларини оёқости қилаётганликларини ҳис қилмаган кўринадилар. Акс ҳолда улар лоақал оддий инсоний туйғу билан номини ёмонотлиққа чиқараётган кишиларини оз бўлса-да, фазилатларидан кўз юммаган, айблов фикрида зикр этган бўлур эдилар. Улар лоақал ўзлари сув қилиб ичиб юборган қонундаги адолатли шартни — талабни ҳам писанд қилмадилар ва бунинг оқибатида суд ажримининг 9-варағида терговчилар «меҳнати» қуйидагича баҳосин олди: «Ўзбекистон ССР Жиноят процессуал кодексининг 14-моддасига асосан суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи шахс ишни ҳар томонлама, тўла ва объектив текшириш учун қонун билан белгиланган ҳамма чораларни кўришга, айбланувчини қораловчи ҳолатни ҳам, оқловчи ҳолатни ҳам, шунингдек унинг айбини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатни ҳам аниқлашга мажбурдир.

Тергов органи қонуннинг бу талабини бажармаган ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар бўйича етарли далиллар тўпланмаган».

Жиноятнинг тўлиқ исботи қайдаю, исботга берилган мазкур баҳо қайда?

Суд ажримини варақлаган сайин бу кескин баҳо ҳам ҳолва бўлиб қолади. Журналистнинг тафсилоти ва эҳтиросларидан кўра суд ажримидан олинган қуйидаги кўчирмалар тергов органи фаолиятини аниқ, лўнда тасаввур қилиш имконини беради:

«Судланувчи Ҳасанов Ҳ., Омонов Б. тергов вақтида ўтказилган ревизияда иштирок қилмаганликларини, ревизия инструкцияга хилоф равишда оғзаки гапларга асосланиб нотўғри хулоса қилинганлигини, ревизия материалларини уларнинг иштирокида қайта кўриб чиқишни кўрсатиб, ревизия актига имзо қилмаганлар Бу важлар тергов органи томонидан умуман текширилмаган ва натижалари айблаш фикрида баён қилинмаган.

Ревизор Мавлонов судда ревизия тергов билан бир вақтда параллел олиб борилганлиги сабабли тергов материалларидан фойдаланганлигини баён қилди. Бундай ҳолатда ревизия актини ҳужжатлар билан асослантирилган ва қонуний деб бўлмайди».

Эркин НАЗАРОВ, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети контроль-ревизия бошқармаси (КРУ) бошлигининг ўринбосари.

— Айрим ҳолларда вазиятга қараб ревизия текширувлари тергов ишлари билан бир пайтда олиб борилишига тўғри келиб қолади. Лекин ревизор тергов материалларига, айниқса оғзаки гапларга асосланиши мутлақо қонунга хилоф. Ревизор учун бирдан-бир манба — ҳужжатлар! Ҳужжатлардаги рақамлар. Унинг учун бундан бўлак манба йўқ!

Хўжаликнинг молиявий ишлари текширилаётганда бош раҳбар, хусусан бош бухгалтер ревизор ёнида бўлмоғи шарт. Бу раҳбар шахслар қамоққа олинган тақдирда ҳам улар билан доимий алоқада, мулоқотда ревизия олиб борилмоғи керак. Акс ҳолда янглишмовчиликлар келиб чиқиши турган гап.

Ревизорлар ва терговчилар олиб борган бир-биридан ғаройиб, бири биридан думи хуржунда қолган текширувларни кўрсатувчи кўчирмаларни бас қилсак ҳам бўлади. Суд мажлиси 10 ойдан ортиқроқ давом этгани, суд ажрим чиқаргач, иш такрор терговга жўнатилгани, такрор терговда (ишнинг жами 123 жилддан иборат) судланувчилар айбсиз деб топилганликлари мақоламиз сарлавҳасида айтилган эди. Мен ҳужжатлардан кўчирмалар келтирганда барча гап-сўзларни айнан олишга, ҳатто гап тузилишидаги ғализликларни ҳам айнан сақлашга эътибор бердим. Фақат суд ажримида жуда кўп такрорланган бир сўзни ҳар сафар ташлаб ўтдим. Бу — Бобомурод Омонов исми-шарифи олдида қайд этилган «марҳум» сўзи эди...

Олимжон ОМОНОВ:

— Суд мажлиси охирлаб қолаётгани ҳаммага аён эди. Ревизор Мавлонов билан савол-жавоб чўзилиб кетди. Мавлонов жавоб беришни чўзаверди, бир неча кунлаб суд мажлисига келмай қўйди. 21-октябрда отам, «Аҳволим чатоқ, болаларим билан учрашувга рухсат беринг» деб судьяга мурожаат қилдилар. Судья 23-октябрь куни учрашувга рухсат берди. 22-октябрда бордим. Судья, врачлар қамоқхонада экан. Ичкаридан чиқиб кетаётган нотаниш аёл «Бобойнинг мазаси йўқ» деди. Бир соатлардан сўнг судья Раҳмонов кўринди. «Кирай» десам рухсат бермади. Онам билан акам 23-да — учрашувга рухсат берилган куни эрталаб етиб боришди. Улар ҳеч гапдан хабарсиз тушгача кутишибди, туш чоғи эса шу бугунга ўтар кечаси отам вафот этганларини айтишибди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

...Телпакчинор қишлоғида тузилган илк қишлоқ советига раислик қилган Саттор ака деган одам иттифоқо ёш Бобомуродга, «Мен сиз ёшларга ҳавасим келади. Биз не-не машаққатларни бошдан кечирмадик. Сизлар фаровон, адолатли замонда яшайсизлар» деган эди.

Ҳа, инқилоб байроқдорлари шундай деб ўйлашган, шу эзгу ниятларда ҳаётларини бахшида қилишган. Лекин ҳар давр, ҳар замоннинг ўз тошу тарозиси бор, ҳар бир давр кишилари учун ҳаёт шафқатсиз синовлар, тақдир чигалликларини ҳозирлаб қўяди. Фаровонлик учун, адолат учун ҳар куни, ҳар қадамда курашиш, жон олиб жон бермоқ зарурлигини, мана, тузумимиз тарихи айтиб турибди.

Саттор акалардан сўнг қайси даврда рўшнолик кўрди халқимиз. Машаққат устига машаққат, тинимсиз кураш, фронтдаги жанг, меҳнат жабҳасидаги жанг. «Ҳадемай дориломон кунлар келади» деб 70 йил интиқ кутдик, боболаримиз, оталаримиз, акаларимиз ўзларини бахшида этдилар шу кунлар учун. Лекин қачон келади ўша рўшнолик?.. Социалистик бунёдкорлик йилларидаги курашишлар табиий, Ватан тупроғининг озодлиги учун шаҳид кетишлар табиий, лекин ўзимиз ўзимизни қирғин қилишимизни қандоқ тушунмоқ керак?!. 20-, 30-, 40-, 50-йиллар қирғинлари!..

Ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик сиёсати шарофати-ла ўтмишда ноҳақ бадном этилганлар руҳи олдида шармандали айбимизни ювишга ҳаракат қилаётганимиз жаҳон афкор оммасининг назарига тушиб турибди. Шундай экан, нега 80-йилларда ҳам яна ҳақсизликларга, адолатсизликларга, асоссиз қурбонларга йўл қўйилмоқда? Нега? Омонов ва унга ёнбош қўйилган 9 нафар бегуноҳ нега судланди? Совет халқининг фаровонлиги йўлида 40 йил тиним билмаган инсон нега қамоқхона камерасида ўлиши керак?!. Нима, меҳнатнинг охири войми, бизда, меҳнатга оқибат шундай бўладими?.. Буни шахсга сиғиниш қурбонларидан нима фарқи бор?!. Тўғри, фарқи — битта. 30-йилларда эл фарзандининг тақдири саноқли лаҳзаларда хал бўлиб кетаверган, Омонов эса аста-секин ўлдирилди!.. Унинг вафоти жумҳурият Олий судининг 10 ой давом этган суд мажлиси асносида юз берди! «Йўқ!» дея ҳайқиргинг, «Ўзбекистон ўрмон эмас, одамларимиз дарахт эмас!» деб бош кўтаргинг келади...

Яна бош муаммо, асосий савол қаттиқ ўйлантиради: инсон ҳақ-ҳуқуқлари, одил судлов чоралари қизғин ишлаб чиқилаётган пайтда мамлакатимиз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган қонун механизми қани, у борми, ўзи?!.

Милиция полковниги У. Тожихоновнинг, «Мен 29 йил шу соҳада ишлаб, юридик фанлари кандидати бўла туриб бу ноҳақлик исканжасидан минг машаққат билан халос бўлишга эришдим. Бошқа соҳа кишиси ундан қутилиши жуда-жуда қийин» деган аччиқ аламли гапи бот-бот эсга келади. Зеро, Омонов қамаш, қамалиш, ноҳақ қамоқдан озод бўлиш санъатини ўрганмаган, у умрбод «Коммунизм»да чинакам ҳур турмушни қарор топтириш учун курашган эди. «Коммунизм»да эса шундай бўлди...

Қонун ва халқ олдида жавобгарлиги аниқланган ҳар бир шахс, у хизматларидан қатъи назар жазосини олиши муқаррар. Лекин ноҳақ жабрланаётган, янглишмовчилик қурбонига айланаётган шахсни ким ўз паноҳига олади? Унинг учун бир мададкор топиладими ўзи?.. «Коммунизм»да кўпчилик эди бундайлар. Меҳнат ветерани, уруш инвалиди, 77 ёшли Эргаш Одинаев Б. Омонов қамоққа олинганининг учинчи куни Москвага етиб борди. Кремлга, Ветеранлар советига хат киритди. Ҳар иккала хатга «Шикоятни текшириш учун республика прокурорига жўнатдик» деган мазмунда хат олди. Республика прокурори имзо чеккан хатда «Ҳаммаси терговда маълум бўлади» деган мазмунда жавоб ёзилган, терговда эса...

1986 йил 7 июль куни совхоз аҳли вакиллари икки автобусда Термизга, обком секретари ҳузурига адолат истаб, раҳм-шафқат сўраб боришди.

Эргаш ОДИНАЕВ:

— Москвадан қайтганимдан сўнг Б. Қурбонов чақиртирди. «Бобонинг ёнига обориб қўяман — уч кунда ўласан» деди. «Яна Москвага борасанми?» деганда «Бормасам бормасман, лекин Омонов ҳақ чиқади» дедим. Гапимни айтиб бўлмай Ботир энкайимга мушт туширди. Йиқилдим. Ўрнимдан турганимда Казбек кўкрагимга урди. Хонада совхоз бош агрономи Фатто Муҳаммадиев ўтирган эди, «Бобойни урманглар, азоб берманглар» деб мени ҳимоя қилган бўлди.

Сўнг икки автобус бўлиб обкомга бордик... Мамарасулов ҳузурига 11 киши кирдик. Обком секретари, «Омоновнинг ишини мен эмас, бу киши ҳал қилади» деб Масленниковни кўрсатди. «Сиз обком-у» дедим. «Ун киши кафилмиз, Омоновни очиқда қўйинглар» дедим. «Турмада Қурбонов уриб ўлдиради» дедим. Шунда Мамарасулов, «Ўша Қурбоновни бўшатдингми?» деб сўради Масленниковдан. Прокурор «Ҳа, ҳозир иш билан Битаров шуғулланяпти» деди. «Омоновни кафилликка бериш мумкин эмас» деди...

Олимжон Омонов қамоқхона нозирининг хонасида отаси билан учрашганини, шунда Бобо оёғидаги яра сув олганини Б. Қурбоновга кўрсатиб «Мени уйимга юбор, у ерда истаганингча тергов қилавер» деганини, Б. Қурбонов «Буни мен ҳал қилмайман» деганини, сўнг Масленниковга учрашганини, область прокурори «Буни Бутурлин ҳал қилади» деганини куйиб ҳикоя қилди...

Султонмурод ОМОНОВ, Асаларичилик совхозининг бош ветврачи, Б. Омоновнинг катта ўғли.

— Дардимизни эшитадиган бирон зот топилмади. Биз учун биронта очиқ эшик йўқ эди мамлакатимизда. Мен ё укам отамиз ўрнига бориб камерада ўтиришга минг қатла рози эдик. Терговчилар шунга ҳам йўл қўйишмади. Республика, Иттифоқ миқёсидаги раҳбар ташкилотлар, шахслар номига ҳисобсиз хатлар, телеграммалар жўнатдик. («Буни тергов ҳал қилади» деган жавоб хатларнинг ўзи бир сандиқ!) Лекин тирноқча амалий наф кўрмадик. Аксинча иккиуч кун ўтмай ё Битаров, ё Қурбонов чақиртириб «Қаёққа ёзсаларинг ҳам — хат ўзимизга қайтиб келади» деб бизни мазах қилишар эди...

Калаванинг учини ким топади ахир? Борми ўзи калаванинг учи, бизда?.. Ҳар қандай ишда янглишмовчилик бўлиши мумкин, лекин унинг тузатувчиси ҳам бўлиши шартку. Б. Омонов ва бошқалар ишини ўрганган терговчилар янглишган, терговни бирёқлама олиб борган дейлик, уларнинг раҳбарлари-чи? Улар қаёққа қарашди? Бунинг акси бўлди: айблов фикри бошидан охиригача ўзбекча ёзилган. Уни тасдиқлаб, судга оширганлар эса...

СУД АЖРИМИДАН:

Жиноят иши бўйича айблаш фикри 1986 йил 1 декабрь куни тузилган. Шу куни Сурхондарё область прокурори томонидан тасдиқланган. Айблаш фикрига тергов группасининг раҳбари сифатида имзо қилган Битаров ва айблаш фикрини тасдиқлаган прокурор Масленниковлар ўзбек тилини яхши билмайдилар. Жиноят иши материаллари асосан ўзбек тилида тузилган. Таржимоннинг хизматидан фойдаланилганлиги ҳақида маълумот ишда йўқ. Айнан ҳолатда тергов ҳаракатлари юзаки олиб борилгани ҳамда УзССР ЖПКнинг 11-моддаси талабларига риоя қилинмаганлиги кўринади.

Адвокатлар — Охунов, Муҳаммадиев, Жабборов, Азизқулов, шунингдек судланувчилар Икромов, Ҳасанов, Нурматов ревизор Мавлоновга, терговчилар — Битаров, Қурбонов, Менглиевга нисбатан жиноий иш қўзғатиш ҳақидаги илтимосномалари суд ажримида қайд этилган...

Сурхондарё область суд-мед экспертиза бюросининг 1987 йил 4—18 мартидаги қарорида Б. Омоновнинг аҳволи оғирлашгани, унга ўндан ортиқ хасталик азоб бераётгани тасдиқлангандан сўнг ҳам 70 ёшли мўйсафидни очиққа чиқаришга асос бор эди. Суд мажлисида 100, 200, боринги, 300 гувоҳ сўроқ қилингач ҳам, тергов ва ревизия ишларининг кун сайин чуви чиқаётгани ҳам халқ судьяларининг хаёлига мустақил қарор қабул қилиш фикрини келтирмади.

Амирилло РАҲМОНОВ, Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси.

— Ҳа, жуда оғир иш бўлди. Терговдаги бирёқламаликлар, ревизиядаги чалкашликлар суд мажлисининг чўзилиб кетишига олиб келди. Тўғри, суд ҳайъатида Б. Омоновни озод қилиб қўйиб судни давом эттириш ҳуқуқи бор эди, лекин, тўғриси, ўша кезлар республикамизда вазият мураккаб эди. Қолаверса, судланувчилар зиммасига 7 миллион сўм камомад юкланган уларни қамоқ шароитидан озод қилишга мутлақо йўл қўймасди. Суд мажлиси охирлашгани сайин адолат ўрнатилишига ишончим ортди. Ҳадемай қора курсидагилар озодликка чиқади деб ўйлаб юргандим. Афсус, Бобонинг вафоти жуда бевақт юз берди. Эҳтимол, ревизор Мавлонов туфайли суд чўзилмаганда бу аянчли ҳодиса юз бермасмиди...

Мавлонов ишни орқага чўзмаслиги мумкин эмасди. Сўроқ бериб турган кунлари 4—5 кунлаб Тошкентга жўнавормаса, устма-уст ёғилаётган саволларга жўяли жавоб бериш тобора иложсиз бўлиб қолаётганидан нафас ростламаса унга ҳам қийин эди. Ахир сал кам 30 йиллик ревизорлик тажрибасида бунақанги шўриши энди «пиширган» эди-да, ўзиям!

Минг пушаймонлар еяётган эди ўшанда Мавлонов шу ишни зиммасига олгани учун, ҳали кўп пушаймонлар емаса ажаб эмас!.. Ахир 1985 йилнинг охирида ревизияни бошлаганида қишлоқ хўжалик министрлиги тугатилиб агросаноат давлат комитети тузилиши муносабати билан олий маълумоти йўқлиги боис у қисқартиришга тушганди. Лекин 1986 йил февралида қўярда-қўймай Ўзбекистон МКига чақиртирилди, у ерда сариосиёлик бир гуруҳ арчилар «Коммунизм»-ни Мавлонов ревизия қилсин!» деб талаб қилаётганини айтишди ва ишни ниҳоясига етказишни унга топширишди. Мавлонов ишга қайта тикланди — Сурхондарё область прокуратураси ихтиёрига командировка қилинди. (Ревизор йўл қўйган хатонинг қаерларда илдиз отгани шундан ҳам кўринмаяптими?..)

Тарозидан бир неча мисқол, қайтимидан 50—60 тийин уриб қолган сотувчининг қамалиб кетганига гувоҳ бўлганман, газетада тасодифан ўтиб кетган арзимас бир хато сўз учун 25 йил хизмати синган редактор ишдан бўшатилганини кўрганман, лекин 7 миллион сўм камомад асоссиз равишда зиммасига юкланиб уни аниқлаш учун тергов, судлов, яна тергов ишлари учун давлатнинг қанчадан-қанча (маънавий зиённи ўлчаб бўлармиди!) маблағи совурилганига ким жавоб беради?!.

Ҳайдар МАВЛОНОВ, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети чорвачилик комплекслари бошқармасининг ревизори.

— Сурхондарё область прокуратурасининг ихтиёрига боргач, прокурор Масленников томонидан берилган қарорга асосан ревизия бошладик. Иш олиб бориш қийин бўлди. Қалбаки ҳужжатларни аниқладик, асоссиз харажатларни топдик. Мен тайёрлаб берган актлар терговда тасдиқланди, судда эса тасдиғини топмади. Суд айбланувчилар ҳимоясига ўтиб кетди. Судья билан муштлашмадик, холос. Тўғри, суддаги кўрсатмамда ревизия пайтида хатога йўл қўйганимни, нотўғри иш юритганимни бир неча бор «янглишдим» деб тан олдим. Ревизор камомад ҳажмини ҳар қанча кўрсатиши мумкин, лекин уни асослаш терговчилар зиммасида-ку! Ревизия актида кўрсатилган 7 миллион сўм камомаднинг 1,5 миллиончасин судда исботлаб бердим... Суд мажлисидан кетиб қолганимнинг сабаби эса, яширмайман —турли таҳдидлардан чўчиб қочиб кетдим.

Ана, холос!.. Ўттиз йиллик тажрибаси бўлган ревизорнинг иқрори бу! Ўзбекистон агросаноат давлат комитети раҳбарлари, бевосита КРУ мутасаддилари шаънига ҳавола бу жавоб...

Худди шу КРУ ревизори, «Коммунизм» совхозининг 1982 йилги молиявий аҳволини текширган Малик Тошқулов Б. Омоновни принципал, айниқса ҳисобкитоб ишларида ҳалол, ўта қаттиққўл раҳбар эканлигини айтди.

Мовсиддин ҚУРБОНОВ, ушбу КРУ катта ревизори.

— Б. Омонов ва бошқаларнинг иши такрор терговга қайтгач совхозни 15 киши 8 ой ревизия қилдик. Мавжуд ҳужжатларнинг барини синчиклаб текширдик. Бир сўз билан айтганда «Коммунизм»нинг 1982, 83, 84 йиллардаги молиявий иш юритишидаги батартибликни намуна сифатида кўз-кўз қилиш керак экан. Ишни шундай боплаб ташкил қилганлар эса судланибди, ишдан четлаштирилибди... Бевосита бош бухгалтер масаласига келсак, қишлоқ хўжалик соҳасида ревизорлик, бухгалтерия ишлари билан шуғулланаётганимга 23 йил бўляпти, лекин ҳали тажрибамда Ҳазратқул Ҳасанов сингари ўз касбининг билимдонини учратмаганман. Унинг шу қадар хотираси ўткир бўлмаганида, ҳужжатлаштириш ишларини шу қадар бекаму кўст йўлга қўймаган бўлганида ва ўзига шу қадар ишончи мустаҳкам бўлмаганида суд қандай натижа билан якунларди — билмадим...

Биз эса малакали кадрлар етишаслигидан нолиганимиз нолиган. Енимиздаги ўз ишининг усталарини эса қадрламаймиз. Уларни отгани ўқ тополмаймиз. Ва аҳволимиз войлиги сабабларини аниқлолмай гаранг бўлиб юрамиз... Бир жойда узоқ йил ишлаган — тажриба ва малака орттирган ҳар қандай шахс — Ватаннинг, халқнинг мулки, олтин ёмбиси ҳисобланади. Ундай кишилар ардоғимизда бўлмоғи керак, тажрибаларини кўзимизга суртиб оммалаштирмоғимиз лозим. «Коммунизм» совхозининг бош агрономи Фатто Муҳаммадиев ҳам шу маънода ҳурматга сазовор киши. Ахир у шу хўжаликда хизмат қилаётганига 45 йил тўляпти! Бироқ...

Фатто МУҲАММАДИЕВ:

— Бобо билан оға-инидек бўлганмиз. «Коммунизм»ни ҳозирги даражага етказишда менинг хизматларим ҳам кам эмас. Мана кўрасиз, яқинда депутат бўламан!.. Бобомурод ака мени ёқтирарди. «Орамизда бетинг-кўзинг демай ҳақиқатни очиқ айтадиган ўртоқ бўлгани яхши. Ҳаммамизни ҳушёр қилиб туради» дерди доим. Кейин-кейин шу ҳақиқатпарварлигимни ёқтирмай қолди. 1984 йили маҳаллий ўғитнинг устини ёптирмабсан деган баҳонада ишдан ҳайдади. Қараб турмадим — Тошкентга бориб ЦКнинг эшиги олдида 13 кун ўтирдим. Натижа бўлмади. Москвага бордим. Бош прокурор Чебриковнинг ёрдамчисига арз қилдим. Ишга тикландим. 15 кун ишламасимдан Бобо яна ҳайдади. Яна Москвага бордим. 22 кун деганда Лигачев қабулига кирдим... Биз 8 кишимиз, 8 киши ёздик, кўп ёздик, бизга қарши бўлган 25 минг кишига ҳақиқатнинг кўзини кўрсатиб қўйдик... Суд Бобонинг ишини қайтарди. Биз бари бир тинчимаймиз, яна ёзамиз!..

Фатто ака хайрлашаётиб, «Кўп ёзинг, ука, қўлингиз толмасин» деб менга омад тиладилар. Ташаккур билдирдим. Раҳмат, Фатто ака, Сиз ҳам омон юринг. Болаларингизга, хўжаликка кўп йиллар бош бўлинг. Астойдил айтаяпман буни. Илло нималарни ёзишдан қўлим толмасин? Одамларга яхшиликни соғиниб қўлимга қалам олайми ёки... Мана, Сизга ҳам ёмонликни раво кўрмайман —

(Давоми 20-бетда)

www.ziyouz.com kutubxonasi

УИЛЬЯМ ДЭРКС:

«МЕН ЎЗБЕКЧА ГАПИРАМАН»

Бу америкалик йигит ҳақида мен илгари кўп эшитгандим. У Тошкент билан биродарлашган шаҳар — Сиэтлдан келган, ўзбек тилида бемалол сўзлаша олади.

Қизиқда, ўзга қитъадан келган ва туркий тилларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бир ажнабий ўзбек тилида гаплашса... Ахир ўлкамизда бир неча ўн йиллардан бери яшаб ўзбек тилида икки оғиз сўзни айта олмайдиган ватандошларимиз ҳам бор-ку!

Дорилфунун муаллими Муҳаммаджон Қодиров Уильям ҳақида шундай деди:

— Ҳа, у бир йил ичида ўзбек тилини анча ўзлаштириб олди. Тиришқоқ экан. Ҳар дақиқанинг қадрига етади: қизиқувчан, нотаниш сўз ёки нарсага дуч келса, унинг маъносига етмагунча қўймайди. Тил ўрганаётганларга уни ўрнак қилиб кўрсатган бўлардим.

Ўша қизиқувчан ва тиришқоқ йигит қаршимда ўтирибди. Ўрта бўйли, сочи долчин ранг, қотмадан келган. У аста, лекин равон сўзларкан.

— Уильям, бизнинг журнал мухлислари асосан ёшлар. Улар сизнинг ҳаётингиз ва тил ўрганишингиз билан қизиқишади. Сиз билан мулоқотда бўлиш мақсадида ҳузурингизга келгандим,— дедим мен.

— Бажонидил. Менга «Ёш куч» журнали таниш. Бир йилдан бери шаҳрингизда истиқомат қилаётган бўлсам, шу вақт ичида мен тил билан шуғулланиб кўп ёшлар, тенгқурларим билан суҳбатда бўлдим. Тил ўрганиш хусусида гаплашсак арзийди.

— Қай тарзда ўзбек тилига қизиқиб қолдингиз?

— Ўзбекистонга келгунча Хитойнинг шимолий-шарқий қисмида — Урумчида яшаганман. У ерда қозоқ ва уйғур тилларини ўргандим. Туркий тиллар ҳақида маълум тушунчага эга бўлгач, албатта ўзбек тилини ўрганишим кераклигини тушундим.

— Тил ўрганиш жараёни қийин кечмаяптими?

— Мен туркий тилларни 1983 йилдан ўргана бошладим. Уйғур ва қозоқ тиллари менга Хитойда яшаганимда асқотди. Лекин у ердаги кўп уйғур ва қозоқлар асосан хитой тилида сўзлашар экан. Бу нарса менга мулоқотдаги уйғур ва қозоқ тилларини ўрганишимни қийинлаштирди. Бирор кимса билан энди тиллаша бошласанг, дарров хитой тилида сўзлашга ўтиб кетади. Бу ерда — Ўзбекистонда аҳвол бутунлай бошқача, ўзбеклар ўз тилини, халқини севар экан. Ўзбекистоннинг кўп жойларида бўлдим. Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларни бориб кўрдим, ўзбек халқининг тарихий обидалари билан танишдим. Менга айниқса, Фарғонада оқсоқол чоллар билан бўлган суҳбат манзур бўлди. Улар менга ўзбек халқ эртакларидан сўзлаб беришди. Булар анча тарихий ва кўҳна маданият манбаларидир. Уларга қизиқишим кучли бўлгани учун ёзиб олдим. Водийдан қайтишда тоғ оралаб дара йўлларидан, эҳтимол Отабек қадам қўйган жойлардан ўтдим. Менга Ўзбекистон шаҳарлари орасида Шаҳрисабз жуда ёқди. У ернинг табиати анча сўлим экан.

— Журналхонларга бир йил ичида бу ерда олган таассуротларингиздан сўзлаб берсангиз.

— Буни ўзим ҳам кўп ўйлайман. Ўзбек халқи бой тарихий обидаларга, кўҳна халқ фольклорига, бетакрор урф-одатига эга. Менга туркий тиллар ичида ўзбек тили, шевалардан эса Тошкент шеваси ёқади. Аммо, ўлкангизга Европа таъсири сезилади. Баъзилар сўзлашганда ўзбек тилидаги ажойиб иборалар ўрнига хорижий, хусусан рус тилидаги сўзларни қўшиб суҳбатлашади. Бу жуда хунук ва нотабиий ҳол. Ажабланарлиси шундаки, бу нарсани мен ўзбек зиёлилари орасида ҳам учратдим. Дарвоқе, Европа таъсири шаҳар қурилишида ҳам кўзга ташланади. Ўзбек меъморлари қурган кўҳна бинолар дунёга машҳур. Сизнинг иссиқ иқлимингизда улар қўллаган услубдан замонавий биноларни қуришда кенг фойдаланиш ўринли бўлса керак.

— Уильям, оилангиз хақида сўзлаб берсангиз?

— Биз оилада тўрт фарзандмиз. Акам, укам ва опам бор. Ота-онам бундан ўн тўққиз йил бурун ажрашиб кетишган. Отам илгари кўп ичарди. Бир неча бор ташлашга уринди, охири уддасидан чиқди. Лекин унгача ичкилик туфайли кўп кўргиликларни бошидан кечирди. Ичкилик ўзи шунақа нарса, у қаерда бўлмасин — хоҳ Америкада, хоҳ Хитойда ёки Ўзбекистонда, барибир ўзининг қора ишини қилади. Хуллас, отам ичкиликдан чалғиш мақсадида илм билан шуғуллана бошлади. Қўшма Штатларда илмий муассасаларда, университетда махсус имтиҳонларни топширгач, магистрлик унвонига эга бўласиз ва магистрлик диссертациясини ёқлайсиз (магистр — лотинча ўқитувчи, бошлиқ.) Отам шундай билимларни эгаллагач, ўз фаолиятини рус диний мазҳабида давом эттирди. Ҳозир отам ичкиликка қарши курашади, ичишга ружу қўйганларни даволайди. Мен илгари отам билан истиқомат қилардим. Кейинчалик онамнинг олдига — Сиэтлга кўчиб ўтдим. Онам ҳамшира бўлиб ишлайди.

— Сизга яна бир савол билан мурожаат қилмоқчиман. Ўзбек тилини мукаммал ўзлаштирганингиздан сўнг ундан юртингизда қандай фойдаланмоқчисиз?

— Тил борасида ҳали анча ишлар олдинда. Ҳозир ўзбек адабиётини, халқ фольклорини, анъаналарини ўрганишда давом этяпман. Мукаммал билимга эга бўлганимдан сўнг юртимда турк (турк — Америкада ўзбек халқини турк деб аташади. Автор изоҳи) тилига қизиқувчиларга дарс бериш ниятим бор.

Уильям ўлкамизда бир йил яшаб қисқа вақт ичида Ҳамза, Абдулла Қодирий каби буюк адибларнинг асарларидан баҳра олиш даражасига етди. Ўз юртига қайтиб тилимиз ва маданиятимиз билан ватандошларини ҳам таништирмоқчи. Эзгу ният йўлида биз унга катта зафарлар тилаймиз.

Суҳбатни Сунnат АЗЛАРОВ ёзиб олди.

Тиришқоқ Уильям Доно буви сўзлаётган ривоятларни диққат билан ёзиб олмоқда



Ўзбек тилини ўрганаётган ёш тилшунос олим

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тошкентдаги «Ғалаба» боғида болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ишламоқда.

А. КУДРЯШОВ
фотолари

Ёзнинг жазирама кунларида тошкентликлар «жон сақлайдиган» салқин-хушҳаво жойлар кўп эмас. Шундай кунларда Анҳор бўйига келганлар гоҳ оқим бўйлаб, гоҳ оқимга қарши сассиз сузаётган каноэчини кўриб кўзи қувонади. Каноэ туйнугида суқулиб ўтириб эшкак эшишнинг ўзи эса бир дунё санъат, қолаверса у катта спорт тури! Спортни эса устоз маслаҳатисиз, тинимсиз машқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Суратларда: тренер Шабанов А. Ш. ва машғулот пайтлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чапдан—Малика, Зебо, Мадина ҳамда Турсунали ва Шоира.



Турсуналининг «Боғда» деб номланган асари.

«Қўзиевлар оиласи» десангиз Сурхондарё областининг Жарқўрғон районида ҳамма танийди. Ҳазилми, ўзиям бутун оила аъзолари мўйқалам соҳиблари бўлса! Турсунали Тошкент театр-рассомлик институтида ўқиб юрган кезларида рассомчилик билим юрти толибаси Шоирани танир эди. Ўқиш тугагач, тақдир экан, улар оила қуришди. Мана, турли қийинчиликларга қарамай ижод машаққатларини енгиб ўтаётган Турсунали билан Шоира СССР Рассомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндилар. Бу ҳодисага Мадина билан Маликанинг область миқёсида ўтказилган болалар кўргазмасида ғолиб чиқишгани уланди. Зебо ҳам ижод намуналарини тобора кўпайтирмоқда.

Мусаввирлар оиласи! Бу хонадон соҳиб ва соҳибалари гўзаллик билан, мўъжизакор рангларнинг бетимсол жилвалари ёнида, орасида яшайдилар.

Р. Шагаев суратга туширган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ҳовли» ҳам Турсуналининг қаламига мансуб.

Шоиранинг «Бобо» портрети.

«Қиз бола» Турсуналининг сара асарларидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уч ўғлон — Қаҳрамон, Санжар. Достоннинг қувончи санъаткор ота — Рустам Убайдуллаевнинг қувончи!

ДОИРА ҚУВОНЧИ

Бир куни Асқар ака уйига ғалати ғилоф кўтариб келди. Яп-янги, тутқичи бежирим, олти қиррали. Рустам бундай пўрим «папка»ни биринчи марта кўраётганди, дарров дадасининг қўлига осилди:

— Дада, бу нима?

— Топсанг сеники, топмасанг ҳозироқ эгасига қайтариб олиб бориб бераман, — деди Асқар ака ярим ҳазил, ярим чин оҳангда.

Рустам «папка»нинг тутқичини, кейин кафти етмас олти бурчагини ушлаб кўриб, аста чертди:

— Билмадим, йўқ, бу доира, доира! — деди қувониб кетган Рустам қўлларини тепага кўтариб. — Доира!

Асқар ака ўғлининг пешонасидан ўпди:

— Топдинг, ўғлим, топдинг, доира. Бу — унинг ғилофи. Мен буни магазиндан эмас, уста амакингдан олдим. Амакинг сен учун атай ясабди. Тағинчи, биласанми, нима деди?

Рустам савол назари билан дадасига қаради. Асқар ака дона-дона қилиб уқдирди:

— Доирани доимо ғилофига солиб юрса, кимки уни ана шундай яхши асраса, у эгасига умир бўйи дўст бўлиб қолади, — деди.

Рустам ҳовлиқиб ғилофни очиб, доирани қўлига олди. Таранг тортилган терисини силаб туриб, гапирди:

— Хўп, эҳтиёт қиламан.

Бир куни қўшни хонадонга ҳофиз Расул қори ташриф буюрди. Аммо не сабабки, ҳофиз доирасиз эди. Шунда сергак Асқар ака дарров эвини топди. Расул қорига: «Мана сизга доирачи, бемалол қўшиқларингизни бошлайверинг, доирачидан кўнглингиз тўқ бўлсин» деб, унга Рустамни таништирди. Тўй қизигандан-қизиди. Ҳамма шод-хуррам, тўй эгаси, қариндош-уруғи ҳофизни сийлаб: ким тўн, ким қийиқча, ким дўппи, ким яна нима қўлтиқлаб чиқаверди. Расул қорини олқишлаб кўпчилик қарсак чалди. Шунда кимдир Рустамнинг пешонасидан ўпиб: «Баракалла ўғлим! Дурустсан, дуруст. Мактабни битириб олсанг, албатта ўқигин, сен ҳали катта доирачи бўласан», деб қолди. Шунда Расул қори (кўзи ожиз) қўллари билан ҳамроҳини қидириб қолди: «Ие, шунақами, шунақами, менинг ҳамроҳим ёш болами, Рустам дейсанларми? Асқар, ўзингни Рустамингми? Мен бўлсам катта доирачи чаляпти, деб ўйлабман». Кейин у суюнганидан елкасидаги чопонини, дўппи-қийиқчасини унга инъом қилди.

— Мана йигирма йилдирки, Рустам менинг ёнимда, ўзбек давлат филармониясининг артисти — дейди лирик хонанда Фахриддин Умаров. Гоҳида менга жўровоз ҳам. Шундай ёш доирачилар учрайдики, улар қўшиқ-куй услубига мослашолмай қуруқ доира шовқинига зўр берадилар. Ваҳоланки доира оҳанг тараттмоғи, одамларга қувонч, кайфият улашмоғи керак. Рустам ана шундайлардан.

Фахриддин аканинг устоз сифатидаги насиҳатлари, йўл-йўриқлари доира санъатини янада мукаммал эгаллаб олишига ёрдам берди Рустамга. Тажриба орттирди.

Ҳозирги кунга келиб Рустамнинг ўнлаб шогирдлари бор. Халқаро жаҳон ёшлари фестивали ҳамда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати ҳозирда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳусан Носиров, Ботир Хожимуродов, Улуғбек Қодиров, Ваҳоб Ниёзов, Шариф Ҳамдамовлар шулар жумласидандир. Дарвоқе, Рустамнинг рафиқаси Маъмурахон пианино чолғучиси. Уч ўғилнинг тўнғичи — Қаҳрамон пианино чалади, Санжар доира, Достон қизиқчи бўламан дейди. Бир сўз билан айтганда — санъаткор оила!

Зоир ТУРСУНОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЙҒУРМА, ЯШАШНИНГ ИМКОНЛАРИ

Билим юрти директори Лидия Ивановнанинг қуйидаги гаплари қулоғимдан нари кетмайди... «бизда тўрт мучаси соғ болалар билан ёнма-ён майиб-мажруҳлар ҳам ҳунар ўрганадилар...»

Беихтиёр бўғзимга бир ҳайқириқ келади:

...Эй, кўра-била туриб ҳаётда адашганлар келинг, ҳаётни кузатамиз, эй, беғамлик ва таъмагирлик туманлари орасида кўзларини хоб боғлаганлар келинг, ҳаётни ўрганамиз, эй, қўлларини ҳавода силкитган ўйинқароқлар, келинг...

Майиб-мажруҳлар. Бу нима дегани? Агарда дунё бехабар ўша шофёр ичкиликка ружу қўймаганда эди бола яккақўл бўлиб қолмасди. Агарда ўша бадфеъл ота онани калтакламаганда эди, у юрак касали билан туғилмасди.

Агарда ўша лаънати «бутифос» жигарини заҳарламаганда эди уям яримта бўлиб қолмасди.

Аммо улар қалбидаги «йилт» этган орзуни рўёбга чиқаришга уринишаяпти. Ҳа, бир қўллаб ҳам, кўзсиз ҳам ишласа нимадир яратса бўларкан-ку?! Эй, ўткир кўзлар, моҳир қўллар! Баъзилар ётган кўйи ёзишни, ўқишни ўрганишаяпти.

Уларга тикиламан-у, қулоғим остида ушбу сўзлар жаранглайди: «Қизлар, кўйлак оласизларми, нархи 300 сўм. Австралияники». Суқсурдай, Фарҳод келбатли йигит шундай деб турибди. «Анови қизнинг сумкасини торт, илажи бўлмаса пичоқча билан кесворсанг-чи, латта,» шивирлайди бир ўсмир шеригига. Худди шу ёшдаги бир ўсмир протезли оёғини йиғолмай пойабзал тикиб ўтирибди, бир бигиз уради, икки қарайди, ишдан кўнгли тўляпти шекилли, юзида севинч балқийди.

Бу пайтда Н. исмли йигит қайрилган қўллари билан доскага ёзаяпти: «Яшаш қандай ширин. Ҳаракат қилсанг, одам бўларкансан». Афсуски, у билармикин, бир боқи беғам тенгдоши «2» баҳо қўйдирган кундалигини яшириб юрганини. Агар билса...

Анови қиз кўп хаёл суради. Эҳтимол, унинг лаблари унсиз шундай деб пичирлаётгандир: «Онажоним, сиз ҳаётдан нега эрта кетдингиз? Эҳтимол дадамга ишонган бўлсангиз керак. Афсуски, дадам ҳам сиздан кейин... куним кимга қолди? Акамгами? Акам уйлангандан кейин хона торлик қилиб қолди шекилли, келинойим жанжал бошлади: «Ёмонлигингдан инвалидсан, энди шу кўйингча қоласан, фақат бизга ортиқча юксан, на ўликсан, на тириксан...»

Мана кейинги кунларим Тошкентда кечаяпти. Қарашяпти, ўргатишяпти. Уй-рўзғор ишларини бемалол бажара бошладим. Ҳисоб-китоблик касбини ҳам уддалаяпман. Лекин бугун юрагим шодликдан ёрилай деяпти. Сизга айтаман, онажон фақат Сизга. Ахир жума куни бўлажак куёвингиз билан ЗАГСдан ўтамиз. Қаранг-а, бировга тирик товон бўлмай турмуш қуряпман. Онажон Сизнинг ва дадажонимнинг руҳлари шод бўлсин деб Самарқандга бориб келиноймдан, акамдан тўйга розилик сўрадим...»

Бу қиз эса нимагадир безовта, юраги санчган бўлса керак.

...Барнони кўп муаммолар қийнайди. У билим юртини имтиёзли диплом билан тугатди. Кейин илму хунар ўрганиб ўз юртига — Чимкентга қайтди. Афсуски, ҳамма нарса ўйлаганчалик бўлавермас экан. Унинг ногиронлигини пеш қилиб ишга қабул қилишмади. Унинг кўп нарсага ақли етарди, фақат қурби етмасди, халос. Одамларда меҳр-оқибат, раҳм-шафқат йўқолиб кетаётганга ўхшарди. Ҳамма жойда порахўрлик, кўзбўямачилик, одамлар бир-бирини алдаш билан овора. Ва ёлғоннинг турли шаклларини тобора кўпроқ ўйлаб чиқармоқда. Эҳ, одамлар бир-бирига тикилиб турган кўзлар бир кун бўлмаса, бир кун тинади-ку?! Чарчайди-ку?! Нима қиларкин ўзларини ўзлари қийнаб?! Одамларга нима етишмайди?.. У ўзича куюниб қайғуриб юрарди. Мана у ҳам яна шу ердан паноҳ топди. Ўзига ўхшаган тенгдошлари учун хизмат қилаяпти.

...Ана тонг отай деб қолибди. Анув ҳаллослаб югуриб кетаётган одам қаёққа кетмоқдайкин? Намунча безовталанади у? Чопишини қаранг, ҳавасим келаяпти.

Мен ҳам чопсаму, фақат эзгуликка томон чопсам...

Ҳикоямиз таваллуд топган муқаддас даргоҳ Тошкент шаҳрининг Ғафур Ғулом проспектида жойлашган.

Социал-таъминот министрлиги қошидаги бу Республика ҳунар-техника билим юрти қарийб ярим асрдан буён кўпдан-кўп савобли ишларни амалга оширмоқда.

Бу ўқув даргоҳида тикувчилик, маиший хизмат кўрсатиш ходимлари, радиомеханик каби касб эгаларини тайёрлаб келаяпти. Маълумки, бу билим юртига ҳар йили 250 нафар ўқувчи қабул қилинади ва 250 нафар ўқувчи битириб чиқади. Ўқувчиларнинг профессионал билими даражасини оширишда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Гулнора Содиқовна Каримова ва тажрибали педагоглар Қаҳҳор Сатторович Сатторов, Гулчеҳра Нурмуҳамедова,коммунистик меҳнат ветерани Сайёра Мирзоҳидовна Алихонова, ёш ўқитувчилардан Наталья Удальцова каби жонкуяр ва ғамхўр педагогларни мамнуният билан тилга олиш мумкин.

Аммо билим юрти директори Лидия Ивановна Горинанинг нимагадир кўнгли ғаш. Ҳамон қилаётган ишларидан кўнгли тўлмайди. Ҳамон ташвишларининг сон-саноғи йўқ. Негаки, билим юртида қилиниши мумкин бўлган долзарб масалалар кўп. Бу ҳақда Лидия опа кўп қайғуради: — Ногирон ўқувчиларга бериладиган протезларимиз чет эл протезларига қараганда нобоп ишланади. Ўқувчиларимиз ўрганишолмай кўп қийналишади. Бу ҳам етмагандай район бўйича қурилиш ташкилотларидан бирортаси билим юртимизни оталиққа олиши зарур. Йил бўйи қилинадиган ремонт ишлари, спорт майдончаларини кенгайтириш... Буларнинг ҳаммасига югураверіб бизларнинг кўп вақтимиз зое кетади. Агар мана шу камчиликларимиз вақтида бартараф этилса эди, билим юрти раҳбарларига мумкин қадар енгиллик бўлармиди?! Ҳа, бу ерга асосан республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган ҳар хил бахтсиз тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолган ёшлар ҳунар ўрганадилар. Улар учун яратилаётган шарт-шароитлар янаям, янаям яхшироқ бўлишини орзу қиладилар ва кўзидаги самимият мудом очиқ чеҳра билан кутиб оладилар ва кузатиб қўядилар:

КЎП...

Қайғурма, яшашнинг имконлари кўп,
Ҳақ эсанг, бошингдан кетмагай қуёш.
Тириклик дарёси тўлиб-тошмаган
Майли, неки бўлса омон бўлсин бош!..

Каромат ДЎСТМАТОВА

www.ziyouz.com kutubxonasi

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

СИЁСИЙ ҚУРОЛМАС БАДИИЙ ВОСИТА

(Сўз санъати ва адабий танқидчилик моҳияти ҳақида ўйлар)

Ўрта мактаб адабиёт дарсликларида «социалистик реализм» атамаси тилга олинганини ҳар бир ўқувчи учратган, у ҳақда озми-кўпми тасаввурга эга. Лекин бу тасаввур қандай, социалистик реализмнинг ўзи нима? Унга бугунги кун нуқтаи назаридан қарасак-чи?

«Ўқитувчи» нашриёти 9-синф учун 1986 йили чоп этган «Узбек совет адабиёти» дарслигида шундай сўзлар ёзилган: «Социалистик реализм замонамизнинг ЭНГ ИЛҒОР ДУНЁҚАРАШИ бўлган марксизм-ленинизм билан суғорилган ижодий методдир. Социалистик реализм воқеликни унинг революцион ривожланишида, расмана, тарихий жиҳатдан конкрет тасвирлаш эса меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялаш вазифаси билан боғлиқ бўлиши лозим. Мана шунинг учун социалистик реализм бадиий реализмнинг ЭНГ ЮҚОРИ БОСҚИЧИ ҳисобланади. У ёзувчига ижтимоий ҳаётни ҳаракатга келтирувчи кучларни, синфлар курашини, халқ оммасининг тарихдаги ролини яққол кўришга ва тўғри ифода этишга имкон беради. «(Таъкид бизники — Н.Х.)

Қаранг: деярли ҳар бир жумлада «социалистик реализм» деган иборани учратамиз, бироқ у қандай маънони англатади, нималарда қандай воситалар орқали намоён бўлади?

Бунга жавобан марксизм-ленинизм билан суғорилган асар социалистик реализм мевасидир, дейилади. Майли шундай бўлсин, дейлик, аммо ҳар қандай асарда қаҳрамонлар ва улар яшаб, меҳнат қиладиган муҳит гавдалантириладики, бунга нисбатан марксизм-ленинизмни қандай татбиқ этиш керак?

Айтайлик, инсоннинг ижтимоий меҳнат фаолияти, хулқ-атворини Маркс, Ленин ғояларига қандай йўғрилгани ёки йўғрилмаганини аниқлаш мумкиндир, бироқ унинг ҳис-туйғулари, хусусан муҳаббати, нафратига қандай муносабатда бўламиз? Бунинг устига муҳитни қамраб олган барча нарсаларни — табиату барча жониворлар дунёсини марксизм-ленинизм билан «суғоришимиз» амримаҳолку, ахир!!

Социалистик реализмнинг иккинчи нуқтаси «воқеликни революцион ривожланишида» кўрсатишдир, деб белгиланганки, бу фикрда ҳам ноаниқлик мавжуд: ҳаёт ҳамма вақт революцион тараққиётда бўлавермайди. Ахир, тараққиёт бўлиши учун, аввало, замин ҳозирланса, сўнгра муайян шароит вужудга келтирилмаса, ҳеч қандай натижага эришилмайди. Бинобарин, революцион ривожланишга боғлиқ ҳодисалар, ўзгаришларни четлаб ўтиш мумкин эмас-ку?!.

Шунга ўхшаш «тарихий конкретлик», «коммунизм руҳида тарбиялаш», «ижтимоий ҳаётни ҳаракатга келтирувчи кучлар», «халқ оммасининг тарихдаги ролини яққол кўриш ва тўғри ифода этиш» деган тушунчалар, иборалар, ҳатто «ленинча севиш, марксча нафратланиш», деган гаплар умуман олганда (қаранг, умуман олганда!) ҳаётда бор, уларнинг бир қанча хусусиятлари замон руҳини ифодалайди, дейиш мумкин, бироқ уларда аниқланиши, ёритилиши лозим бўлган мавҳумликлар, ноаниқликлар кўп.

«Ўзбек адабиёти» дарслигидагина эмас, балки жуда кўп адабий-танқидий мақолаларда, тадқиқотларда, масалан, икки жилдли «Адабиёт назарияси»да бунга эътибор берилмайди: Социалистик реализм учун воқеликни ҳаққоний, тарихий конкрет ва революцион ривожда тасвир этиш характерлидир» (Адабиёт назарияси, 2-жилд, 1979, 420-бет).

Совет адабиёти ижодий методининг моҳиятини аниқлаш, ёритиш ўрнига уни ҳар жиҳатдан таърифлаб-тавсифлашга муккасидан кетган, аммо муҳим муаммо ечиб берилмади: социалистик реализм деганда нимани тушуниш керак? Унинг моҳияти нималарда ўз аксини топади? Айтайлик, марксизм-ленинизм дунёдаги энг илғор дунёқараш дейишнинг ўзи етарли эмас. Негаки, бу таълимотнинг нима учун қандай асосларга кўра «энг илғор дунёқараш» эканлиги кўрсатилгандан кейингина аниқ ҳақиқат рўёбга чиқади. Шунингдек, социалистик реализм бадиий тафаккурнинг «энг юқори босқичи» деб айтилишининг ўзиёқ ҳали ҳақиқатни кўрсатиш, исботлаш деган маънони билдирмайди. Нималар социалистик реализмнинг «энг юқори босқичи» эканлигини намоён қилади, деган саволга жавоб қайтармасдан жумбоқни ечиш мумкин эмас. Биз жумбоқни ечиш, ҳақиқатни аниқлаш ўрнига совет адабиёти ва танқидчилигининг ижодий методи дунёдаги «энг илғор дунёқараш», «энг юқори босқич» деб атайвердик. Оқибатда буни ҳаммамиз сўзсиз қабул қиладиган мутлақ қонун даражасига кўтардик. Ахир, қарийб ярим асрдан ортиқ вақт ичида унинг бирорта талаби ёки нуқтасига шубҳа билан қараб, эътироз билдиришга йўл қўйилмади-ку! Қайси асар ёки унинг муаллифи ўша «энг илғор дунёқараш» ёки «энг юқори» босқичга мос тушмаса, ҳаммасига душманлик тамғаси босилди, совет халқи ва партияга ёт деб қораланди.

Тўғри, ёзувчиларни душманликда айблаш, қоралаш социалистик реализм тушунчаси пайдо бўлиб, расмий равишда бадиий ижод методи деб қабул қилинмасдан олдин — 20-йилларнинг аввалидаёқ бошланди. Бу даврда нималар эътироф этилиб ёки қораланиб, рад этилса, барчаси пролетар адабиёти талабларига мувофиқ амалга оширилди.

Маълумки, Маркс ҳам, Ленин ҳам ўз таълимотларини ҳаёт, замон тақозосига кўра доимо ўзгариб туришини алоҳида таъкидлаганлар, шунинг учун ўртага ташланган фикр-мулоҳазаларнинг нималаридир вақт ўтиши билан эскириши, нималаридир яна чуқур илдиз отиши, мустаҳкамланиши мумкин, уларни қотиб қолган ҳодиса — догма деб қарашга қаршилик кўрсатганлар. Социалистик реализм эса ёзувчиларимиз, танқидчиларимизга бадиий ижоднинг йўлчи юлдузи, ягона офтоби деб тақдим этилди. Унга танқидий ёндошиш норасмий тарзда ман этилди.

Эътибор беринг-а, марксча-ленинча диалектика ҳар бир одам ёки нарсанинг ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятлари, уларнинг ўзига хос зиддиятлари бўлади, деб таълим беради. Социалистик реализмда эса бу таълимотга зид ўлароқ, ҳеч қандай доғ йўқ деган маънода фикр юритилди. Адабиёт ва санъатнинг қайси бир намунаси бевосита, тўғридан-тўғри совет ҳокимияти, коммунистик партияни қўллаб-қувватласа, мадҳ этса, ўшани социализм меваси деб ардоқланди, кўкларга кўтарилди. Бу борада, айниқса, М. Горькийнинг «Она» романи, Маяковскийнинг Ленин ва партия ҳақидаги шеърлари, М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ», Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», А. Фадеевнинг «Ёш гвардия», бизда эса Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Яша шўро!» каби асарлари кейинги қарийб ярим аср мобайнида шу даражада ошиб-тошиб мақталиб, идеаллаштирилдики, мактаб дарсликларида эмас, илмий тадқиқотларда ҳам намоён бўлди: «XX асрнинг бошида социалистик реализм адабиётининг асосчиси М. Горький «Она» романида ва «Душманлар» драмасида ишчи кучини асосий ижтимоий куч, келажаги порлоқ, социалистик онгга эга бўла бошлаган синф сифатида тасвир этди. («Адабиёт назарияси», 2-жилд, «ФАН» нашриёти, 1979, 422-бет).

Кўрянсизми, агар асардаги қаҳрамонлар социалистик онгга эга бўлиб, жамиятдаги ижтимоий актив куч тарзда талқин этилса, уларни социалистик реализмга мансуб деб ҳисоблаш керак. Аксинча бўлиши мумкин эмас, деган ҳукм қуйидагича изоҳланади: «Агар реализм ва танқидий реализм асарларида ижобий қаҳрамон кўпинча якка ҳаракат этишга мажбур бўлган ва ҳатто баъзан индивидуализм психологиясига мубтало киши тариқасида тасвир этилса, социалистик реализм адабиётида ижобий қаҳрамон меҳнаткаш омма билан чамбарчас алоқадан ўзига куч-қувват олади». (Ўша ерда, 423-бет). Бунинг бир жиҳатдан тўғри эканлиги шубҳасиздир: моддий неъматларни, иқтисодий бойликни меҳнаткашлар яратаркан, уларнинг ҳаётини бадиий тадқиқ этиш ёзувчи учун муҳим аҳамият касб этади. Аммо ишлаб чиқаришга бевосита иштирок этмайдиган кучларчи? Айтайлик, маънавий-маданий бойликларни яратувчи зиёлилар — ёзувчиларнинг ўзлари, санъат арбоблари, илм-фан намояндалари-чи? Нега энди улар диққат марказида эмас, иккинчи, учинчи даражада туриши керак?! Инсоннинг қадр-қиммати унинг ижтимоий келиб чиқиши билан белгиланадими?

Ижобий қаҳрамон хусусиятлари, фазилатлари ҳақидаги умумий назарий фикрлардан шунга ўхшаш яна минглаб саволлар, жумбоқлар келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Уларга аниқлик киритиб, моҳиятни ёритиш, очиб ташлаш ўрнига диққатимиз конкрет мисолларга жалб этилади. Биринчи галда дарров «Она» романи, ундаги Павел Власов, Пелагея Ниловна тилга олиниб, улар социалистик реализм талабларига жавоб беради, деб айтамиз-да, бундай қаҳрамонлар бир-икки эмас, ўнлаб пайдо бўлаётганлигини эслатиб, мамнуният билан Павел Корчагин, Давидов ёки Ғофир, Йўлчи, Жамила, Гулнорларни тиркаймиз.

Табиийки, бу «рўйхатда» ҳақиқатнинг бир қисми мавжуд. Зотан ўша қаҳрамонларнинг айрим хусусиятлари реал воқеликка мос тушади, бироқ кўп жиҳати ҳақиқатга зиддир. Пелагея Ниловна, Павел Корчагин ёки Йўлчи, Ғофир, Жамила, Гулнорларда «айрим жузъий камчиликлар» қайд этилиб, уларни ўта ижобийлаштириб юборилиши, нуқул «оқ» рангга бўяб берилиши, яъни мақтов руҳида гавдалантирилиши, аксинча, бу қаҳрамонларнинг рақиблари фақат «қора» рангга чаплаб ташланиши, ўта салбийлаштирилиши буни тўла исботлайди. Оқибатда кўпгина ўқувчилардагина эмас, балки ижодкорларнинг ўзларида, мунаққидларда теран, эркин, мустақил фикрлаш, ўйлаш, ҳаққоний хулосалар чиқариш имконияти йўқолади. Ахир «Она» романи социалистик реализм меваси сифатида кўкларга кўтарилиб мақталарди-ю, айни чоқда Горькийнинг «Клим Самгин» эпопеяси ҳамда ярим аср мобайнида ман этилиб биринчи марта «Литературное обозрение» журналининг 1988 йил 9, 10, 12-сонларида босилиб чиққан «Бемаврид фикрлари» ёки Маяковскийнинг «Ҳаммом» ҳамда «Кана» асарлари тилга олинмасди-ку?! М. Булгаковчи, Б. Пастернак, А. Ахматова ёки Чўлпон, Фитрат каби ўнлаб ижодкорлар социалистик реализм доирасига киритилмаганичи?

Хуллас, социалистик реализм байроқ сифатида олқишланиб, қайси асар ёки муаллиф уни бевосита қўллаб-қувватламаса, нуқул совет ҳокимиятини тараннум этиб, партияни мадҳ этмаса, уларнинг барчаси мафкурамизнинг жиноятчилари тарзида бадном қилинавердики, бу касалдан ҳозирда ҳам батамом қутулганмиз, деб айтолмаймиз. Ҳатто шуни эътироф этиш даркорки, ўша «касал»лик айрим ёзувчилар, танқидчиларнинггина эмас, балки бир қанча ўқувчиларнинг ҳам онгу тафаккурида ўрнашиб олиб, хилма-хил шаклларда намоён бўлмоқда, аста-секинлик билан бўлса-да давом эттирилаётган инқилобий покланиш, янгиланиш жараёнига ҳалал бермоқда. Бинобарин, унинг келиб чиқиш сабабларини очиб ташлаб, ривожланишга имкон берган замин моҳиятини ёритмасдан иллатларни бартараф этиш мумкин эмас.

Муаммонинг мана шу жиҳатига аниқлик киритиш мақсадида 30-йиллар адабий жараёнида, ижтимоий-маънавий ҳаётда рўй берган ўзгаришларнинг айрим хусусиятларига алоҳида тўхталиш зарурати туғиляпти. «Социализм реализми» тушунчаси ўша вақтларда пайдо бўлиб, 1934 йилда совет ёзувчиларининг биринчи съездида расмий равишда совет адабиёти ва танқидчилигининг ижодий методи деб эълон қилинди. Одатда бирор сўз, ибора, гапларнинг моҳияти уларга сингдириладиган маъно, мазмун салмоғи билан белгиланади. Шунга кўра социалистик реализм ибораси дастлабки пайтларда ўз ичига яхши ниятларни қамраб олгани шубҳасиздир. Ижтимоий ҳақсизлик, иқтисодий қашшоқлик зулмига маҳкум этилган меҳнаткашларнинг онгу тафаккурини бойитиш вазифаси шуни тақозо қилардики, буни тасаввур этиш учун қуйидаги манзарага бир назар ташланг: 20-йилларнинг охири ва 30-йил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг биринчи ярмида мамлакатда маданий инқилоб, индустрлаштириш ва коллективлаштириш сиёсати ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Бу сиёсатнинг муҳим фазилатлари, жиддий нуқсонлари бор эдики, уларнинг моҳиятини аниқлашга негадир жиддий эътибор берилмасди. Ваҳоланки, маданий инқилоб, индустрлаштириш ва коллективлаштириш бошланган пайтлардаёқ бир қанча ижобий натижалар қўлга киритилишига қарамай жиддий нуқсонларга йўл қўйилгани ҳам сезилганди. Жумладан, «Ютуқлардан эсанкираш» деган машҳур мақолада қишлоқларда ёппасига коллективлаштириш шиори остида деҳқонларнинг барча мол-мулки колхозлар ҳисобига ўтказилиши оқибатида оғир фожиалар рўй бергани, қулоқлаштириш шиори остида истеъдодли, моҳир деҳқонларнинг хонавайрон қилингани фош этилди. Айни чоқда қўлга киритилган озгина муваффақиятлар ҳаддан ташқари оширибтошириб кўрсатилди, муваффақиятсизликлар эса, аксинча, хаспўшланиб, юз карра камайтирилди. Бунинг ўрнига мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, адабий-маданий тараққиёт соҳасида мислсиз зафарларга эришилди, маданий инқилоб сўз санъати, адабий танқидчилик, фан равнақини беқиёс юксакликларга кўтарди, коллективлаштириш қишлоқ хўжалигида, индустрлаштириш эса саноатда оламшумул ғалабаларга олиб келди, деб фикр юритилади-да, пировардида совет давлати жуда оз муддат ичида кўпгина капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди, деган хулоса чиқарилади.

Бу хулоса «ВКП(б) қисқа курси»да партиямиз ва ҳукуматимиз сиёсатининг негизи сифатида таърифланди, қатъий қонун деб тақдим этилди ва бу қонуннинг қандай фойда ёки зарар келтирганини аниқлашга имкон берилмади.

Тўғри, маданий инқилоб, коллективлаштириш, индустрлаштириш баъзи соҳаларда ижобий натижаларни қўлга киритишга таъсир кўрсатдики, бу ўша «қисқа курс»да асосли таъкидланди, аммо бу «айрим ютуқлар» юз минг карра ортиб кўрсатилди-да, даҳшатли фожиалар, ижтимоий, маданий, адабий-танқидий, илмий-эстетик ҳолатлар, йўқотишлар «баъзи жузъий нуқсонлар» га айлантирилиб, улар сояда қолдирилди.

Эътироф этиш керакки, гоҳида ижтимоий, иқтисодий, маданий жабҳаларда қандай ўзгаришлар рўй бераётганини аниқлашга интилишлар бўлиб турди. Чунончи партиямизнинг тарихий XX съезди шахсга сиғинишни қоралаб, бу иллатнинг даҳшатли оқибатларини очиб ташлашга кўп имкониятлар яратиб берди, аммо яратилган имкониятлардан фақат оз муддат ичида қисман фойдаланилди. Шундай бўлгач, кўзланган катта ўзгаришлар, туб бурилишнинг рўй бериши мумкин эмас эдики, бу ўша пайтлардаёқ кўзга яққол ташланди. Хусусан Сталин шахсига сиғиниш кескин қораланди-ю, бироз ўтмасданоқ дастлаб Хрушчев, сўнгра Брежнев, Рашидов, Қўнаев, Алиев каби Бутуниттифоқ, республикалар доирасидаги раҳбарлар идеаллаштирилиб, «миллатнинг отаси, доҳийси» деб кўкларга кўтарилди. Турфа миқёсдаги раҳбарларгина эмас, балки ҳодисалар, тушунчалар илоҳийлаштирилишига ҳам кенг йўл очилди. Неча асрлардан бери биз фақат худога шак келтириш мумкин эмас, деган ақидани билардик. Эндиликда тангрига хоҳлаган одам тош отарди-ю, бироқ «социализм», «коммунизм» каби сўзлар билан уларга боғланган тушунчаларга тил теккизиш, улардан шубҳаланиш қатъийян тақиқланарди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, 1980 йилда коммунизм қурилади, деган фикр партия программасига киритилди. Натижани эса кўриб турибмиз...

Бир сўз билан айтганда, социалистик реализм танқиддан холи, шу боис нуқсонларга бой таълимотга айланди. Бу ҳолни чуқурроқ англаш ниятида қуйидаги мақолани кўздан кечирайлик.

«Деҳқон адиби ким» деб аталган бу мақолада «камбағал ва ўрта деҳқон оммасининг адабиёти эса тарих ғилдирагига қизил қайишлар билан боғланганда, пролетариат қизил юлдузи кулгандан сўнг бошланди», яъни Октябрь инқилобидан кейин туғилди, деган фикр айтилиб, қуйидагилар алоҳида таъкидланди: «Ҳозирги кунда «деҳқон ёзувчиси» деб пролетар мафкураси асосда деҳқончиликка характерли бўлган образ (шакл)лар воситаси билан ўз бадиий асарида деҳқон оммаси меҳнаткаш қисмининг ҳис ва шуурини уюштирган, уларни майда буржуазия қисинқиликларига қарши хўжаликни коллективлаштиришга ундаган, турмуш ва психологияларни тарбия қилган, уларни социализм ва энг сўнгида синфни коммунизм жамиятига чиқарган кишига айтилади.» (Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар, 3-жилд, 1960, 132-бет).

Бундан англашиладики, деҳқон адиби деҳқоннинг, ишчи адиби ишчининг характерига хос хусусиятларни гавдалантириб, меҳнаткашларнинг манфаатига хизмат қиладиган образлар кашф этади, шу тариқа аввал социализм, сўнгра коммунизм қуришга чақиради.

Табиийки, бу фикрнинг бир қисми ҳаётга мос келади: дарҳақиқат, инсон қандай иш билан шуғулланиб, қаерда меҳнат қилиб, турмуш кечирса-ўшанга яраша фикрлайди, яшайди.

Яъни, деҳқон ишчи ёки зиёлидан, аксинча-зиёли ишчидан ажралиб турадики, уларнинг тақдири, таржимаи ҳолидаги бундай фарқлар бадиий асарда ҳам ўз аксини топади.

Бордию, ёзувчиларга шу нуқтаи назардан ифодалайдиган талаблар қўйиб, улардан ҳар бир қаҳрамоннинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ хусусиятларни ёритишни талаб қилиш ўринлидир, бироқ адабиёт фақат ишчилар ё деҳқонлар ёки зиёлилар манфаатларинигина ёқлаши шартдир, у ёки бу ижтимоий тузумнинг сиёсатни ифодалашдан бошқа вазифани бажармаслиги даркордир, деган қатъий қонун чиқаришга ҳеч қандай асос йўқ. Тўғри, ёзувчи ва унинг қаҳрамони қандайдир ижтимоий тузумдан ташқарида яшай олмаслиги эътиборга олинса, бадиий асарда уларнинг ўзлари турмуш кечириб, меҳнат қилиб турган муҳитга муносабатини кўрсатиши табиийдир, лекин бу муносабатлар инсон характери маънавий-руҳий қиёфасининг айрим нуқталаринигина ўз ичига олади. Ахир, капиталистик, феодалистик ёки социалистик жамиятдаги одамлар бир бирларидан фақат баъзи жиҳатлари, дунёқарашлари, ҳаётга ёндошуви жиҳатдан фарқланади, аслида уларда муштарак, умумий хусусиятлари кўп-ку?! Ваҳоланки, биз аксарий ҳолларда уларнинг ўртасига «хитой девори» қўйдик, улар бир-бирларига мутлақо зиддир, қарама-қаршидир, бири ўт бўлса, иккинчиси сув, бири нур бўлса, бири зулмат, бири доно бўлса, иккинчиси аҳмоқ деб тушунтириб келдик ва шу тарзда мулоҳаза юритиш бадиий ижод, адабий танқидчиликка сингиб кетган эди. Масалан, кимки ижод билан қизиқса, асар ёзса, машқ қилса, унга ёзганида истеъдод учқуни, нури борми, машқинг бизга билмаганимизни билдирадими, сезмаганимизни сездирадими, бирор янгилик кашф этишга қодирмисиз, деб талаб қилиш ўрнига, социализм қуришга даъват этадими, совет ҳокимияти, коммунистик партияни қўллаб-қувватлайдими ёки йўқми, деган талабга алмаштириб, уни сиёсий мазмунга тўлдирганмиз. Агар «Яша, Шўро! Яша, Шўро! Сен яшайдурган замон! Ишчи ўғли шуҳратингдан балқисин рўйи жаҳон!» тарзида асар ёзилса, уни пролетариат адабиётининг юксак намунаси сифатида кўкларга кўтарганмиз, бироқ бу сатрлар қачон, қайси матбуот саҳифаларида чоп этилганлигини аниқлашга эътибор берилмаган. Иккинчидан, шеърий ёки насрий ёхуд драматик шаклда совет ҳокимиятини мадҳ этишнинг ўзи чинакам адабиёт маҳсули бўладими, деган савол ҳам негадир туғилмаган. Борди-ю туғилган бўлса-да, бундай саволлар ўртага ташланиб муҳокама ўтказилмаган. Негаки, сўз санъатининг санъатлиги эътибордан четга чиқарилиб, у жамиятга бевосита хизмат қиладиган сиёсий қуролга айлантирилган.

Бадиий адабиётнинг ижтимоий тузумга, жамиятга бевосита хизмат қиладиган сиёсий қурол бўлишига шу даражада маҳлиё бўлганмизки, «Ҳой, ҳой отамиз! Тошни кесар болтамиз, бизга кимлар қарши чиқса шартта-шартта отамиз» деб кимки совет ҳокимияти ёки партиянинг қарорларига эътироз қилса, ёки нималарни тезда маъқулламаса, раҳбарларнинг буйруқ-кўрсатмаларини бажонидил бажармаса, ўшани жазолаб лаънатлаб, то тўғри маънода отиб ташлашгача бориб етганмиз. Аммо қайси раҳбарларнинг қандай топшириқларини бажариш керак? Уларда кимларнинг қандай манфаатлари, қандай мақсадлари ифодаланган? Совет ҳокимиятининг у ёки бу қарорлари, кўрсатмаларига эътироз билдириш, қарши чиқишнинг ўзигина душманликми? Ахир, баъзи раҳбарлар ҳукумат, партия номидан ўз мухолифларини душман деб эълон қилмаганми?! Нега энди ким бизга қарши чиқса, дарров шартта-шартта отиб ташлайверишимиз зарур? Олдин уларнинг кимлигини аниқлашимиз, сўнгра жазолашимиз жоиз эмасми?.. Ахир, баъзи ашаддий душманларни чиндан ҳам отиш зарур бўлса, бошқаларини ўзгартириш, қайта тарбиялаш учун бошқача жазолаш мумкин эмасми?..

М. Горький октябрь инқилобининг биринчи кунларидаёқ ўзининг «Бемаврид фикрлар» деган туркум мақолаларида В. Короленко А. Луначарскийга ёзган мактубларида («Новий мир», 1988, 10-сон) 1917-1920 йиллар мобайнида эришилган муайян муваффақиятларни рад этмаган ҳолда кўпинча совет ҳокимиятининг сиёсатига қарши чиққан ёки эътироз билдирган, ҳайрихоҳ бўлмаганлар шафқатсиз жазоланганликларини, кўпинча «шартта-шартта отиб ташланганликларини» кескин қоралайди.

Ҳ. Олимжон «Уқиш ва ўрганиш қийинчиликлари тўғрисида», «Марксизм ниқоби остидаги меньшевизм», «Миллатчилик ва аксинқилобчилик билан кураш ва ўзбек пролетар адабиёти», «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида», «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» каби ўнлаб мақолаларида, чиқишларида бадиий ижоднинг ўзига хос қонунлари, хусусиятларини эътироф этиш билан бирга уни ижтимоий тараққиётга тўғридан-тўғри, бевосита хизмат қиладиган мафкура қуролига-сиёсий қуролга айлантиради. Тўғри, бадиий ижодни жамият ҳаётидан, мафкуравий курашдан ажратиш мумкин эмас. Пировардида у инсон онгу тафаккурининг ўсиш-ўзгаришига таъсир кўрсатади, адолат, ҳақиқат, ҳалоллик каби туйғуларни ҳимоя қилиб ҳаётни ифлослик, манфурлик, қабиҳлик, хиёнат сингари бадбўй ҳислар, сезгилардан тозалашга иштирок этади. Энди айтинг-чи, пролетар синфига, деҳқонлар, ишчилар синфига мансуб шахслар бундай эзгу ва бадбўй ҳислар, туйғулардан ташқарида турадими? Буржуазия, эксплуататорлар-чи?..

Умуман ҳис-туйғулар, юрак дардларига қараб одамларни синфлар, гуруҳларга ажратиш мумкинми? Айтайлик, ишчи ёки деҳқонларда севги бору бойлар амалдорларда йўқми? Олимлар, зиёлилар нафрати билан оддий меҳнаткашлар нафрати бир биридан осмону ерча фарқланадими? Ахир, фақат ғоялар, фикрлар, дунёқарашларгина одамларнинг у ёки бу ижтимоий гуруҳ, синфга мансублигини белгиламайдими? Бордию, ҳис-туйғулар, дунёқарашлар, ғоялар, фикрларга бўйсундирилса, юрак даъватига кўра эмас, фақат ақл талабига мувофиқ иш кўрилса, қаерда қандай адолат, ҳақиқат борлигини аниқлашга имкон туғиладими?..

Албатта, «фикрнинг қуюқлиги» бадиий ижодда муҳим етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Диққат қилинг: етакчи ўринни эмас, ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки, унинг ўзи мустақил равишда бирорта бадиий асарда яшаб, бадиий асарнинг қудратини ташкил этолмайди. Зотан фикрлар, ғоялар қанчалик салмоқли, мазмунли, аҳамиятли бўлмасин, агар улар ғоятда кучли эҳтиросларни, ҳис-туйғулар оқимига сингдириб юборилмаса, тирик, жонли образлар, характерлар «жонию тани»ни, «юраги»-ни тўлдириб турмаса, ҳеч қандай таъсирчанлик касб этмайди. Сўз санъати қалбларни мафтун этувчи, тўлқинлантирувчи, ларзага келтирувчи сеҳру жозибага эга бўлмаса, ўзлигини йўқотади, қалбларга биринчи галда қуруқ, умумий, мавҳум ғоялар, фикрлар эмас, юрак тўридан отилиб чиққан ҳис-ҳаяжон, эҳтиросларни таъсир кўрсатадики, Ҳ. Олимжон масаланинг бу жиҳатини номуҳим, иккинчи даражали деб ҳисоблайди. У бадиий асарларнинг бадиийлигини, образлилигини этироф этадию, бироқ диққат марказига нуқул ғояларни, мафкурани, сиёсий вазифаларни чиқариб қўяди: «Социалистик реалист тақдирга тан берувчи эмас, балки ўзини, бу жараённи ЎЗИГА БЎЙСИНДИРУВЧИ ФАОЛ КУЧ тарзида қарайди. У ҳодисалар, воқеаларни эгаллайдилар. Унинг бу томонларини, қарама-қаршиликларини, ички ҳаракат қонунларини ўрганадилар. Улар қайси томонга ҳаракат қилишни ҳисобга оладилар, УНИ ЎЗИГА ТОБЕЪ ҚИЛАДИ ВА УНГА ТАЪСИР БЕРАДИР, ЎЗГАРТИРАДИР. Социалистик реалистик ҳодисаларни қайд қилувчи — регистрация қилувчи, пассив мутолаачи ёзувчи эмас, балки ҳодисаларга узвий равишда жипс боғланган, ҳодисалар билан бирга ҳаракат қилган, унга таъсир берувчи актив, ЎЗГАРТИРУВЧИ, ҚИРУВЧИ санъаткордир» (Ўша ерда, 188-бет. Таъкидлар бизники — Н. Х.).

Табиийки, ёзувчи пассив кузатувчи, фақат шунчаки мутолаачи, воқеаларни шунчаки қайд қилувчи сифатида қалам тебратса, у маънавий руҳ, ижтимоий камолот учун курашга таъсир кўрсатиши мумкин эмас. Унинг ҳаёти билан ҳамқадам бўлиб, бирга қадам ташлаши, реал воқеликни ҳар томонлама чуқур ўрганиши, идрок этиши ҳам фарз, ҳам қарздир. Ҳ. Олимжон масаланинг жиҳатларини тўғри таъкидлайди, бунга эътироз йўқ. Бироқ ижодкор ҳаёт жараёнини «ўзига бўйсундириб», хоҳлаган фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлайверадими? У реал воқеликни қандай қилиб «ўзига тобеъ қилиб» олади, ўзгартиради?

Ҳа, сўз санъати инсоннинг руҳий дунёсини, унинг ижтимоий, маънавий-интим фаолиятини тадқиқ этади, қаҳрамонлар яшайдиган, меҳнат қиладиган муҳитни ёритади, аммо бу муҳитни ўзига бўйсундириб, асарда ҳаракат қилувчи шахсларни ўзига тобеъ қилиб олса, ҳаёт ҳақиқатини бузмасдан, хаспўшламасдан табиийлиги, зиддиятлари билан гавдалантира оладими?

Ёзувчининг тажрибалари шундан далолат беради-ки бундай вазифани муваффақиятли адо этиш амри маҳол экан. Буни исботлаш учун фақат Ҳ. Олимжоннинг ўз ижодий фаолиятини кўздан кечиришнинг ўзигина кифоядур. У реал воқеликни, ҳаёт жараёнини ўзига бўйсундириб, тобе қилишга шу даражада маҳлиё бўладики, нуқул «бахту шодлик»дан бошқа нарсаларни тараннум этмади. Ахир, ҳамма ёқда «ўриклар гуллаб» турса-ю, водийларда «кўм-кўк» табиат яшнаб, қалбларни қувонтирса, ғам-аламлар фақат ўтмишда қолиб кетса, бахтиёр турмуш нашъаларини суришдан бошқа иш, ташвиш бўлиши мумкин эмас-ку!

Мана шу ғоя Ҳ. Олимжоннинг кўпгина асарларининг ғоявий асосини ташкил этди. 20-йилларнинг охирида тайёрланган бир мажмуада «Қум саҳролари», «Қора кунлар», «Ёлғизликлар», «Ишқимнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

харобалари», «Кўзлар», «Бўсалар», «Ҳижрон», «Фироқ», «Тасодифий учрашиш», «Ваъда», «Алданиш», «Қоронғи тунлар» каби сарлавҳаларга мос, муштарак мавзулар ёритилганини уқтириб, қуйидагича қатъий ҳукм чиқаради: «Бу нарса очиқ кўрсатадики, «Қизил қалам» жамияти Ўзбекистон пролетар ва деҳқон ёзувчиларининг жамияти эмас эди» (Ўша ерда, 168-бет).

Англаяпсизми, ёзувчи «қора тунлар», «қум саҳролари», «ишқ харобалари», «фироқ», «ҳижрон», «қоронғи тунлар»ни ёритишга киришдими, демак, у пролетар ва деҳқон адабиётининг намоёндаси эмас, балки халқ, партия, мамлакат «душмани», «миллатчи», «сиёсий қораловчидир».

Ҳ. Олимжон адабий жараёнга, ижодкорлар фаолиятига шу тарзда ёндошиб, қайси ёзувчи партия ва ҳукуматни баралла мақтаб, маданий инқилоб, индустрлаштириш, коллективлаштириш ҳақида ижобий фикр билдирса, уни шўро адабиётининг намояндаси, аксинча, ушбу ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларга танқидий ёндошиб, бу борада йўл қўйилган нуқсонларга диққатни жалб этган қаламкашни буржуа миллатчиси, совет ҳокимияти, янги турмушнинг душмани, сиёсий гумроҳ, манфур шахс деб фош этаверди. Бундай зарба биринчи галда Чўлпон билан Фитратга қаратилди... «...ишчи ва деҳқонлар шуури ва сезгисини социализм қурилиши йўлига ташкил этувчи қўшиқлар эмас, балки Фитрат ва Чўлпонлар томонидан жон ва дил билан ёзилувчи ҳам Чўлпоннинг «Кўнгил, сен мунчалар нега кишанлар бирла дўстлашдинг»ини ўқиб, шўро мактабларининг дарсхоналарида аччиқ кўз ёши тўкувчи Шаҳид Эсон, мунаввар қориларнинг руҳини эркаловчи тароналар вужудга келар эди» (Ўша ерда, 168-бет).

Бундан Чўлпон, Фитрат руҳонийлар, яъни эски замон руҳини ифодалайди, совет ҳокимияти ва унинг моддий, маданий бойликларини ишлаб чиқариш соҳасидаги сиёсатига қарши деган хулоса келиб чиқади. Борди-ю, мазкур ижодкорлар барча асарларида маданий инқилоб, индустрлаштириш коллективлаштиришни тараннум этса, нуқул «бахт ва шодлик»ни куйласа, улар Ҳ. Олимжоннинг маънавий иттифоқчисига айланади, шўро адабиётининг йирик намояндалари тарзида улуғланарди. Аммо Чўлпон ҳам, Фитрат ҳам реал воқелик зиддиятлари, чигалликлари, мураккабликларидан кўз юммадилар, социализм қуриш шиори остида ғоятда даҳшатли фожеалар, ҳалокатлар рўй бераётганини баралла кўрсатишга интилдилар, истеъдодли, кучли, ҳалол одамлар, ижодкорлар, олимларнинг эркини поймол қилиб, уларнинг кўнглини «кишанлаётган» кучларга қарши чиқдилар. Тўғри, бу борада улар муайян камчиликларга йўл қўйдилар, бир ёқлама мулоҳазаларни ўртага ташладиларки, масаланинг шу жиҳатини эътиборга олиб, улар билан баҳслашиш, уларнинг етишмовчиликларини танқид қилиш мумкин эди. Афсуски, асосли, далилланган ҳаққоний танқид ўрнига сиёсий ёрлиқлар ёпиштирилди, давлат, партия душманлари, жиноятчилари сафига чиқариб қўйилди. Бу ҳаракат кенг миқёсда авж олдирилдики, оқибатда ёзувчиларнинг асарлари, уларнинг фаолиятини баҳолашда бадиий ижод қонунлари қўпол суратда бузилди.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби истеъдод эгаларининг шўро ҳокимиятини мустаҳкамлашга, йўқсулларнинг маънавий-бадиий эҳтиёжларини қондирадиган асарлари ҳам нотўғри танқид этилиб, зарарли деб, эълон қилинди. Хусусан Ҳ. Олимжон Фитратнинг ижодий йўли ҳақида каттагина мақола ёзиб, шоир, драматург, публицист, адабиётшунос, тилшунос сифатида майдонга чиққан йирик ижодкорнинг барча асарларида миллий буржуазия манфаатлари ҳимоя қилинади, деган қатъий ҳукмни қўллаб-қувватлайди. Ҳатто атеистик руҳ билан суғорилиб, руҳонийларни фош этишга қаратилган асарларига ҳам шундай муносабатда бўлди: «Қиёмат» ва «Шайтоннинг тангрига исёни»нинг ёзилишида миллатчи ёзувчининг совет воқелигига душманлик муносабатларининг ҳам роли бордир» (Ўша ерда, 245-бет).

Бадиий асарлардан, ижодкорлар фаолиятидан совет ҳокимиятига, социалистик тузумга душманлик ғояларини излаш, буржуа миллатчилигини топиш шу даражада кенг тараққий этдики, ҳатто «бахт ва шодлик куйчиси»ни танқидчи Абдураҳмон Саъдий миллатчиликда, сўфизмда, биологизмда айблайди. Бунга қарши Ойбек «Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик» деган мақола билан чиқди. Унда шеърият, умуман бадиий ижоднинг ўта соддалаштириб, «ҳарфма-ҳарф» таҳлилу талқиндан ўтказилиши кескин рад этилади.

Бадиий асар, сўз санъатида реал воқеликнинг айнан нусҳаси деб қараш ва шу нуқтаи назардан келиб чиқиб мулоҳаза юритиш натижасида ҳақиқатдан ҳам бачканалик, юзакилик, бирёқламачилик пайдо бўлгани, бу эса пировардида Ҳ. Олимжон асарларининг нотўғри талқини таъминлагани ишонарли ёритилган. Ойбек шоир ижодида совет воқелиги тараннум этилганини кучли эҳтирос билан сўзлайди ва шунга асосланиб қуйидагиларни уқдиради: «Марксистча адабиёт таълимида мазмун билан форма диалектик бирлик ташкил этадики, бу бирликда ҳам белгиловчи мазмундир».

Хўш, бадиий ижоддаги мазмун ва шакл бирлиги нималар орқали, қандай намоён бўлади? Афсуски, бу саволга аниқ, ёркин, ишонарли жавоб қайтарилмайди. Бунинг ўрнига «асарнинг синфий идеясимазмуни асарнинг формасини белгилайди», «адабий асарда синфий идеология формада ифодаланар», «фақат мазмуннинг эмас, форманинг ҳам идеология моҳиятини очиш лозим» (ўша ерда, 203-бет), деган фикрлар қалаштириб ташланади. Ҳ. Олимжоннинг «уч ҳарфла ҳар душманга титроқ берган — ГПУ» каби сатрлари келтирилиб, унинг «инқилобга, пролетар диктатурасига, социализм қурилиши, синфий кураш ва бошқаларга муносабати, қараши аниқ, ишончли ва идрок этилгандир» (Ўша ерда, 208-бет), деган хулоса чиқарилади.

«Социалистик лирика учун» мақоласида бу хулоса хар томонлама кенгайтирилиб, Уйғун, Ғафур Ғулом, Ҳасан Пўлат каби ижодкорлар фаолиятига татбиқ этилади.

Ойбекнинг яна «Сўнгги йилларда ўзбек поэзияси», «Ўзбек поэзиясида тил» мақолаларидагина эмас, балки «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» номли кўламли тадқиқотида ҳам шу таҳлитда мулоҳаза юритилади: «Буржуазия ёзувчиси тарихий процесс моҳиятини тўғри очиш эмас, кўпинча уни бўяшга тиришади, тарихий ҳақиқатни бир ёққа йиғиштириб қўяди ёки уни «қийшиқ ойнада» кўрсатади, тарихий воқеаларни ўз синфий манфаати, ўз синфий идеясига хизмат қилдириш учун тамом бошқача маъно беради» (Ўша ерда, 254).

Абдулла Қодирий ижодига, хусусан «Ўтган кунлар» романига шу нуқтаи назардан ёндошиб, Ойбек мазкур асарда «тарихийлик кўпинча чиройли ёзилган бир хроника тарзида берилади», фақат 13—14 саҳифани ташкил этган «Мусулмонқул истибдодига хотима» бобида «ёзувчи тарихчи сифатида тарихий воқеани ўқувчига тушунтиради» (Ўша ерда, 254). дейди.

Кўрияпсизми, кўламли асарнинг атиги бир бобида ҳаёт ҳақиқатининг синфий моҳияти тўғри ёритилгану, бошқа қисмларида «тарихий ҳақиқат бир ёққа йиғиштириб қўйилган»лигига эътиборимиз жалб этилади. Романнинг бош қаҳрамони «туғилувчи буржуазия муносабатларини мужассамлаштирувчи шахс «бўлгани учун» турмуш ҳақиқати, прогрессив кучларнинг тарихий ҳаракатдаги аниқ ўрни етарли очилмай қолади. (Ўша ерда, 261-262-бетлар), деб уқтиради Ойбек.

Ҳар бир асарнинг мазмунию шаклидан, ундаги қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан, ҳар бир фикри, сўздан синфий маъно излаш, бадиий ижодни сиёсий қурол деб талқин этиш, уни вульгарлаштириб, бузиб баҳолаш, ўз қонунлари, хусусиятлари, бадиийлиги, сеҳру жозибасини четга суриб ташлаш тенденцияси Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи атрофида бўлиб ўтган мунозараларда янада яққол кўринди.

Албатта, Ҳ. Олимжон, айниқса Ойбек адабиётимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшган. Лекин улар бадиий ижод назариясини нотўғри бирёқлама талқин этиб, сўз санъатини сиёсий қуролга айлантирмаганида, уни ўзига хос онгу тафаккурига таъсир кўрсатувчи восита деб қараганида, ўзларининг ижодкорлик фаолиятини, изланиш-интилишлари, асарларни вульгарлаштириб, ўта соддалаштириб баҳоламаганларида балки кўпроқ ютуқларни қўлга киритиб, кўпгина муваффақиятсизликларнинг олди олинмасмиди деб қоласиз.

Эътироф этиш керакки, ўтмиш воқеаларини бугунги кун нуқтаи назаридан янгича баҳолаш ғоятда мураккаб, зиддиятли бўлиб, унинг моҳиятини тезда идрок этиш осон эмас. Жамият ва адабиёт, танқидчилик тарихида ҳали очилмаган «қўриқлар», аниқланмаган жумбоқлар, муаммолар ҳали кўп. Хусусан 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг биринчи ярмида амалга оширилган маданий инқилоб, индустрлаштириш, коллективлаштириш Ўзбекистонимизда қандай ўтди, бу ижтимоий, иқтисодий тадбирлар ёзувчилар, танқидчилар фаолиятига қандай таъсир қилди, ўша даврдаги моддий ва маданий бойликларни ишлаб чиқариш соҳаларида қандай ижобий ҳамда салбий натижаларга эришилди, деган муаммони кенг миқёсда чуқур таҳлил этишга, афсуски, ҳали жиддий киришилмаяпти. Ҳолбуки марказий газета-журналларда, бошқа оммавий ахборот воситаларида 1985—1989 йиллар ичида чоп этилган юзлаб публицистик, илмий, адабий-танқидий мақолалар, тадқиқотлар маданий инқилоб, индустрлаштириш, коллективлаштириш кўпинча зўравонлик, маъмуриятчилик, буйруқбозлик йўли билан ўтказилиши оқибатида зиёлилар, ишчилар, деҳқонларнинг энг илғор, истеъдодли, баркамол, етук вакилларидан юзлаб, минглаб, миллионлаб кишилар ҳар хил йўсиндаги тақиқу тазйиқларга дуч келгани, улардан аксарияти бутунлай йўқотилгани тўғрисида баҳс юритмоқда. Айни чоқда ҳали «очилмаган қўриқлар» кўп эканлиги эътироф этилмоқда. Ўзбек матбуоти, ёзувчилари, олимлари, танқидчилари эса республикамиздаги ўшандай «қўриқлар»нинг айримларига қандайдир ҳадиксираб, чўчиб нигоҳ ташламоқда. «Литературная газета», «Новий мир» ва бошқа марказий газета-журналларда социалистик реализм асосан сўз санъатини сиёсий қурол сифатида баҳолашга қаратилгани, шунинг учун ундан воз кечиш зарурлиги очиқ айтиляптию, аммо республикамизда бадиий ижод, адабий танқидчиликнинг ижодий методини қайтадан кўриб чиқиш, унинг моҳиятини ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб ёритиш масаласи кун тартибига қўйилмаяпти. Лоақал сўз санъати сиёсий қурол эмас, бадиий воситадир, деган оддий ва олий ҳақиқатнинг моҳияти эътироф этилмаётгани ачинарлидир.

(Охири. Боши 15-бетда)

меҳнатингизга яраша тақдирнинг, халқнинг ажри бўлади, албатта. Лекин 25 минг аҳли мўмин орсида 8 та эмас, биттаям арз-дод қилувчи бўлмаса дердим, арз-дод қилиб шаҳарма-шаҳар кезмаса дердим... Бир нарсани ўйладим: Б. Омонов даврида хўжалик гуллаб-яшнаганига иқрор бўлдингиз, у кишидан сўнг кўп ишлар ўлда-жўлда қолганидан афсусландингиз. Хўш, Бобо даврида 95 минг сарфланиб 6 гектар майдонда бошлаб қўйилган лимонарий қурилиши тўхтаб қолганига жонингиз ачидими? Совхозни газлаштириш учун Бобо тахт қилиб қўндириб кетган қувурлардан зангори олов ўтиши учун у Шарғун — Душанбе газ магистралига уланса бас экан. Шу хайрли тадбирни амалга ошириш йўлида бирон катта раҳбарнинг эшигига бир кун бориб ётиб олиш эсингизга келмадими, Фатто ака? Наҳотки, кимнидир бадном қилишдан кўра савоблироқ деб билмасангиз буни?!.

Омондилло АБДУРАҲИМОВ, «Коммунизм» совхозининг директори.

— Б. Омонов мени ўз ўғлидек тарбия қилган эди. Қаерда, қачон бўлмасин такрорлайман: Бобога нисбатан адолатсизлик қилинди!.. У киши бошлаган ишлар ўлда-жўлда қолди. Айрим йиллардаги соф даромадимиз 3,5 миллион сўмга етар эди. Хўжалик фақат даромад келтирарди. Ҳозир зараргa ўтяпти. Шу йилнинг дастлабки 5 ойлик иш ҳақини ишчиларимиз май ойида олишди, холос... Пул йўқ. Турли баҳоналар билан совхозимиздан «Серҳаракат» участкаси алоҳида хўжалик бўлиб ажраб кетди. Энг катта йўқотиш — меҳнат интизоми бўшашди! Бобонинг тақдири фожиали тугагач одамларда ишончсизлик пайдо бўлди. Меҳнатдан кўнгил совуди. Ешларга қаттиқ таъсир қилди. Бу ёғига нима бўлади, билмадим... ҳайронман!..

Мен ҳам ҳайронман. Оқибат унутилган, адолат бетига оёқ тиралган жойда бошқа нима бўлиши мумкин? Турди ота Тўраевнинг қишлоқ кишиларига хос соддадиллик билан ва ачитиб «Одамни тириклигида ўйлаш керак!» деган гапи жон-жонимдан ўтиб кетди. Начора, журналист ҳам, редакция ходими ҳам шу тузумнинг, шу жамиятнинг сизлар сингари фуқароси. Яхшики, ошкоралик, қайта қуриш, сўз эркинлиги тилларимизни эшди, дилдагини тилга кўчиришга изн берди... Кеч бўлса-да, марҳумлар руҳини шод қилишни ўйлайлик. Сариосиё район партия комитети раҳбарлари 1941 йил апрель ойида КПСС сафига ўтган Бобомурод Омоновнинг 0256405 рақамли партия билети билан ҳеч ким қизиқмаганини, билет ҳамон у кишининг уйида ётганини билиб қўйишсин... «Коммунизм» совхозининг шон-шуҳрат музейидаги бой кўргазмалар орасида хўжаликка 40 йил отахонлик қилган, қолаверса, бевосита ташаббуси билан шу музей биноси қурилган Инсон ҳақида икки оғиз илиқ сўз учун жой топилмагани кимнинг, кимларнинг шаънини улуғлайди?.. Билмадим!

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
«Еш куч»нинг махсус мухбири.

Редакциядан. Мақола босмага тайёрланганда Сариосиёдан хабар олдик. «Коммунизм» совхози меҳнаткашлари йиғилишида ошкора сайлов йўли билан Ҳазратқул Ҳасанов хўжалик бош бухгалтерлигига лойиқ кўрилибди. Бош агроном Фатто Муҳаммадиев сайловдан ўта олмабди. Шунингдек, хўжаликка «Бобомурод Омонов» номи берилиши ҳақида талаблар тушибди. Қани, тегишли ташкилотлар бу ҳақли ва ўринли таклифга қандай муносабатда бўлишар экан?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

(2-мақола)

Насриддин Содиқов билан унинг хўжалигини кўздан кечириш учун ташқарига чиқдик.

Кун яримдан ўтган. Болалар ошхонада тушлик қилишар, эрталаб волейбол ўйини бўлаётган спорт майдонча хувиллаб қолган. Қуёш кўзни қамаштириб, болалар тушлик қилаётган жойга қарашга халал берди. Ётоқхоналарга кирдик. Кароватлар ёнига гиламчалар тўшалган. Биронта болалар уйида бундай гиламчалар йўқ,— деди Содиқов фахр билан. Девордаги суратларни ҳам у елиб-югуриб ундирибди. Фақат кимнингдир эътиборсизлиги туфайли бир ётоқхонага бир-бирига қаратиб қўйилган иккита сурат бир хил чиқиб қолибди.

— Бу — бизнинг клуб. Безашга уриняпмиз. Мана пианино сотиб олдик. Афсуски, бизга йилига атиги 120—130 минг сўм ажратилади, холос. Стулларга қаранг ўн йил муддатга берилган. Узингиз ўйланг, ўн йилга дош берадими булар? Ҳалитдан шилқиллаб ётибди. Яна бизга шунақа болалар келадики, улар стулларни жўрттага синдиришади, пакки билан кесиб исмларини ёзишади...

Болалар бу иши билан ўзларидан эсдалик қолдиришмоқчимикан... Лекин чиндан ҳам мебелнинг мабеллиги қолмабди. Содиқов ҳақ, стуллар кўпга етмайди. «Клуб»нинг шу қадар увадаси чиқиб кетган эдики, хатто янги пионино ҳам унга зеб беролмаганди. Ўқув хоналарининг бўёқлари кўчиб кетибди, досканинг ранги униқиб кетган, хоналар тор ва шифти паст, шу боисдан янгича усулда тайёрланган парталар ярашмай турибди. Болалар бу ерда кўп бўлишмас экан. Лекин бу тасалли беролмайди, албатта. Дарвоқе, нега улар бу ерда кам бўлишади?

— Фақат умумтаълимга оид машғулотлар ўтказилади, махсус предметлар йўқ. Аммо тарихни бир бошидан бошлашга тўғри келяпти. Бу борада кишини қайғуга соладиган даражада билимсизликка дуч келяпмиз. 15—16 ёшли болалар ўз ватани тарихига оид энг муҳим воқеаларни ҳам билишмайди.

Биз қадам қўйган кейинги бино — «кутубхона». Афсуски бу сўзни қўштирноққа олмасликнинг сираям иложи йўқ. Чанг босган хонада иккита китоб жавонидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди-да.

— Гапнинг очиғини айтганда, кутубхонадан чинакамига битта-иккита бола фойдаланади, холос. Қолганларни қўлига китоб берсанг — ё йиртади ёки ташлаб юборади.

Олдинда мени бундан ҳам оғир синов — мактаб ёшигача бўлган болалар хонаси кутарди.

Деворларига мультфильмлар ва эртаклардан олинган суратлар ёпиштирилган. Боғчанинг ҳаворанг мебели — столчалар, стулчалар қўйилган. Шкаф полкасида ўзимизнинг фабрикаларимизда чиқарилган бир ҳовуч беўхшов ўйинчоқлар. Нега бу ўйинчоқлар қалин чанг оғушида ётишибди? Нима, уларни ҳеч ким ўйнамайдими?

— Ўйинчоқлар тез ишдан чиқади,— деб тушунтирди Содиқов,— тўғри, ёш болалар бизга камдан-кам келади. Ҳозир тўрт яшар бир бола бор, у ҳақда гапириб берганман. Ана ҳовлига чиқишибди. Қизғиш кўйлакли боланинг ёнида турибди. У ҳали жуда ёш... Қизғиш кўйлакли бола ҳақида ҳам айтганман: муштлашиш чоғида синфдошини беҳосдан ўлдириб қўйган. Ўзи синчалакдай, ҳеч ким унинг ўн иккига кирганлигига ишонмайди.

Болалар тушлик қилиб бўлишди. Энди ошхонани кўрсак бўлади.

Мен бундай ошхонани ҳеч қаерда кўрмаганман. Столларнинг ҳаммаси қатор қилиб қўйилибди. Столларнинг икки томонида бесўнақай ўриндиқлар.

Бу скамейкаларни яқинда махсус буюртириб қилдирдик, улар стулларга қараганда мустаҳкамроқ. Кўрамиз, қанчага чидаркин. Деворда мева-чевалар акс эттирилган суратлар ҳамда таомнома илинган. Таомномани ўқийман: маставa, котлет, компот...

— Ие, биз энг муҳим нарсани кўрмабмиз-ку,— Насриддин аканинг кўзлари қувонч билан чақнади,— болалар ижоди музейини ташкил қилганмиз.

Музей атиги битта хонада жойлашган. Шундай бўлсада музейга кўп нарса қўйилибди. Регистон ансамблининг фанердан ясалган катта макети. Турли туман нишонлар қўйилган стенд — ундаги нишонларни болаларнинг ўзлари тўплашган. Ильичнинг тўқиб ва ҳафсала билан бўяб тайёрланган портрети. Газлама, клиенка, мочалка ва бўёқлар ёрдамида тайёрланган Улуғбек обсерваторияси кишини тонг қолдиради. «Сенимми, шошмайтур» мультфильмидаги бўрининг ёғочга куйдириб ишланган сурати. Унинг остида қуйидаги ёзув бор экан: «Самарқанд болалар қабулхонаси тарбияланувчиларига Фарғонадаги 45-ҳунар мактаби тарбияланувчиларидан эсдалик. 1974 йил, 6 январь. Каримов.»

Катта қоғозда тугмалар, тўқалар, соч тўғнағичлари турибди. Уларни Самарқанд Дзержинский номли 64-махсус мактаб ўқувчилари совға қилишган. Совғани улар ўзлари ясашибди. Пастда сана: 1986 йил. Бу энг сўнгги экспонатлардан бири.

— Шундай талантли болалар келишадики, шундай ажойиб нарсалар ясашнинг уддасидан чиқишадики, баъзан уларни шу ерда қолдиргинг, истеъдодини ривожлантиришга кўмаклашгинг келади. Аммо қўлимиздан келмайди. Фақат турар-жойига қобилятлари ҳақида ёзиб юбора оламиз, холос. Мен ўзимнинг болаларимга ҳам музейни кўрсатмоқчиман. Улар иккита, бири 9 ёшда, иккинчиси олтида...

Хўш, энди болалардан бирontасини чақирамизми ёки кўришда давом этамизми? Телевизоримиз, томорқамиз бор, мавсум бошланиши билан болаларнинг ўзлари ишлашади.

Мен Раъно К. билан суҳбатлашишдан олдин бир аёл билан тунишдим, ҳозир шу аёл ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Милиция капитани, ўрта бўйли бу аёл иш бошлаган дастлабки пайтдаёқ қабулхонага ташлаб кетилган бир гўдакни ўз тарбиясига олган экан. Ҳозир унинг оиласида саккиз фарзанд вояга етаяпти. Ўғил болаларнинг иккитаси тенгдош, бу йил ўнинчи синфни тугатишади, эгизаклардек бирга ўсишгани учун иккаласи қалин дўст. Жуда кўплар — етимлар ва ота-онаси тирик туриб етим қолганлар, йўлдан адашганлар, ташлаб кетилганлар — бу аёлни яхши эслашади. Сабаби опа кимларнидир ишга ва ўқишга жойлаштирди, бир қанча қизларни куёвга узатди. Унинг ўз оиласи эса ўз уйларида ҳаловат топмаганлар учун меҳр ва оқибат масканига айланган. Лекин барибир опанинг кўнгли нотинч: бирontаси ўғлига, қалбининг қувончи ва ифтихорига, сени туққан бошқа деб айтиб қўймасайди...

Энди Раъно ҳақида.

«Мен, Раъно К., 1973 йилда Пастдарғом районида туғилганман. Ҳозирги пайтда ўқимайман ҳам, ишламайман ҳам. Онам ва ўгай отам билан яхши яшаймиз. Мен уларга қулоқ соламан, лекин ҳамма вақт эмас. Шунинг учун милиция ҳисобида тураманки, биринчи гал шаҳарга боришимга кўнмаганим учун онам билан уришиб қолдим. Сигарета чекаман, спиртли ичимликлар ичмайман. Чекишни ташламоқчиман.»

Раъно — мен эрталаб ҳовлида кўрган икки қизнинг бири. Иккинчиси Ира М. бўлиб, у билан биринчи мақолада танишгансиз.

Раъно қаршимда ўтириб, ердан кўз узмай саволларимга қисқа-қисқа жавоб беради. Кимлар келиб сендан хабар олиб турибди, деб сўраганимдан кейингина бир оз гап гапга қовишди.

— Бугун дугонам келди. Ойим ҳар куни келади. Тўғри, кейинги икки кун дараги бўлмади.

— Уйингдагиларнинг сал кўнгли жойига тушдими?

— Ҳа, яхши. Оиламиз умуман яхши, ўгай отам билан ҳам муносабатимиз дуруст.

— Дўстларинг кўпми?

— Ҳ.. Ҳа... асосан қўшниларимиз ва билим юртидаги болалар.

— У қайси билим юрти?

— Мен ҳунар мактабида ўқийман... яъни ўқиган эдим. Прибор ва ўлчов техникаларини назорат қилиш бўйича. Агар махсус ҳунар мактабига юборишса, у ерда бошқа касбни ўргатишади.

— Сен қайси касбни ёқтирасан?

— Ҳеч қанақасини. Приборлар билан ишлашни ўрганмоқчийдим. Энди менга барибир.

— Махсус интернатдан чиққанингда сен ўн саккизга тўлган бўласан. Яна эски дўстларинг билан алоқани давом эттирасанми?

— Йўқ!

— Бошқа дўстлар ортирасанми?

— Ҳа.

— Қанақаларини?

— Ҳар ҳолда анувлардақаси бўлмайди.

— Қанақа бўлади?

— Яхши дўстлар бўлади.

— Сен ўз келажагингни қандай тасаввур этасан?

— Яхши бўлади.

— Турмуш қуриб болали бўлиш ниятинг борми?

— Ҳа. Ўғлим бўлишини истайман... Битта.

— Унинг қандай бўлишини ҳоҳлайсан?

— Ҳамма сингари бўлишини. Яхши, мўмин-қобил бўлишини ҳоҳлайман. Анув менинг дўстларимга ўхшмаса бўлди.

— Улар қанақа эди? Ёмон ишларга жалб этишармиди?

— Ҳа, магазинга боргизишарди. Ўғрилик қилардик. Бир магазинга кирганимизда милиция келиб қолди, дугонам қочиб кетди, мен... шунақа...

— Энди сен бу ерда, улар эркинликда...

— Ҳа, эркинликда.

— Улар пулга муҳтожмиди? Нотинч оилалардан-миди?

— Йўқ, ҳаммаси «олижаноб» оиладан.— Ниҳоят Раъно бошини кўтариб менга тик қаради. Ва киноямуз деди:— Зи — ё — ли-лар оиласидан.

— Ўзига тўқмиди?

— Ҳа.

— Унда нима учун ўғрилик қилишади?

— Билмайман!— деди қийинчилик билан.

Мен Раънонинг ярасини тирнамаслик учун суҳбат мавзуини ўзгартирдим.

— Сенинг яхши кўрган йигитинг борми?

— Бор,— у яна кўзларини ерга тикди.

— Кутадими?

— Билмайман...— деди у шивирлаб.

Қиз кетди. Мен эса оғир ўйлар қуршовида қолгандим. Ўн гулидан бир гули очилмаган бу қиз ҳаётнинг бу оғир пўртанасига қандай тушиб қолди? Нима учун у севимли касбини, умид ва орзуларини, келажагини кунпаякун қилди?

Дарвоқе, воқеаларни шархлайман деб сиз, журналхонларга берган аҳдимни бузиб қўяй дебман. Яхшиси кўрганларимни қоғозга туширишда давом этай.

— Ҳозиргина милициядан бир болани олиб келишди,— деди қабулхона бошлиғи,— наша билан қўлга тушибди. Ҳозирча исми Обиджон Ш. 16 ёшдалигидан бошқа маълумот йўқ. У билан суҳбатлашишни истайсизми? Биз улгурамиз ҳали. Иш очамиз, сўраб суриштирамиз.

Унинг ўзини дадил тутиши, хотиржам қиёфаси, чақнаётган қоп-қора кўзлари ҳамон шундоққина кўз ўнгимда турибди. Обиджон Ш. анча гапга чечан эди. Ҳеч нарсани яширмай, очиқ ойдин гапирди. Ҳар ҳолда менда шундай таассурот қолди. Лекин Содиқов, биринчи марта ҳаммаси ёлғон гапиради,— деб мени огоҳлантиргани ҳам эсимда эди. Ким билади, балки тўғри гапираётгандир. Мана, Обиджоннинг айтганларини қуйида тўла келтиряпман, ўзингиз ҳам бир мулоҳаза қилиб кўринг.

— Ҳа, наша билан қўлга тушдим. Ўзим чекмайман, ишонсангиз чекишга ҳатто уриниб ҳам кўрмаганман. Бу дўстим Вованинг нашаси эди. «Боғишамол» ресторанида ўтиргандик. У маст бўлиб қолди, мен уни милицияга олиб кетади, тинтиганда чўнтагидан чиқиб қолса иш хунук бўлади,— деб ўйлаб олиб қўювдим. Мана, энди қўлга тушиб ўтирибман. Нимага у нашани олишингга йўл қўйди, дейсизми? У билади. Энди менинг ҳолим нима кечади, билмайман. Фарғона махсус ҳунар мактабига юборишса керак. Уйдагилар: онам ҳам, дадам ҳам, ака-укаларим менинг бу ердалигимдан хабар топишгандир. Участкавой танишимиз, оиламизнинг дўсти, дейиш мумкин. Онам унга менинг ишим тўғрисида гапирган, нима қилиш лозимлиги ҳақида маслаҳатлашганди, олдинига у бости-бости қилиб юбораман девди, кейин эса, йўқ, уддасидан чиқа олмас эканман, ўғлингизни милицияга топширишга тўғри келади, деди. Жуда ғалати одам. Ким билади, балки пул таъма қилгандир...

Ресторанда биз билан ўтирган болалар ҳам дўстларим. Бахтиёр, Шавкат, Очил. Улар мендан анча катта. Йўқ, фамилияларини билмайман, қаерда яшашларини ҳам. Уларнинг ўзлари мени қидириб топишади. Умуман... уларнинг ҳаммаси ўғри, киссавур... Ўзим бир неча бор кўрганман. Албатта ёмон болалар, лекин улар билан бўлганимда ўзимни кучли ҳис қилардим. Мен спорт билан шуғулланганман, ўзимни ўзим ҳимоя қила оламан, улар билан бирга бўлганимда эса, чин сўзим, ўзимни қиролдек сезаман. Ёнларида пичоқлари бор, ҳамма вақт бирга олиб юришади. Ҳеч ким мушукларини пишт дейолмайди, ҳамма қўрқади. Қамоқда иш даҳшатли эмас, энг дахшатлиси заиф, нимжон одамни хўрланиши... Икки йилдан кейин чиқсамми? Ошналаримни излаб нима қиламан, ўзлари мени ахтариб топишади... Агар унутиб юборишмаса... Ўзимга қолса-ю алоқа ўрнатмайман. Аммо ўз ҳолимга қўйишмаса керак, дейман. Умуман бу ердаги одам ишончни йўқотади. Вова уларнинг бошлиғи, ҳаммаси унга итоат қилади, у мени хафа қилдириб қўймаса керак, деб ўйлайман. Милиция унга тегмайди, у касал онасининг ягона боқувчиси. Ўзи ҳеч қаерда ишламайди. Онасининг пенсиясига яшайди... ана сизга боқувчи... Агар имконият бўлса, бу ошналаримнинг ёнига қайтмайман. Умуман бу ҳақда бош қотириб кўриш керак.

Хонага милиционер кирди.

— Қалай, гапиряптими?..

* * *

Қош қорайди. Содиқов уйига кетишга отланади. Мен ҳам дафтаримни ёпдим. Кетар эканман охирги марта бошим тепасидаги ёзувларга қарадим... «Болалар бизнинг келажагимиз!»

Мана, болалар қабулхонасида яна бир кун ниҳоясига етди. Мен улар бу ерда қаровсиз деб айтолмайман, аммо қаровсизлик, эътиборсизлик уларни бу ерга бошлаб келмадимикин? Сиз нима дейсиз?

Сўз сизга, азиз журналхон.

Л. ШОХНАЗАРОВА.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эркин МАЛИКОВ

(қисса)

1

Болажоним, хизмат бурчингни ўтаб, соғу саломат юрибсанми? Илоё бошинг тошдан бўлсин. Яна хат ёзяпман, сирдошим. Кеча ишдан қайтиб, қанчалар ҳаяжонга тушганимни, ширин-ширин хаёлларга ғарқ бўлиб, тонг оттирганимни билсанг эди!.. Ҳаёт йўлим бамисоли дарёдек кўз олдимдан оқиб ўтди, суянчиғим. Тош келса кемириб, сув келса симириб деганларидек не-не кунлар орқада қолиб кетибди-я. Нақадар кучли, нақадар бардошли эканман-да, энди ўйласам. Ахир икки қат ҳолимга Сабоҳатни ортмоқлаб, сени етаклаб ҳали троллейбус, ҳали автобус кетидан чопишни ўзи бўлмасди-да, меҳрибоним.

Ўшанда дегин, болаларни олиб юрадиган аравачалар эндигина расм бўлган эди. Қулайроқ бўлармикан деб биттасини сотиб олибман. Эртасигаёқ «қулайи» бурнимдан чиқди. Емғирли кун эди, бунинг устига автобуслар тиқилинч, аравачанинг ғилдираги кўлмакка тушиб... «Болаларнинг роҳати сизга-ю, шалтоғи бизгами, ойимча», деди кимдир. Ўша башанг кийинган эркакнинг чақчайган кўзи-ю, заҳарханда сўзлари ҳали-ҳануз эсимда. Ҳижолатдан ер ёрилса ерга киргудек бўлиб, нима қилишимни билмай, бошимдан рўмолимни ечиб ҳалиги кишининг лой текган жойларини тозалашга тушибман, дегин... «Э, нари туринг», мендан ҳазар қилгандек жеркиб берди эркак. Бир ҳўрлигим келди, бир ҳўрлигим келди... Кимдир ҳалиги эркакни уришди, кимдир отангнинг гўрига ғишт қалади. «Номард эркаклар кўпайиб кетяпти-да, бола туғдиришни билган, бундоқ қарашишниям билда!» Йўловчилар тирик етим эканликларингни қаёқданам билсин...

Сен-ку, отангни яхши билардинг. Синглинг унчалик танимасди. Шунгами, эркакларни кўрса жовдираб қолар, уларга талпингани-талпинган эди. Юрак-бағрим эзилиб, нима қилишимни билмай қолардим...

Ана шунақа ўғлим, бошқалар бир кўзлаб ўстирса, мен икки кўзлаб ўстиришга уриндим. Боягиндай ҳўрланишларга бора-бора кўникиб ҳам қолдим. Ишимни биласан, еганнинг ҳам, емаганнинг ҳам оғзи қон деганларидек. Бир куни боғчангга тўлаш учун пул тополмай қолдим. Тоғаларингдан сўрайверишга мулоҳаза қилдим. Ўйлаб-ўйлаб художўйлигини рўкач қилиб юрадиган бир кишидан қарз сўрадим. Пул беришга берди-ю: «Магазинда ишлаган одам қарз сўраса ғалати туюларкан кунига беш-ўн сўмлик бўлиб кетмасангиз нима қиласиз савдода ишлаб, бунинг устига бевасиз, сағирларингиз бор», деб у койиган бўлди.

Ўша одам писанда қилмасаям, ҳамкасбларимнинг шармандали ишларини кўриб кўнглим озарди ўғлим. Албатта, беш қўл баробар эмас, деганларидек, ҳаммасиям баднафс эмасди. Аммо ораларида шундайлари бориди. Бозори чаққонроқ мол келиб қолса, оёқлари олти, қўллари саккиз бўлиб кетарди. Сиздан угина, биздан бугина дейдиган танишларига телефон қилган, мўмайроқ ташлаб кетадиган пулдорларни ахтариб, изғиган. Бунақа пайтларда азбаройи ўз ота-онасиниям танимай қолишарди. Ташқаридагилар қолиб, ҳатто сотувчиларнинг орасида олди-сотди авжга минарди. Ҳаддим сиғадиганларни, «бунча беш қўлларингни оғизларингга тиқмасаларинг» деб чақиб олардим. Улар бўлса: «Ҳукуматам анойимас, айланай, бекорга борми-йўқдек ойлик белгиламаган, ризқини кўпчиликнинг устидан териб есин деб шундоқ қилган, ойлик билан яшаб кўрчи, яшаб бўпсан, очингдан тиришиб ўласан» деб оғзимга уришарди. Гапнинг очиғи, бунақа ишлар баъзан менинг ҳам ичимни қиздирарди, болажоним. Ҳеч бўлмаса сизларнинг боғча пулингларини ишлаб олсаммикан дердим. Ҳа, пул ошириб данғиллама уй-жой қурмай қўя қолай, тилла тақинчоқларга беланмасам беланмайин, ҳеч бўлмаса, болаларимнинг энгил-бошига... ҳарна-да. Ахир худоям, бандасиям кечирар экан-ку. Болаларимнинг етимлиги, бевалигим яхшигина баҳона экан-ку. Ҳа, менга ўхшаганлар борида орамизда, йўқ эмасди. Бўлгандаям анча-мунча эди. Улар бундай «қулайлик»дан юз фоиз фойдаланишарди. Ўртоқлик судларигаям тушиб қолишарди. Уларни кечиришардиям.

Йўқ, ўғлим мен ҳар нечук бундай ишларга ўзимни қанчалик чоғламай, шунчалик нафратланардим. Бу ишнинг охир-оқибатидан қўрқардим. Кўз олдимга сен, синглинг Сабоҳат, ҳали дунёга келмаган Баҳодирим қадалиб, туриб олардиларинг. Этагимга ёпишиб, изиллаб йиғлагандек бўлаверардиларинг. Ахир бу ишнинг охир-оқибати қамоқда!.. Унда мен сизларни ғирт тирик етим қилиб қўяман-ку!

«Болаларимни ҳалол пулимга катта қиламан. Бундоқроқ ейишар, бундоқроқ кийишар, ҳаром пул бари бир ҳаромлигини қилади. Ҳаром еб катта бўлган бола, албатта, ҳаром йўлга кириб кетади» деган ўй мени бу қоронғу кўчаларга олиб кирмади. Ҳа, шундоқ бўлиши керак ўғлим. Ҳалолликка нима етсин! Ҳалол дегани тозалик, поклик дегани эмасми? Ахир ифлос нарсани қандоқ қилиб одамнинг таъби тортади? Ҳатто ювилмаган қўл билан еган овқатинг танангга ботмайди-ку. Ҳа, азаматим, тишингнинг кирини сўриб юрсанг-юру, ҳалол бўл! Ҳалол одамнинг тилиям, қўлиям узун бўлади. Унча-мунча пасткашлар олдида бўйни эгилмайди. Буни мен аёл бошимдан кўп ўтказдим, кўп синадим.

Қара-я, болажоним, мен сенга нималар демоқчийдиму, нималар деяпман. Ахир тамом бошқа гапларни айтмоқчийдим-ку. Чалғиб кетдим шекилли... Ростданам мени ҳаяжонга солган, ширин-ширин хаёлларга ғарқ қилган нарса хусусида сўзламоқчийдим-а? Гапни синглингдан бошлашим керак эди, аслида. Биласанми, ҳа-я, ҳеч нарсадан хабаринг йўқ, ўғлим. Ака ўрнида суюнчини чўзиб қўясан энди. Кеча десанг, Сабоҳатга совчилар келди. Ўзимча сенга қиз ахтариб, уни-буни кўз остимга олиб юрибману, Сабоҳатни ўйламапман. Қарая, синглинг кап-катта қиз бўп қопти. Юрак-бағримни ҳувиллатиб, учирма бўлган қушдек учи-и-иб кетадида-а, энди? Қиз бола туғилган уйига меҳмон деганлари шудирда-а? Мен бўлсам ҳалиям гўдак санаб юрибман уни. Вой тушмагурей, бир ҳазилкаш, бир ёқимли қиз бўлган, бир гапириб, ўн кулади, бир қоп ёнғоқ. Совчиларни кўриб қанчалик суюнсам, шунчалик куюндим ҳам, ўғлим. «Қувонингда, ойижон, нега энди куйинар экансиз», дейсанми, меҳрибоним?

Ахир мен ҳам не-не умидлар билан отангга теккан эдим-да. Оқибати нима бўлди? Сутдан оғзи куйган қатиқни пуф-пуфлаб ичаркан. Шунга ўй-ўйлаб кетдимда болажоним. Қайси она боласининг бахтини кўзламайди дейсан? Ҳамма оналар ўйлайди. Ҳа, оналар болаларига жуда кўп нарсаларни соғинишади. Қани энди қўлларига очил дастурхонни тутқазиб қўйишса. Билмайдиларки, очил дастурхон ҳам, ҳамма-ҳамма орзу-ҳавас ҳам болаларининг ўз қўлларида эканлигини. Мана, отангни айтай, бир вақтлар у ҳам худди сендек йигит эди. Оилани барбод қилди, шу билан ота-онасига раҳмат олиб келдими? Мен оилани сақлаб қолишга қанчалик уринмай, бари бир уддасидан чиқолмадим. Қиз боланинг иши қийин экан, маслаҳатгўйим. Синглингни қанақа хонадонга узатсак экан. Масалан, сен синглингни қанақа йигитга турмушга чиқишини хоҳлардинг? Олдинги хатларимда сени оиламизнинг бошлиғисан деб айтдим. Ҳа, бундан бу ёгига шундоқ бўлади ўғлим, худо хоҳласа. Хўш, оиламизнинг бошлиғи, менга — ўғил, Сабоҳатга — ака ўрнида маслаҳат бер. Оила қуриш бу — умр савдоси, тўғрими?

Мана шунақа ширин ташвишлар эшигимизни тақиллатиб турибди. Бу борадаги мулоҳазаларинг мен учун сув билан ҳаводек зарур, билсанг, ўғлим. Шу билан бугунги хатимни охирлайман. Ўзингни эҳтиёт қил, соғиниб, соғиниб бағримга босаман.

2

Болажоним, совчиларни қайта-қайта ўйлар эканман сенга яна юрагимни ёзяпман. Яна «ойимлар хат ёзиш машқини олволдилар» деб ўйламагин. Йўқ, паҳлавоним, ундай эмас. Билсанг, мен қўлимга қоғоз-қалам олмайман. Гўё сени кўчадан чақириб оламану она-бола юзма-юз ўтириб гаплаша бошлаймиз. Ҳа, гунгур-гунгур суҳбат қурамиз. Бир хил гапларимга баралла кулиб юборасан. Шунда яғриндор, кенг елкаларинг силкиниб-силкиниб тушади. Сипо юзларинг чарақлаб, кўзларингдаги мунг бир зумга ўчади-да, оппоқ тишларинг кўриниб, овозинг дўриллаб кетади. Вой, дўриллаган овозингдан онанг ўргилсин! У мени не-не таниш, нотаниш эшикларга етаклашини билсанг эди...

Менинг сирдошгинам, эшит. Кимки, йигитман, деб бировга совчи қўйдими, қиз бола ўзига ёстиқдош деб, умрини ўзга умрга боғлар экан — ақлини йиғсин. Фарзанд кўргач, эса... оҳ, бундай бахтли кунга етишни кимлар орзу қилмайди!.. Фарзанд кўргач эса, фарзандим деб яшасин. Турмушда нималар бўлмайди, дейсан. Баъзида хотини кўзига ёмон кўриниб қолиши мумкин. Ўшандоқ пайтларда эркак киши ўша ширин фарзандининг кўзи билан хотинига қараса — олам гулистон. Бўлмаса қўғирчоқдек, қўғирчоқдек ширин оилалар тўзиб кетяпти... Биласанми, бир йилда мамлакатимиз бўйича икки миллион никоҳ тўйи бўларкан. Йил ўтмай шундан тўққиз юз минги бузилиб кетаркан. Бунинг касофатига етти юз минг бола етим бўлиб қоларкан. Бир йилда шунча етим-а! Даҳшатмасми бу, ўғлим!.. Ўйлаб қарасам, мен бева қолганда менга ўхшаганлар онда-сонда учраб қоларди шекилли. Ҳозир ёппасига бўп кетди, шунга чўчияпман, ўғлим.

Аввало, фарзанд ота билан она ўртасида дунёга келадими, шу икковининг ўртасида ўсиб-унсин. Мен бу азобни сени ҳарбийга кузатаётганимда яна бир марта юрак-юрагимдан ҳис қилдим. Эсингда бўлса, жамики қариндошларимиз сени кузатишга чиқишди. Назаримда ҳамманинг кузатувчиларидан бизники кўпроқ эди. Бунга сениям, мениям фаҳмимиз етиб турарди. Шернинг отаси йўқ, онасининг кўнгли ярим, деб шундай қилишди, қариндошларимиз. Йигитларни бирин-сирин радиокарнай орқали ичкарига чақиряпти. Сен негадир индамайсан, бошқа болалардек онангга ёпишмайсанам. Разм солсам иккиуч қадам наридаги ўзингга ўхшаган йигитга тикилиб қопсан. У йигит онасидан кўра, отасига ёпишиб олибди. Отаси бўлса унга бир нималарни уқтиряпти. Бирдан йигит кулиб отасини қучоқлаб даст ердан узиб, кўтариб олди. Ота бўлса бошқалардан ярим бўй ўсиб, хахолаб кулди, ўғлининг елкасига қоқиб, «бўлди, бўлди» деди. Ҳамма кулди. Сенам кулдинг ўғлим. Аммо кулгинг қандай тез пайдо бўлган бўлса шундай тез сўнди. У мунгли кўзларингга тошдек чўкиб кетгандек бўлди. Ўша дақиқаларда хаёлингдан нималар кечганини биламан ўғлим. Отанг сени болалигингда мана шунақа қилиб эркалатарди. Осмону фалакка отарди. Буни қараки, вақтики келиб ўғиллар ҳам оталарини осмонга отгудек эркалашлари мумкин экан. Бахтли оталар, бахтли ўғиллар. Онасини кузатдингми, ўшанда. Рангпар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гина-ю, истарали хотин экан. У ҳаммадан ҳам бахтиёрроқ эди. Худди қувлашмачоқ ўйнаётган қизалоқлардек чиройли куларди. Кулиб туриб кўз ёшларини артди. Шўрликкина, йиғламай деса шундоқ ўт-олов ўғли уйини ҳувиллатиб кетяпти. Кулмай деса ота-боланинг шўхлиги ака-уканикига ўхшайди. Шунақа тўла-тўкис хонадонлар ҳам кўп ҳаётда, ўғлим.

Ўшанда менинг ўғлим ҳам кучли йигит, дегандек бақувват қўлларингга, кенг елкаларингга ҳавас билан қарадим. Буни сездинг, шекилли, оҳиста қучиб, бошингни елкамга қўйдинг-да, совуққотаётгандай, қунишиб, хўрсиндинг. Сенинг хўрсинишинг аъзои-баданимга ички бир титроқ бўлиб югурди. Ахир мен онаман-ку, юрагингда қандай тўполонлар бўлаётганини биламан-ку. Эркалаган бўлиб елкаларингни силадим-да, тилимнинг учида турган гапни аста қулоғингга шивирладим: «Отангниям хабардор қилсак бўларкан-а, ўғлим?» Сен жаҳл билан бошингни кўтардингда, атрофга шундай бир ўтли қараш қилдингки... назаримда ҳамма ёқ ёниб кетгандек бўлди. Эҳ, ўғлим, паҳлавоним, суянчиғим, ўксик кўнгил ўртанса дунёга ўт кетади деганлари рост экан. Бармоқларинг ўзидан-ўзи тугилди, биринчи марта пешонангда чизиқ кўрдим. Саросимада нима қилишни билмай қолдим. Яхшиям тезда ўзингга келдинг, совидинг. Гуноҳкордек бошингни эгдинг-да, худди ўзимдек шивирладинг: «Хабардор эдилар!» Энди мен ўзимни тутиб туролмадим. Энди мен худди сендек ёниб атрофга қарадим. «Ҳай, номард, келган бўлсанг, нима қиласан бир чеккада пусиб, келавермайсанми, боланг ёнига. Гина-кудуратнинг ўрнини ҳозир!» Шунча кунгача тортган азобларим бир бўлди-ю, шунисиям бир бўлди, ўғлим. Шундоқ норғул йигитнинг — ўғлонининг сазасини ўлдирадими, одам деган!..

Шу пайт радиокарнайдан бояги шўх йигитнинг исми-шарифи эшитилди шекилли у «есть!» деб бақириб юборди. Кейин энг аввал қариндошлари билан қучоқлашиб хайрлаша бошлади. Навбат отаси билан онасига келганда жуда қизиқ бўлди. Йигит қанотини бургутдек ёзиб, бир қўли билан онасини, бир қўли блиан отасини қучди. Онанинг ҳам бир қўли ўғлига-ю, бир қўли отасига тушди. Учта жисму-жон, учта бош битта бўлиб қолгандек, анчагача тебраниб турди. Кейин йигит сирғалиб чиқди-да, дарвоза томон чопқиллаб кетди. Боласини бағридан бўшатган она, бирдан мадорсизланди шекилли, эрига суяниб қолди. Эрининг кучли қўллари уни адл тутиб турарди.

Бу манзара бошқаларнинг эмас, фақат бизнинг кўз олдимизда кечарди. Биз уни энг таъсирли кино кўраётгандек берилиб кузатардик. Нимага десанг бундай ҳолат икковимизгаям бегона эди. Биз ҳам хайрлашдик. Бироқ бизнинг хайрлашувимизда учта жисму-жон, учта бош битта бўлмади — отангнинг ўрни бўш қолди. Мен ҳам анови аёлдек мадорсизландим, оёқ-қўлимдан жоним чиқиб кетаёзди ўғлим. Наилож, яна ўзимга, жафокаш юрагимга таяниб қолавердим жигарбандим.

Нима учун совчилар юрагимдаги қўр босган чўғни қўзғаб қўйишганини энди ҳис қилгандирсан, қарчиғайим! Куёв бўлмиш бир қанотига фарзандларини, иккинчи қанотига синглингни олармикан? Ўзингчи, Шерим! Биламан, сен отанг билан мен юрган кўчалардан юрмайсан. Бу кўчалар қоронғи кўчалар. Улар сизларниг тўкис болалигингизни ўзидек қоронғи қилиб қўйди. Сен ўз қисматингни ҳеч қачон болаларингга соғинмайсан.

Яна сен бу қоронғулик учун мени айблаб юрма ўғлим. Мен сен, синглинг, уканг учун қанчалик ҳўрлик бўлса барини бўйнимга олдим. Ажрашиб бувингникига кўч-кўронимни ортиб келгандан кейин ҳам отанг билан ярашдим. Ҳа, ҳа, энди бувингникида яшай бошладик. Отангга ҳали ишонч йўқ эди. Аммо сизлар туфайли оз бўлсаям умидим бор эди. Хато қилганимни кейин сезиб қолдим. Ичкилик деган бало уни ўз тузоғига ўрабчирмаб олган экан. У қайта ярашганда ишидан ҳайдалган, фикри ёди бир қултум заҳару заққум бўлиб қолган экан. Отанг бир ойча ўзини у ёқбу ёққа ташлаб юрган бўлди. Уйимизга қайтиб бориш ҳақида гап ҳам очмади. Бечора ўзи ўзига ишонмади шекилли-да. Тоғаларинг у ер, бу ердан иш топган бўлишди — бормади. Аммо ҳар замонда чўнтагида беш-тўрт сўм пайдо бўлиб қоларди. Мардикорчилик қиларди шекилли. Буям узоққа чўзилмади. Яна ичкилик ҳуружи бошланди. Мен тоғаларинг, маҳалла олдида изза бўлаётганимдан зор-зор қақшардим. Сен ўшанда болалигингга бориб адангни юришларини алпанг-талпанг кўрсатганингда, вой, бошимни қайга уришни билмай қолардим. Болайдингда, бўлмаса ўз отангни ўзинг эрмак қилармидинг. Охири жанжал чиқди. Каллаи саҳарлаб ичишга яна пул сўради. Қаттан олай ахир. Ўзим онамникида сиғинди бўлиб ўтирсам. Юм-юм йиғлаб, синглинг билан икковингни судраб, укангни кўтариб боғчага — ундан ишга кетдим. Шу куни аданг уйга қайтмади. Эртасигаям қорасини кўрсатмади. Бир маҳал уйни йиғиштираётиб, ойналик жавоннинг чангини артай деб қотдим-қолдим. Одам шунчалик ҳам пасткаш бўладими? Ҳали мен шу одам билан турмушимни қайта бошлайман деб юрибманми? Нима бўлди дегин, отанг ярашганимиздан кейин туғилган кунимга деб биллур қандил совға қилган эди. Ўшани олиб кетибди! Нимага бўларди, сотиб ичгани-да! Балки ўша қандилнинг ўрнига бошқасини олиб кетгандаям бунчалик таъсирланмасмидим? Кўнглим баттар музлади, ўғлим. Ишқилиб, куёв бўлмиш ичкилик деган офатдан узоқ бўлсинда!.. Тўғрими, толмас қанотим?!.

3

Шу десанг, ўғлим кейинги пайтларда сал нарсага таъсирланадиган бўлиб қолибман. Куни кеча меҳмондорчиликка бордиму, борганимга пушаймон ҳам бўлдим, ҳушёр ҳам тортдим. Балки сени ўйлаб кетмаганимда бунчалик даҳшатга тушмаган, қўлимга қалам олмаган бўлармидим. Нимага онам ҳадеб мени ўйлайдиган бўлиб қолдилар деб ҳайрон бўлма. Ўйламай бўларканми, ўғлим. Бу Афғон уруши деган касофат қаттанам ёнимиздан ён қозиқ бўлиб чиқди-я. Уруш битта Афғонда бўляпти деб ўйлайсанми. Бутун мамлакатимизнинг жисми жонида кечяпти бу уруш!.. Илгари ҳарбийга кетган болалари совуқ томонларга тушиб қолса ота-оналар зорланишарди, болам қийналадиган бўлди, шу атрофда қолса бўлмасмидийкин, деб. Энди совуқмас, ундан нарига кетсаям майли, ишқилиб Афғонистондан нари бўлсин деб орзулашади. Мен ҳам бир йилгина тинч юрдим. Иккинчи йили сени Афғонга ўтказишди-ю, тинчим бузилди, болажоним. Хатингни ўқиб соғ-саломатлигингни билгунча жоним халқумимга келиб қолади. Лекин пошшолар бу ишнинг хатолигини тушуниб, инсофга кела бошлаганларидан бери ёрқин-ёрқин тушлар кўра бошладим. Зора ўша дўзах ичидан муддатидан олдинроқ этак қоқиб чиқиб кетсаларинг. Тўйларни бошлаб юборсак. Сени уйлантирсам, Сабоҳатни узатсам. Ҳа, қулоқларимга келин салому, «ёр-ёр»ларнинг овози шундоққина келиб турибди. Бизнинг хонадонга ҳам ёруғ кунлар тонгдек оқариб келяпти. Нимагаям келмасин, келади-да. Биз кимга ёмонлик қилибмизки, бундай кунлардан бенасиб бўлсак. Илоё гўшангага куёв бўлгин. Айтиб қўяй, инсофли қайнона бўламан. Сенинг қаллиғингни қанчалик суюб, бағримга боссам, меҳр-оқибат кўрсатсам, менинг яккаю-ёлғиз қизимни ҳам борган жойида шунчалик бағрига босишади. Илоё ниятим йўлдошим бўлсин. Ана холос, яна чалғиб кетдим... Меҳмонга борганим ҳақида ёзаётувдим-ку.

Меҳмонга борган жойимизда битта тўрт қаватли бино маҳалланинг ўртасига адашиб тушиб қопти дегин. Мезбонимизга шу бинонинг учинчи қаватидан жой теккан экан. Сизларда билмадиму, биз томонларда баҳор кечикди. Кўкатлар қулф уриб, ҳиди энди димоқни қитиқлайдиган бўла бошлади. Ичкаридан осма айвонга чиққим келди. Чиқдиму, кўзим мўъжизага тушгандек юрагим жаз-жаз ачишиб кетди. Бутун маҳалла бу ердан кафтдагидек кўриниб турарди. Мени диққатимни тортган нарса осма айвон рўпарасидаги мўъжазгина чорбоғ эди. Чорбоғнинг бор-йўқ мулки — бир туп қари ўригу, икки туп нок эди. Бир қарашда улар путурдан кетган янги навдаларидан кўра қуриган, чўгир шохлари кўп эди. Шундоқ бўлсаям ўрик гуллаб, эндигина гулини тўккан, худди куйгандек қизариб турарди. Ноклар ҳали гулламаган, тош нок бўлса керак ғунчалари бўртиб кўринарди. Қўшни ҳовлиларда бўлса шафтолилар пушти кўйлакларини баҳор шамолларига тутиб ҳилпиратгандан-ҳилпиратишарди. Болалик, беғуборлик даврларимни эслаб бир юрагим орзиқди, бир орзиқди, ўғлим!..

Ҳа, чорбоғнинг ажабтовур гир айлана девори ҳам бор эди. Ажабтовур деганимнинг сабаби улар олис-олислардан, ҳориб, толиб, озиб, тўзиб келаётган ўркачли туяларни эслатарди. Бу ердаги барра майсалар чунонам яшнаб ётардики, гўё баҳор шу бурчакка беркиниб олиб, шовқин-суронли, чанг-тўзонли оламдан нари эркин-эркин нафас оларди. Менинг бу гўшага бунчалик берилиб кетганимнинг боиси, аданглар тарафда шунақа ярим хароба жойлар кўп бўлгучи эди. Сабаби, у ерда битта темир йўли ўтган, қачонлардир яна иккинчисиям ўтадиган бўлгач эпини қилганлар жойларини бузиб кетишган эди. Ноилождаргина яшаб келишарди. Едингда бўлиши керак, худди шундай баҳор пайтларида сени етаклаб, жағ-жағ, исмалоқ тергани чиқардим. Дадангни топиб олгани балиқ ови эди. Балиқ ови ароқхўрликка бир баҳона экан кейин билсам. Мен бўлсам кўк сомсаларни тандирда ёпиб, иссиққина қилиб адангни пойлаб ўтирардим. Қани энди келгач, бир донасини тишига босса. Шундоқ жиззалар, қалампирлар солинган, бир хуштаъм бўларди. Йўқ, у одамнинг кўкларга ҳуши йўқ эди. Мен у кишига ўт-ўлансиз, ҳатто бир бош пиёз, помидорсиз бўлак қозон осардим...

— Ҳай-ҳай-ҳай, — деди уй эгаси ёнимга суқилиб, — жа, ўн саккиз ёшлилардек ўй ўйлаб кетибсан, тинчликми?! — Уй эгаси деяётганим бирга ишлайдиган Насима опанг эди. Ҳалиги қувноқ, шўх аёл бор эди-ю, ўша. Қирққа кираётганига зиёфат қилиб бераётган эди. — Юр, — деди у қўлимдан тортиб, — ичкарига кирайлик, музика бўляпти, эшитяпсанми му-зика. Умр ўтяпти дугонажон, ўйнаб қолайлик!..

— Тўхтаб тур, — дедим билагимни бўшатиб, — мана бу ёққа қара, бу чорбоғни эгаси йўқми? Нега бу жой чўнтакдан тушиб қолган ҳамёндек қаровсиз ётибди. Ахир бир парча ер учун одамлар бир-бирининг бошини ёришяптику.

— Э, қўй, — деди дугонам қўл силтаб, — юр, ичкарига юр...

Бу ҳақдаги гап кейинроқ, мутлақо бошқа томондан очилиб қолди. Ўзи қизиқ бўлади-да, юракка бирон бир тилсим суқилиб кирмасин. У қанчалик сеҳрлаб ташланган бўлмасин ўша юракнинг ўзи юракларга тинчлик бермай қўяди. Охири ўша тилсимнинг қулфи ўз-ўзидан очиладиқолади. Нима бўлди, дегин. Насима ўрикдан тайёрланган шарбат очди. Бирам хуштаъм, бирам хуштаъм! Ўтирганлар бир чеккадан мақтай кетишди.

— Ҳай, ҳай, бу дунёнинг ўригига ўхшамайдия!

— У дунёдан деявер, нақ жаннатнинг ўзгинасидан!

— Яна туксиз, оқ ўрик экан-а?

— Ўзимиздан, — деди Насима, — пастдаги чорбоғдан, ўзиям чўгиртоб бўлиб бир тупгина қолган.

— Ҳай бизам ақчасини тўлаб, эга чиқиб қўяйлик.

— Сотилмайди, пулдор дугонажонларим, сотилмайди. Пишганда айтаман, насиб қилса бирон челакдан оларсизлар, хўпми?

— Хо-о, хотамлигини қаранглар, бунақа ўрикнинг килоси беш сўмдан тушмайдику, бу бўлса...

— Эй, айтсам ишонмайсизлар, — деди-да, Насима алланечук хўрсиниб четга қаради.

— Биласанми ўғлим, чорбоғда бир дунё гап бор экан. Бамисоли, варақланмаган китоб дейсан. Эшитиб барчамизнинг кўзимиз ёшланди. Сурмаларимиз суркалиб, оппоқ рўмолчаларимиз қопқора бўлди. Воқеа бундай бўлган экан, менинг юпанчим.

Ўша чорбоғдаги ўригу, нокни эккан одам қирқ биринчи йилнинг кузида урушга кетган экан. Хотинининг бўйида гумона қолган экан. Ой-куни тўлиб қўчқордек ўғил кўрибди бояқиш. Эри ҳадеганда урушдан қайтавермапти. Хотини бўлса ноумид бўлмай кутаверибди. Кутган кўзларига суртгулик бўлиб ўғил улғайибди. Ана-мана деб орадан йигирма йил ўтиб кетибди. Ана шунча йилдан кейин эридан хат-хабар топибди шўрлик. Уям бор-йўғи икки оғизгина калима экан: «Эрингиз Москва остоналаридаги жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган». Балки бу хабар йигирма йил олдин, жилла қурса ўн беш йил олдин келгандаям аёл шўрлик бошқа эрга тегармиди, тақдирга тан бериб. Ҳа, ўша икки калима сўзни бағрига босиб, яккаю-ягона ўғлига суянибди-қопти. Ўғли қуйиб қўйгандек отасининг ўзи экан бунинг устига. Ахир пок, вафоли беваларга бундан ортиқ юпанч, бундан ортиқ инъом борми, дунёда? Йигит бўй етиб, олий ўқув юртига ўқишга кирибди. Ўқиб юрганида муҳаббат деган савдога йўлиқибди. Оҳ, бундай тақдирларни эшитганингда муҳаббат деганлари одамзод бошига битган баломикан деб ўйлаб қоласан киши.

Йигит охирги курсда ўқиётганда яхши кўриб, ёқтириб қолган қизиникига онасини жўнатибди. Онаизор ўғлининг қадди-қомати билан, донолиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан мағрурлангандан-мағрурланиб юраркан. Шунгами, хоҳлаган эшигимни тақиллатсам, қизини беради деб ўйларкан. Оҳ, болажоним, назаримда ҳар бир она шундоқ деб ўйласа керак. Минг-минг лаънатлар бўлсинки онаизорнинг айтгани бўлмабди. Шўрлик совчиликдан ерпарчин бўлиб қайтибди. Қиз томон нима депти дегин: «Йигитнинг отаси йўқ экан-да?..» дебти тап тортмасдан...

Бунақа бефаҳм одамлар қаттан пайдо бўлади-а? Ахир, кўриб туриб куйган юзга тарсаки эмасми бу? Кўзи ёшли одамга беҳаёларча тиржайиб қараш эмасми? Отасиз бўлиб қолганига йигит айбдор бўлдими, энди? Бева номини кўтариб, бир ўғилни катта қилган онага раҳмат шуми? Нега бундай бўлади-а, болажоним. Нега бахт деб интилган бахтсизликка, ҳақ деб интилган ҳақсизликка рўпара келаверади-я?! Ҳаётнинг бундай ўйинларини нима деб тушуниш керак? «Ҳаёт» деган нондек муқаддас сўзни қаҳр билан тилга олганим учун минг бор узр, ўғлим. Нотавон одамларгина ҳаётдан нолийдилар, ўз бахтсизликларини ҳаётга тўнкайдилар, кўз ёши қилиб юрадилар. Нима, ҳаёт инсонга бағридан жой, ризқ-рўз бергани учун айбдорми? Йўқ, ҳаммаси одамнинг ўзида қолган. Бировлар шу заминда яшаб, палак ёзиб ширидан-ширин мевалар берарди, биров тахирдан-тахир! Минг афсуски, ширинниг иши тахирга тушмай илож йўқ экан. Во, дариғ, яна ўша ота-она қиз ўстирган-а? Вой, омадсиз йигитгиная, вой, қаҳрамон жангчининг жигарбандия, вой, ўлик муҳаббатга ҳали-ҳануз жон бағишлаб келаётган муштипар онаизор-а, шундай таъвияларгаям кунинг қоладими-я! Муҳаббатнинг кўзи кўр деганлари шу бўлса керакда?..

Онаизорнинг эски яраси янги бўлганлигини, бутун жони жаҳони ўртанганини она бўлганим учун ҳам ҳис қилдим ўғлим. «Йўқ» деган муздек жавобни нуридийдасига қандоқ етказдийкин? Ундан кўра гунг бўлиб қолишни минг бора афзал кўргандир, онаизор?

Бирон нимани сезиб қолишганми, қизнинг уйидагилар шошиб-пишиб тўй қилиб юборишибди. Йигит бечора қизгинадан ажраб қобди. У бунчалик бўлишини кутмаган эканми, бир кечада мияси айниб қобди. Оҳ, деб юбордим. Душманинг бошига солмасин бундай кулфатни. Одамлар бир-бирларига нимага бунчалик бешафқат-а?

Кечир ўғлим, эрк бериб, қизнинг ота-онасини ёзғирдим. Ахир қизнинг ота-онаси ота-оналик йигитни орзулашган бўлса, уларда нима айб. Уларнинг гўрига шунчалик ғишт қалашим керакмиди? Ҳар ким ёқтирган ошини ичади-да, нима дединг?

Уша йигит ҳозир қирқдан ошибди. Биз тенги экан. Оғзида нуқул битта сўз эмиш: «Одамлар, ҳой, одамлар, эшитмадим деманглар! Қумрихонни оляпман. Така-тум тўй, така-тум тўй!»

Онаизор неча-неча йиллардан бери маҳаллада суннат тўйи бўладими, никоҳ тўйи бўладими, ишқилиб тўй эгаларининг кўрпа-тўшагини қавиб, мағизлаб бераркан. Фалон сўм деб меҳнатига нарх урмас экан. «Мен дунёдан ўтиб кетсам, ёлғизим орқамда қолса бир қошиқ иссиқни аямасанглар бўлди» деб меҳнатини шунга чақиб келаркан. Маҳалла-куй ҳам телба ўғлига қаттиқ-қуруқ гапиришмас экан, баъзи-баъзида эркалигиниям кўтаришаркан...

Жон ўғлим, ҳар бир ёшга муҳаббат савдоси меҳмон бўлиши бор. Тўйлар ҳақида ўйлаяпману, мана шунақа азоблардан худонинг ўзи асрасин дейман, нукул. Ахир шундай инсоннинг зурриётига шафқатсизлик қилган одамлар бизни аяб ўтирармиди? Отанг билан фахрлана олмаймизку. Бор бўлиб — бордек эмас, йўқ бўлиб — йўқдек. Бу ёгига ҳушёр бўлайлик. Хато қилишга ҳаққимиз йўқ, суянган тоғим!

4

Жоним болам, тўй ҳақида ўйласам, қушдек енгил тортаман. Ахир эл-юрт олдига дастурхон ёзишдан ҳам улуғроқ ташвиш борми, дунёда. Яхшиликка, тўй-тўкисликка дастурхон ёзишга нима етсин. Дастурхонда гап кўп ўғлим. Дастурхонингиз тўкин бўлсин деб бекорга тилак билдиришмайди. Шунинг учун эшикдан дўст кириб келадими, душман кириб келадими, уйда бир бурда қоқ нон борми-йўқми, бари бир дастурхон ёзилади. Урф-одат шунақа. Дастурхон дўстни дўст қилади, душманнинг ақлини киритади, инсофга чақиради. Дастурхон мезбон зийнати, меҳмон ҳурмати ўғлим. Дастурхони ёзиқ одамнинг кўнглиям ёзиқ бўлади.

Тўй қилиб, сизларнинг дастурхонларингизни очиш ҳақида ўйлаб туриб ўзимнинг бевақт йиғиштирилган дастурхонимни эслаб кетдим ўғлим. аданг билан менинг дастурхоним қачон йиғиштирилди? Қай соат, қай дақиқада? Одамнинг хотираси шундай эканки, унинг ҳисобидан ўтиб қолган энг кичкина нарсаям ўчмай тураверар экан. Компьютер тугмасидек билиб, бехато босилса мия барини жонлантириб беришга қодир экан. Мана «дастурхонимиз қачон йиғиштирилди» дейишим билан бари кўз олдимга келди-қолди. Ўшанда Баҳодиримга бошим қоронғи эди. Ҳа, кулма, ўғлим. Бошқоронғилик қанақа бўлишини, у бўлажак онани қанчалик нари олиб бориб-бери олиб келишини, ҳадемай уйлансанг биласан. Аммо ана шу паллада бир-бировинга қанчалик меҳрибон, оқибатли бўлсаларинг, билгинки, фарзандинг ҳам шунчалик меҳр-оқибатли бўлиб туғилади. Нега десанг бу одамий фазилатларнинг бари жон битаётган болага она орқали ўтади! Нима эксанг шуни ўрасан деганлари шу бўлади, ўғлим. Онам юзимни очиб юборяптилар дема. Эҳтимол бу гапларни юзма-юз ўтирсам айтолмас эдим. Лекин хат орқали айтаман, айта оламан ўғлим. Кўпгина қўйди-чиқдилар шу оддий ҳақиқатни билмасликдан бўляпти-да, болам. Мешдаги қимизнинг оқиб адо бўлишига игнанинг кўзидек силқиш етади. Меҳр-оқибат ҳам бамисоли мешдаги қимиз. Ҳамма гап силқишга бўй бермасликда. Балки отанг ҳам мана шу нарсаларни билмагандир-а? Балки у ҳам меҳрсизликнинг аччиқ меваси бўлиб дунёга келгандир-а? Балки унинг ҳам онаси ўша боши қоронғилик пайтида... Эҳ, бекорга боши қоронғи деган эмас-да ҳалқимиз. Бундай пайтда оналарнинг боши ҳеч қачон ёруғ ва ёркин бўлолмайди. Ахир қаттанам шундоқ бўлсин. Қачонки, онадаги ёруғ ва ёркинлик дунёга келаётган болага оқиб ўтаётган бўлса! Она бутун аъзосидан унга кўчат ўтказади-я! Осонми бу? Асло! Қанийди, буни ҳамма билса, онага ҳалоскор бўлса. Ўша қоронғулик кунлар эвазигагина бола ёруғ жаҳонни кўришини ҳамма ҳам ўйлаб кўрмайди-да!

Оналарнинг гапига қулоқ солсанг, мен фалончи боламда фалон нарсага бошим қоронғи бўлган эди деб қўйишади. Баҳодиримда мен кўк ўтни кўпроқ тусаган эдим. Балки бу баҳор палласига тўғри келиб қолганлигидандир. Ўша куни десанг отангга оқ шўрва осиб, ўзимга кўкдан чучвара тугдим. Нимаям бўлди-ю... шу ўша куни мени бир ғафлат босди-да. Отанг ҳар галгидек ичиб келган эди. Дастурхон ёздим. Олдин отангга овқат сузиб келай деб, ҳар эҳтимолга қарши намагини кўрдим. Енгилроқ. Бир чимдим туз ташладим. Намаги етилгунча чучварани сузиб олақолай дедим. Шу десанг лаганни дастурхонга қўйишимни биламан: «Яна кўкми» деб лаганни бошидан ошириб отиб юборса бўладими? Лаган бир нимага тегиб чил-чил бўлди. Шу аснода синглинг йўлга кириб, атак-чечак қадам босиб юрган эди-я, чириллади-қолди. Ерпарчин бўлиб ётган синглингни бир парча чўғдек бағримга босдим. Жон ҳолатда юз-кўзини пайпаслайман, дегин. Бир маҳал бармоқларим қоп-қора қонга беланди. Қани энди менинг аҳволимни тушунадиган одам топилса!..

Қўшнилар чиқишди. Зорманда лаган синглингнинг бошига тегиб чил-чил бўлди деб ўйлабман. Ҳайрият, лаганнинг учунтириғи қулоғининг суприсинигина йиртиб ўтган экан, холос. Уша яра изи ҳали-ҳануз бор. Энди ўйласам бизнинг дастурхонимиз ўшанда отанг дастурхондаги неъматни бошидан ошириб улоқтирганда йиғиштирилган экан. У бир лаган чучварани эмас, ҳамма нарсани, болаларининг бахтиниям, ўзининг келажагиниям, менинг орзу-ҳавасларимниям улоқтирган экан. Мен бу гаплар билан нималар демоқчи бўлаётганимни тушуниб турибсан, ақиллигим. Одатда дастурхон ёзиш аввал боши икки ёшнинг умид билан бир ёстиққа бош қўйишидан бошланади. Юрт олдига дастурхон ёзайлик — сенинг ҳам, синглингнинг ҳам, укангнинг ҳам дастурхони ҳар доим ёзиқ бўлсин, ўғлим...

5

Бугун яна ўй ўйлаб, ўйимга етолмай юрдим, шунқорим. Гоҳ сен билан, гоҳ отанг билан, гоҳ бувинг билан, кўпроқ ўзим билан гаплашиб юрдим. Бунга бувингнинг бир оғиз сўзлари сабабчи бўлди. Ҳа, баъзан бир оғиз сўз билан одамнинг бутун хону мони ўртаниб кетади. Кеча кечқурун тўйга деб андозаланган кўрпачаларни қавиб ўтириб нима дедилар дегин:

— Қизим, бу Анваржондан сира дарак борми?

Ишхонамнинг ҳисоб-китоб ишлари билан жудаям банд эдим. Шунгами, саволларига унчалик эътибор бермай «Қайдам» дедиму, бирдан кўз олдим хиралашиб хат кўрмай қолдим.

— Ким дединг?

— Болаларингнинг отасини айтяпман, болам.

Ишонасанми, ўғлим, худди биров темирдек қўллари билан икки чаккамдан қисиб, бошимни деворга гурс-гурс ургандек бўлди. Ҳа, миямга оғриқ кириб кетди. Билмадим, афт-ангорим қай тахлитга тушди экан ўшанда. Бувинглар айтар гапни айтиб қўйдилару, аммо юзимга қарашга ботина олмадилар. Гўё ўзларини хотиржам тутиб иш билан банддек қилиб кўрсатдилар. Мен бўлсам ўз онамга, ҳа, мен учун яккаю-ёлғиз қадрдон одамга етти ёт бегонага қарагандек қараб турардим. Ахир бувинглар ўн беш йилдирки бирон марта отангнинг номини тилга олмаган эдилар-да. Унинг исми қариндош-уруғларимиз учун бамисоли ҳақоратдек эшитиларди. «Қизи қайтиб келган, бева» деган гапга фақат шу исм айбдордек. Мен бўлсам, ҳатто шунақа исмли одамлардан ҳам нафратланадиган бўлиб қолгандим. Шуни билатуриб, бувингни кўрмайсанми: «Анваржон болаларингнинг отаси»миш!

— Ҳа, нима гунг бўлиб қолдингми? — дедилар бувинг ишдан бош кўтармай.

— Сизга нимага керак бўлиб қолди? — овозим ҳам қаҳрли, ҳам заҳрли чиқди. Онамга нисбатан бу беҳурматлик эди, албатта. Ахир менинг энг оғриқ жойимга тегиб кетса нима қилай, болажоним. Қандоқ чидай. Қуриб кетгур бу яра на тузалиб тузалолмайди, на мени бир ёқлик қилмайди.

— Нима, ота фотиҳасиз қиз чиқариб, ўғил уйламоқчимисан? — Бўлмайди, йўқ, — бош чайқадилар бувинг.

— Ота бўп нима қип қўйиптики, фотиҳа беради?

— Дард! Сендан яхши биламан нима қилиб, нима қилмаганини. «Отанг тўнғиз бўп тўқайга кириб йўқолса, чақириб дуосини ол» дейишган, ахир. Минг қилсаям, ўшанинг зурриёти-ку!..

Буни қарая, болажоним, шунча йил тишимда тишлаб, бўйларингни бўйим билан тенг қилсаму, менинг фотиҳам кифоя қилмаса.

— Ҳар қанча фотиҳа бўлса сиз бор, тоғалари бор, ўзим бор, — дедим бувингга.

— Сеники ўз йўлига — онасан, жабрини тортгансан, албатта, фотиҳа берасан. Локин сеникиям, бизникиям ўз йўлига. Билмасанг, билиб қўй, фотиҳанинг лак минги отанинг битта қўл очиб «омин» деганига етмайди. Ота рози — худо рози. Мен айтдим-қўйдим, кейин армон қилиб юрма...

Оҳ, армон дейдилар-а, қарая, армонмиш-а... Ахир бутун умрим армонда, ҳасратда ўтди-ку. Яна қанақа армон, қандай ҳасратлар бор бу бошимда. Яна қанчасини кўтариш мумкин? Инсоф, раҳм-шафқат, диёнат деган нарсалар борми, бу дунёда?!

Шу куни Зуҳро ўртоғимни ўйлаб кетибман дегин. У бечора «сенинг олдингда ҳамишаликка бошим эгик» деб юради. Совчиларни отанг томондан ўша бошлаб келган эди-да. Ўзи шу томонга тушган эди. Болаликда бирга ўсдик, бирга бўлайлик деганда бояқиш. Тақдирнинг бунақасига айланиб кетишини қаттан билибди? Бувинглар нинг қистовларидан англадимки Зуҳродан отангни сўраб-суриштириб қўйишим керакка ўхшайди. Қаттанам бувинглар бу бошоғриқ гапни ўйлаб топдилар-а?!.

Эҳ, болажоним, қотмаган бошингни қотириб юбордимми? Бу бахтсизликни худонинг ўзиям тузата олмайди-ку! Бўлар иш бўлиб бўёғи синган-ку. Шундай дейманку, баъзан ўйлаб қоламан. Отангдан нимага бунчалик ўзимизни олиб қочмасак? Нима, у одам ўлдирганми? Е қароқчиларга қўшилиб кетганми? Қамалиб чиққанми? Ўшанда жавондаги қандилни олса — ўзи олиб келганини олган. Енига бошқасини қўшиб олиб чиқиб кетмаган-ку. Шундай қилса қўлимдан нима келарди? Шу пасткашликка бормади-ку, у одам.

Агарда биз бувинг айтган йўриққа юрсак «Фалончи болаларини оқ ювиб, оқ тараб, яна бунинг устига ташлаб кетган болаларининг отасидан фотиҳа олиб берибди, баракалла» деган гапни эшитмаймизми? Шу маъқулроқ эмасми? Қара-я, кўнглимнинг кўчаси — мақтовсираб қоптими? Мақтов деганлари қанақа бўлади ўзи? Оналар учун болаларини оёққа турғазиб, кўпнинг қаторига қўшишдан ортиқ мақтов борми, эркатойим!

Майли, отангни ҳам тўйларимизга айтамиз, оталик фотиҳасини берса бера қолсин. Яна ким билади, ўғлим, тўйга таклифимизни отанг қандоқ қабул қиларкин? Ҳақорат деб тушунмасмикан, ишқилиб? Сезяпсанми, бу дунёда яшашдан мураккаби, яшашдан ноқулайи йўқ экан. Худди елкадан тушириб бўлмайдиган юкка ўхшайди. Қўлга олсанг толдиради, бошга қўйсанг зирқиратади, елкага сурсанг эзади, орқаласанг қаддингни ўроқ қилади. ...Яшаш — жудаям олис, машаққатли йўл ўғлим. Бу йўлда йигит кишининг учта душмани бор. Бири — молпарастлик, мол-дунё десанг нопок йўлларга кирасан. Иккинчиси — майпарастлик. Буни таърифлаб ўтирмайман, жоним болам. Биз унинг тирик қурбонларимиз. Учинчиси... айтаман ўғлим, юзимни сидириб ташлаб бўлсаям айтаман — аёлбозлик. Бу иллат молпарастлик билан майпарастликдан урчийди ўғлим.

Битта фотиҳа сўзи ҳасрат халтамни очиб юборганини қара-я. Хатимни ўқиб, нега онам фотиҳа ҳақида олдинроқ ўйлаб кўрмаганлар, наҳотки бувимнинг эслатишларини кутганлар деб ўйламагин. Ўйлаганман, болажоним, ўйлаганман. Ўйлай-ўйлай ўйлаганларим дард бўлиб юрагимга кўмилган эди. Эсингдами?.. Ке, қўй, шундайига ҳам хатим чўзилиб кетди. Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Давомини кейинги мактубда ёзарман. Сени қучиб, сергап бўлиб қолган онанг.

(Давоми бор)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОИЛАВИЙ ЖАНГЧИЛАР

Шаҳримиздаги Дадабоева кўчасидан маҳалладаги бўлим оқсоқоли Собиржон ака иккаламиз номозгар пайти гурунглашиб кетаётганимизда, шинамгина қурилган уй атрофини чиннидек тозалаб, сув сепиб қўйилган дарвоза олдида уч-тўрт кекса кишилар чақчақлашиб турганларини кўрдик. Собиржон ака уларни менга таништира бошлади: Карим ака, Парпи ака, Йўлдош акалар — Улуғ Ватан Уруши қатнашчилари. Муслим ака Жўравой акалар эса илғор ишчи ва хизматчилардир. Буларнинг ҳаёт йўли ёш авлоднинг тарбиясига ижобий таъсир этишига аминман.

Ҳазил-мутойибаларга бой қизғин суҳбатдан кейин ҳамма кўтаринки кайфиятда уй-уйига тарқашди. Уй эгаси Парпи ака Қирғизбоевнинг ҳаёт йўли мени қизиқтириб қолди. Суҳбатни иккаламиз давом эттириш ниятида эканлигимни айтдим. Аввалига бир оз иккиланиб турди-да кейин ҳаётидаги саргузаштларини айтиб берди.

Парпи аканинг ёшлиги Тошкентнинг ўша пайтдаги энг шимолий-ғарб томонида жойлашган чегараларидан бири Закоттепа массивида (эски Калинин, ҳозирги С. Раҳимов райони) ўтган экан.

«Анча ер майдонимиз бор эди, аммо уларни суғоришда жуда қийналардик. Оғир азоб-уқубатларда ҳосил етиштирардик. Ер-сув ислоҳати бўлди. Одамлар колхозларга бирлашиб қорни бир оз бўлсада нонга тўя бошлади. Еш ўспирин бўлсамда тирикчилик ташвишида отамга хўжалик ишларининг ҳаммасида ёрдамлашардим. Кун ботгандан, то кун чиққунга қадар зимистон тун қоронғусида қамишзор ва тўқайзорлар ичида юриб 10 километрлик ариқ сувига қарардим. Шундай қилиб янги ер очдик, пахта экдик, боғу-роғлар яратдик. Олдин Сталин, кейинчалик Охунбобоев колхозига бирлашдик.

Одамларда пул оз бўлса ҳам меҳр-шафқат, диёнат кўп эди. Ўқиб билим олишга чанқоқ эдилар. Савод чиқариш, ўқимишли бўлиш менинг ҳам энг олий мақсадим, орзуим эди. Шу орзу қанотида ўрта мактабни яхши ва аъло баҳоларда тугатдим. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда адабиётга, тарихга жуда қизиқиб қолдим. Бу қизиқиш мени Тошкент Давлат педагогика институтининг тил-адабиёт факультетига етаклаб келди. Синов имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, студент ҳам бўлдим. Ўша пайтларда кўрсангиз эди қанчалар қувонганимни. Ўзимда йўқ хурсандман. Назаримда ҳаёт нуқул шодлигу-қувончлардан иборатдек туюлди. Бошқа талабаларнинг ҳам руҳи кўтаринки эди. Ҳаммамиз билимга чанқоқ ёшлар эдик. Қироатхоналар студентлардан бўшамасди. Турли-туман мушоиралар, ўйин-кулгу кечалари ўтказиларди. Бироқ ўқишни тугатиш менга насиб этмади. 1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилдим. Кейин эса уруш.

Парпи ака Украина ССРнинг Бурно (Буринь) шаҳрида маршал Тимошенко армияси сафида фашист газандаларига қарши биринчи бор жангга киради. Уларнинг қилган ваҳшийликларини эслар экан, ғазабдан титраб кетади. Уруш даҳшатларини ҳанузгача унутолмайди.

Бир оз ғазабини босиб олдида кейин бошидан ўтган воқеаларнинг баъзиларини ҳикоя қила бошлади. «Мен уч йил, уруш алангаси энг юқори кўтарилган, душман қутурган итдек ҳаммаёқни куйдириб, бостириб келаётган 1941—1942—1943 йилларда пулемётчи бўлиб, доимо олдинги чизиқларда юрдим.

Пулемётчик звенода мен «старший» эдим. 70 килограмм пулемётни 2 киши елкамизда олиб юрардик. Яна бир ўртоғимиз ўқ ва автоматларни кўтариб юрарди. Қаттиқ жангларнинг бирида пулемётнинг ғилдирак томонини олиб юрувчи андижонлик Мавлон деган ўртоғимиз душман ўқидан ҳалок бўлди. Кейин пулемётни олиб юриш ўзимга қолди. Жуда қийин эди. Аммо керакли тошнинг оғирлиги йўқ деганларидек жанг пайтлари душманни тутдек тўкардик. Краснодонда, Харьковда, Азов денгизида, Дон дарёси бўйларидаги ўрмонзорларда, ботқоқликларда шаҳар ва қишлоқларда душман билан тенгсиз жангларда қатнашдим. Краснодон шаҳридаги жангларда елкамдан яраланганимга қарамасдан пулемётдан душманга қарата ажал уруғини тинимсиз ёғдириб турдим. Бу пайтда яраланганимни ҳам ҳис қилмасдим. Чунки душманнинг ҳужумини тўхтатиш олий мақсадимиз эди.

Харьков ва Днепровск шаҳарлари ўртасидаги темир йўли ва сув йўлида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Изюм шаҳри учун бўлган жангда жуда ҳам кескин ва танг вазият юзага келди. Душман эгаллаб олган ерларни ташлаб кетгиси келмасди. Қўмондонликнинг махсус топшириғига биноан шаҳар ярим халқа шаклида ўраб олинди. Тўпчи, пулемётчилар ўз ўрнини эгалладилар. Биз ҳам энг қулай нуқтани эгаллаб, пулемётни ўрнатдик. Яшчикларда ўқларни тайёрлаб қўйдик. Учувчилар ҳаводан бомбалар ташлади, кейин замбараклар гумбирлади. Шаҳар тутун ва аланга ичида қолди. Аммо душман чекинишни хаёлига келтирмасди. Кейин қудратли танкларимиз жангга кирди. Шундан кейингина газандалар тумтарақай қоча бошладилар. Қочқинчиларни биз ўқлар билан «кутиб» олдик.

Шу жангда дайди ўқ юқори умуртқа сонимни ўмариб кетди, госпиталда хушимга келдим. Қуролдош дўстларим газандаларни муқаддас тупроғимиздан қувиб чиқарганларини даволанаётган пайтларимда эшитиб, ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Шундан кейин урушга кириш менга насиб этмади. Қаҳрамонлик кўрсатолмадим. «Оддийгина бурчимни бажардим».— дея гапини тугатди Парпи ака.

Шунча қирғин барот жанглардан омон чиққан камтарин инсоннинг уруш йўлларидан қисқагина бир парчани билдик халос. Шундай қилиб Парпи ака 1943 йилларда ҳалол меҳнат қилди. Икки ўғил, бир қизни ўзидек жасур, меҳрибон, софдил, меҳнаткаш инсонлар қилиб тарбиялади. Турғунлик йилларининг жабри кекса жангчи оиласини четлаб ўтиб кетмади. Мудофа министрининг бир хонадонда икки йигитни Афғонистонга юбормаслик тўғрисидаги махсус қарори қўпол равишда бузилди. Парпи аканинг бир эмас, учта, яъни ҳамма фарзанди Афғонистонда беҳуда юборилган жангчилар сафларида мардоновор жанг қилдилар. Яна қайсидир амалдорнинг эркатой фарзанди ўрнига Парпи аканинг жигаргўшалари кетди.

Сизларга Парпи аканинг катта фарзанди Қобилжоннинг қисқача ҳарбий хизматдаги ва кейинги таржимаи ҳолини айтиб бера қолай.

У 1978 йили Олма-ота шаҳрида ҳарбий хизматни бошлади. Шу ерда ўқиб механик ҳайдовчи гувоҳномасини олди. Кейин бир оз Душанба шаҳрида ўқув-машқ машғулотларини ўтказди. 1980 йил 1 январдан то 17 октябргача Афғонистонда жанг қилди. 1980 йилнинг 11 ойини ҳар лаҳзада маккор ўлим чанг солиши хавфи бўлган Қобул-Жалолобод йўлларида ўтказди.

Бўлинма жангчилари билан Мозори Шариф, Қундуз шаҳарларидан жангсиз ўтиб, Туликан шаҳрига кираверишимизда отишма бошланди. Душман қўшинлари тиш-тирноғигача қуролланган бўлиб, олдинга силжишимизга йўл қўймасди. 9 кеча-кундуз отишма бўлди. Бу менинг душман билан биринчи жангим эди. Албатта фақатгина киноларда менга таниш бўлган урушнинг даҳшатли манзараларини кўз ўнгингда, ҳаётда кўрсанг қўрқувдан баданларинг жунжикиб кетаркан. Бу отишмаларда энг яқин дўстим Виталий Голованов мардларча ҳалок бўлди, механик ҳайдовчимиз Василийнинг бошини душман снайперчилари танидан жудо қилди. Бу даҳшатли йўқотишдан кейин менда даҳшат ҳиссини ғазаб, нафрат эгаллади. Энди фақат дўстларим учун интиқом олиш ҳислари бор эди. Кўзимга ҳеч нарса кўринмасди, фақат ва фақат душманни қийратиш эди ниятим. Туликан шаҳрида босмачиларни яксон қилиб Жалолобод томон йўлни давом эттирдик. Яна бир даҳшатли жанг Асадободда бўлди. Бу шаҳар ҳамма томондан баланд тоғлар билан ўралган бўлиб, тоғ чўққиларига душман жойлашиб олган. Улар бизга мутлақо кўринмайди. Биз эса уларга аниқ кўринамиз. Шунинг учун бизларни бехато мўлжалга оларди. Ҳарбий жанговар техникамиз бор, аммо улар тоғларга чиқолмайди. Мана шундай машаққатли жанглар билан тоғнинг ярмигача чиқдик. Командир бир оз нафас ростлашга рухсат берди. Шу пайтда, бошида оҳари тўкилиб ранги ўчиб кетган эски салла, устида ямоқ чопон, оёғида унниқиб кетган чориқ кийган бир мункиллаган чол билан лаблари қовжираб, кўзлари киртайган, қўллари қорайиб қовжираб туршакдек бўлиб қолган увада бўз олача кўйлак кийиб олган бир кампир биз томон кела бошлади. Улар бизга, «Агар сенлар Асадободни ташлаб кетсанглар, асирга тушган қуролдош дўстларингни қўйиб юборар экан»— деб босмачиларнинг хабарини етказди. Асир дўстларимизни қутқариб қолиш ниятида дарҳол жанговар ҳолга келиб, тоғ чўққиси томон штурмни бошладик. Душманни тоғдан улоқтириб ташладик. Шаҳар ҳавфсизлигини таъминладик. Афсуски, дўстларимизни қутқаришга кечиккан эканмиз. Бизнинг тоғ чўққисига чиқиб келишимизга кўзи етган босмачилар дўстларимизни, оғиз бурунларига қайнатилган ёғ қуйиб ўлдириб кетишган экан. Бу воқеани кўриб даҳшатдан қотиб қолдим. Душманга бўлган нафратим яна ортди. Қисқаси жаҳаннамдан тирик қайтдим. Ҳарбий хизмат даврида эсдалик дафтар тутганман. Насиб этса, болаларим, набираларим даврасида бу дафтарни яна варақлаб, даҳшатли урушни эслаб юраман дея ўзининг қисқача жанговор хотираларини тугатди.

Ҳозирги кунда Қобилжон Қирғизбоев Чкалов номли самолётсозлик заводида бўлим бошлиғи бўлиб ишламоқда. Харбий хизматдан кейин шу заводда оддий ишчиликдан меҳнат фаолиятини бошлади. Тиришқоқлиги, меҳнаткашлиги ва илмга чанқоқлиги туфайли Тошкент Политехника институтининг самолётсозлик факультетининг кечки бўлимини имтиёзли диплом билан тугатди. У ерда олган билимлари ишлаб чиқаришда жуда қўл келди.

Байналминалчи жангчи Малика серғайрат, зийрак ўз ишининг моҳири. Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонасининг катта ҳамшираси.

Нодир ҳам жамиятимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Хуллас кўп ва даҳшатли қонли жанглардан омон чиққан бу оила аъзолари халққа жуда катта фойда келтирмоқда. Бу ҳовлида яна бир жангчи оила яшайди. У киши ҳам уруш жароҳатларини кўрди. Оловли 1945 йилларда қон кечди. Ўғли Анвар ҳам ҳарбий хизматни 1985—1987 йилларда Афғонистонда ўтаб келди.

Хуллас ака-ука Қирғизбоевларнинг оиласига ҳавас қилса арзийди. Ҳаммаси ҳалол меҳнатлари эвазига бахтли турмуш кечирмоқдалар.

Гўзалбек ХОЛЛИЕВ
ТошДУ ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Собиқ жангчилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

Садриддин АЙНИЙ

«Тарихи Наршахий» муаллифининг нақл этишича, Қутайба Бухорони тўртинчи дафъа забт этгач, шаҳарнинг ҳар бир оиласи ҳовлисининг ярмини арабларга бериш ҳақида фармон чиқарган. Чунки, араблар маҳаллий халқ билан бир жойда яшаб, уларни назорат қилиб туриши лозим экан. Шу авторнинг фикрига кўра, араблар ислом динига зид бирон бир хатти-ҳаракат қилган шахсларни қаттиқ жазога гирифтор қиларканлар.

Бухоро шаҳрида Олий Кашкаша отлиғ бир жамоа бўлиб, улар араблар билан бир жойда яшашни истамасдан етти юз хонадон ҳовли-жойларини рўзғор анжомлари билан арабларга ташлаб шаҳардан чиқиб кетибдилар ва ўзларига етти юзта янги уй қуриб олибдилар. Шу Олий Кашкашалар қурган қишлоқ Бухородан 4 километр шимолроқда жойлашган бўлиб, ҳозир «Коҳкашон» деб юритилади.

Аммо, бари бир Олий Кашкаша хонадонлари бу билан араблар тазъйиқидан қутула олмабдилар. Ўша муаллифнинг Ажам ва Араб ҳукмронлари томонидан Бухорони тақсимлаб олинишига бағишланган боблардаги фикрига қараганда, Қутайба Бухоро халқи ҳар йили халифага 200 минг танга ва Хуросон амирига 10 минг танга бериб туриши ҳақида фармон чиқарган. Деҳқонлар бўлса, ерларининг ярмини ҳамда деҳқончилик қуролларининг бир қисмини арабларга берishган. Бундан ташқари шаҳарда яшаётган арабларнинг пичан, сомон, ўтин ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳам деҳқонлар таъминлаб туриши шарт эди.

Бундай моддий, маънавий ва меҳнат исканжаси остида, диний ва маънавий таҳқир остида яшашга ҳеч ким тоқат қилолмасди. Шунинг учун ҳам ерли халқ исломни қабул қилган ва қилмаганликларидан қатъи назар арабларга нисбатан ғазаб ва нафрат кўзи билан қарар эдилар, араб бошлиқларининг қарор ҳамда ваъдаларига ишонмасдилар. Оқибат-натижада қатл этилишларини билган ҳолда пайт келиши билан интиқом олардилар, исён кўтарардилар.

Биз қуйида мисол учун бир неча характерли воқеаларни келтириб ўтамиз:

Биринчи воқеа шундан иборатки, Саид бинни Усмон бухорхудот хотин билан сулҳ тузиб, Самарқандга жўнамоқчи бўлиб орқадан ҳужум қилмаслик шарти учун яқин кишиларидан 80 одамни гаровга сўрайди ва сафардан қайтишда, албатта, гаровга олинганларни қайта қабул қилиб, 80 кишини гаровга беради. Аммо, Самарқандан қайтишда Саид гаровга олинганларни Амударё соҳилларидан қайтариб юбориш шарти билан бермайди. Амударё қирғоғига келгач, Бухорхудот гаровдагиларни қайтаришни сўраганда «Марвдан қайтариб юбораман» деган баҳона билан олиб кетади. Марвда эса Нишопурдан қайтараман, дейди, у ерда эса Кўфадан қайтараман, деган баҳона билан уларни Мадинага олиб кетади.

Мадинага етгач, Саид гаровдагиларнинг молмулки, либосу отларини тортиб олиб, қуллик кийимларини кийдириб, ўз ерларида ишлатади.

Гаровга олинганлар қуллик исканжасида, инсон фарзанди тоқат қила олмайдиган оғир меҳнат остида ҳалок бўлишларини билишарди. Шунинг учун улар золимдан қасос олиб ўлдиришга аҳд қиладилар. Улар бир куни Саиднинг саройига кириб, эшикларни беркитадилар ва аввал Саидни ўлдирадилар, сўнгра эса араблар қўлига тушиб хор-зорликда қатл этилишдан кўра, ўз-ўзини ўлдиришади.

Иккинчиси Язак воқеасидир. Таҳористон ҳокимзодаларидан бўлмиш Язак ислом динини қабул қилиб, арабларнинг Таҳаристонга қўйилган волийси томонидан Балхга ҳоким қилиб тайинланган эди. У Қутайбанинг Моваройуннаҳрга қилган сафарларида ҳамроҳ бўлиб, унинг барча сирларидан, умуман, арабларнинг кирдикорларидан хабардор эди. Лекин Язак мусулмон бўлиши ва Қутайбага хизмат қилиши билан унинг ичи қора эканлигини биларди. «Тарихи Табарий» муаллифининг таъкидлашича, кунлардан бир кун Язак яқин одамларидан бирига Қутайба ҳақида шундай деган: «Мен унга ишонмайман, чунки у арабнажоддир: у итга ўхшайди: урсанг вангиллайди, бирон нарса берсанг думини ликиллатади» («Тарихи Табарий», 4-жилд, 685-бет).

Язакнинг Қутайба ҳақидаги бу фикри бир воқеа билан тасдиқланади: Моваройуннаҳр сафари тугагач, Қутайбанинг рухсати билан Язак Балхга кетади. Сўнгра бу ишидан Қутайба пушаймон бўлади ва Язакни йўқотиш мақсадида қайта чақиртиради. Буни ҳис этган Язак унга қарши исён кўтариб, ўз одамлари билан тоғли Талқон ва Бағлонга жўнаб кетади. Қутайба унинг орқасидан лашкар юборади. Лекин унинг аскарлари тоғда йўл тополмай, Язакни қўлга туширолмай қайтадилар.

Қутайба ҳийла йўлини тутади. У Язакнинг яқин дўсти Салими Носеҳни омонлик ваъда қилиб унинг олдига юборади. Язак Салими Носеҳ таклифи билан Қутайбанинг олдига келади. Қутайба жиянлари Саид ва Усмон билан бирга Язакни хос навкарлари билан қўлга олади ва иккинчи куни 700 кишини ҳаммасини қатл этади.

2. МУҚАННА ИСЁНИДАН ОЛДИН ХУРОСОН ВА МОВАРОУННАҲРДА РЎЙ БЕРГАН ҚЎЗҒОЛОНЛАР

Араблар томонидан Хуросон ва Моваройуннаҳр забт этилгач, Муқанна исёнидан олдин бу сарзаминларда бир қанча қўзғолонлар, исён-ғалаёнлар ва хуружлар бўлиб ўтди. Биз қуйида улардан баъзи бирини эслатиб ўтамиз.

Ана шундай исёнлардан бири Язак исёни бўлиб, биз юқорида унинг раҳбарлари қандай ҳийла билан ўлдирилганини нақл этдик.

Язак исёни бостирилгандан сўнг Қутайба банни Муслим амирлиги замонида Хуросонда, Чағониён, Нахшаб, Кеш аҳолиси Шумон ҳокими раҳбарлиги остида исён кўтардилар. Бу исён кўп йиллар давомида арабларни саросимага солди, арабларнинг сон-саноқсиз аскарлари ўлдирилди, бир қанча лашкарбошилари қочиб кетишга мажбур бўлдилар.

Охири Қутайба Нахшаб ва Кеш қиёсини алоҳида-алоҳида бостириб, бутун кучини шумон атрофига йиғди ва шаҳарни қамал қилди. Сулҳ тузилгандан сўнггина шаҳарга кирди; у исёнчиларнигина эмас, балки бутун аҳолини қириб ташлаб, шаҳарга ўт қўйди. Самарқанд суғдиёнасининг подшоси Тархунхудот Қутайба билан сулҳ тузиб, битим пули тўлаб, жузъя топшириб туришга ваъда берганди. Аммо, араб аскарлари кетгач, халқ ҳақоратомуз битимни тан олмай, Тархунни тахтдан тушириб, унинг ўрнига Ғўрак — (Хўрак)-ни подшо қилиб тайинладилар. Халқ Ғўрак раҳбарлигида арабларга қарши исён кўтарди.

Бу исён ҳам араблар томонидан раҳмсизларча бостирилди. Араб жазо отрядлари келмасидан олдин Тархун қатл этилишини сезди. У кексайиб қолгани учун қўлига қурол олиб, душманга қарши жанг қила олмасди. Шунинг учун у араблар қўлига тушиб таққир ва ҳақорат остида ўлдирилишини истамай, ўз ҳанжарини ерга қадаб, қорни билан унинг устига ётиб, ўзини-ўзи ўлдиради.

Юқорида қайд этганимиздек, араблар мусулмонлашганлардан жузъя олмасликка қарор қилган эдилар ва шариат қонуни ҳам шуни тақозо этади. Аммо исломни қабул қилувчилар тобора кўпая бориб, халифалик хазинасига жузъядан келадиган даромад камайиб боргач, араблар ҳам диний қоидаларни бузиб, ваъдаларига хилоф тарзда мусулмонлашган ерли аҳолидан жузъя олишни бошлаб юбордилар.

Бу воқеа Хуросонда Асад бинни Абдулло амирлик қилаётган, Бухоро ва Самарқандда унинг Хоний номли вакили ҳирож ҳамда солиқ тўпловчилик вазифасини бажараётган ҳижрий 110 (мелодий 729) йилда рўй берди.

Хоний Бухоро ва Самарқандда исломни қабул қилганлардангина жузъя ундириш билан чегараланмай, балки бошқа олиқ-солиқларни ҳам йиғишда маҳаллий халқларга зуғум ўтказди. Шу сабабли халқ бош кўтарди: мусулмонлашганлар исломдан юз ўгирдилар, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона аҳолиси исён кўтариб, арабларга қарши жанг бошладилар. Араблар кетма-кет янги қўшинлар келтиравергандан сўнг исёнчилар турклардан мадад сўраб, арабларга қарши қаттиқ жанг қилдилар.

Натижада қўзғолончилар ғалаба қилиб, арабларни Пайкандгача суриб юбордилар. Аммо бу ерда арабларга янги мадад кучлари келиб қўшилди; турклар жанггоҳдан чиқиб кетдилар. Натижада исёнчилар шаҳар ва қишлоқларнинг таланиши билан бостирилди. Араблар ана шундан сўнг мусулмон бўлганлардан жузъя олишни тўхтатдилар.

Ҳижрий 119 (мелодий 737) йили Ҳатлон (Кўлоб, Балжувон, Вахш) аҳолиси исён кўтариб, хирож тўпловчи омилларни ўлдирдилар, араблар волийси қочиб қутулди.

Ўша вақтдаги Хуросон амири Асад бинни Абдулло катта лашкар билан халқни жазоламоқчи бўлиб Ҳатлонга борди. Аммо қаттиқ жангларда енгилиб, мақсадига эришмай қайтди. Асад бинни Абдулло ана шу сафардан қочиб Балхга келади ва халқ уни масхаралаб, тожик тилида унга қараб шундай дебди:

Аз Ҳатлон (шоҳ) омадия!
Ба рў табоҳ омадия!
Обор-обор омадия!
Хашанг[1] низор омадия!

(Шоҳ Ҳатлондан келибди, юзи шувит, оворабу сарсон келибди, ҳориб-чарчаб, қуп-қуруқ келибди!).

Арабларга қарши чиқиб, халқ қўзғолонларига раҳбарлик қилган маҳаллий ҳокимлар аста-секин йўқотилди; арабларга сидқидилдан хизмат қилганлари бўлса, «ҳоким» номи билан омон қолдилар.

Бухорхудот Тоғшода ислом динини қабул қилмаган бўлса ҳам, арабларга чин дилдан хизмат қиларди. Унинг босқинчиларга хушомадгўйлиги шу даражага етдики, Қутайба амирлиги замонида туғилган ўғлига Қутайба от қўйди. Араб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ҳам мусулмон бўлмаганига эътибор бермай, уни ҳурмат қилишарди. У Бухорога номигагина подшо бўлиб, хирож тўплаш ва солиқ йиғиш ишлари араб волийлари қўлида эди. Аммо бухорхудот бу ишларда волийга ёрдам бериб, халқ ҳисобидан ўз чўнтагини ҳам қаппайтирарди.

Хуросонда Асад билан Абдулло амирлик қилган вақтда бир гуруҳ бухороликлар мусулмон бўлишди. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳижрий 110 (мелодий 729) йилги қўзғолон натижасида янги мусулмон бўлганлардан жузъя олиш ман этилганди.

Шу пайт бухорохудот Тоғшода Асад бинни Абдуллога бир гуруҳ кишилар юзаки мусулмон бўлишди, аслида улар мусулмон эмас, уларнинг мақсади жузъядан қутилиб, мамлакат даромадини камайтириш ва бизга қарши исён кўтаришдир, деган маънода хат ёзди. Асад бинни Абдулло ўз омилига ана шу янги мусулмон бўлганларни тутиб Тоғшода қўлига топширишни буюриб нома ёзди. Бу мактубни олгач, омил янги мусулмон бўлганларни тутиб Тоғшодага бермоқчи бўлди. Буни эшитган янги мусулмонлар қочиб, Бухоронинг Жомеъ масжидида паноҳ топдилар. Тоғшода ўз навкарлари билан мачитга ҳужум қилиб 100 кишини ўлдирди, қолганларни асир олиб Хуросонга — Асаднинг ихтиёрига юборди. Натижада Бухорхудот Тоғшода ана шундай золимона ҳаракатлари учун маҳаллий халқ томонидан ўлдирилди. Бу воқеа қуйидагича содир бўлди:

Асад билан Абдулло вафотидан сўнг Насри Сайёр Хуросонга амир бўлиб келди. Ўша пайтлар Фарғона томонда арабларга қарши исён кўтарилганди. Наср Моваройуннаҳр томонга ўтиб, Фарғонагача бориб, исёнчиларни тор-мор этиб, Самарқандга қайтиб келди.

Бухорхудот Тоғшода ҳамда Бухоро волийси Восил бинни Умар Самарқандга — Насри Сайёрни пешвоз олишга бордилар. Улар Насрнинг ҳаймаси олдида суҳбат қуриб ўтирганда икки бухоролик пайдо бўлиб, Насрга бухорхудот устидан шикоят қилишди: у бизнинг еримизни зўрлик билан тортиб олди, Восил бўлса ҳамма бемаъни ишларда унга ёрдам беради, иковлари биргалашиб халқ мулкини мажбуран юлиб оладилар, деб арз қилишди.

Ҳар икки бухороликнинг белида ханжари бор эди. Бухорхудот иғвога тил ростлаб, Насрнинг қулоғига «булар сенинг қўлингда мусулмон бўлишган, агар исломни қабул қилганлари чин бўлса, нега сенинг ҳузурингга қуролланиб келишибди», — дейди.

Наср улардан ханжар осиб келиш сабабини сўрайди.

— Биз бухорхудотдан жонимизни сақлаш учун шундай қилдик, — дейишди улар. — Биз шунинг учун доим муасллаҳ юрамиз.

Наср ханжарларни уларнинг белидан олишни буюрди ва ўзи Восил билан шом номозини ўқишга кетди. Мусулмон бўлмагани учун бухорхудот ўз ўрнида қолди. Ҳалиги икки бухоролик ханжарларини топширгандан сўнг бир чеккага бориб туришди. Уларнинг қўйнида пичоқлари ҳам бўлиб, шу ерда волий билан бухорхудотни ўлдиришга аҳд қилган эдилар. Улар ўзлари ҳам ўлажаклигини билишарди. Лекин қасос олгандан сўнг ўлиш енгил туюларди. Улар вақт пойлаб турдилар.

Номоз ўқиб бўлингач, Наср хаймасига кириб, бухорхудотни ҳам ўша ерга даъват этди. Восил ҳали номоздан бўшамаган эди.

Бухорхудот ўрнидан туриб хайма томон йўналган эди, ҳалиги бухороликнинг бири орқасидан келиб пичоқ урди, иккинчиси эса Восил олдига етиб келиб қорнига пичоқ суқди. Восил ҳам жон талвасасида қиличини олиб қотилига солди; ҳар иккови бир вақтда жон беришди. Бухорхудот ҳам ўша захм билан тамом бўлди. (Бу тафсилот мазмуни «Тарихи Наршахий»дан олиб баён этилди.)

Иккиёқлама талон-тарож, ваҳшиёна зулм-зўрлик туфайли мамлакат харобазорга айланди, халқ қашшоқ ва ишсиз бўлиб қолди, ҳунармандчилик турғунликка юз тутди. Юқорида биз таърифлаган Байтултироз — Бухородаги машҳур ҳунармандчилик корхонаси ҳақида Наршахий қуйидагиларни ёзади: «...Шундай бир ҳолат юз бердики, мазкур корхона тўхтаб қолди, бу саноат марказини юргизиб турган кишилар тарқалиб кетишди».

Бу муҳташам, олийсифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхонанинг тўхтаб қолишининг ва ҳунармандларнинг пароканда бўлиб кетишининг сабаби солиқларнинг кўплиги ҳамда зулм-зўрликнинг ҳаддан ошишидир.

Маҳаллий халқ оммаси исёнлари араблар томонидан даҳшатли ва оммавий қирғинлар натижасида бостирилса-да, жабрдийда аҳолининг қалбида исёнкорлик тобора аланга оларди. Мана шу даврда шундай бир кучли исён кўтарилдики, у ислом оламида тарихий ўзгариш бўлишига олиб келди. Хуросон ва Моваройуннаҳрда халқнинг исёнкорлик руҳини янада ошириб юборди.

Бу хуросонлик Абомуслим хуружи бўлиб, Муқанна ҳам бу исёнда иштирок этганди. Жуда катта тарихий аҳамиятга моликлиги учун биз Абомуслим қўзғолонини алоҳида бобда ҳикоя қилишни лозим топдик.

3. АБОМУСЛИМ ХУРОСОНИЙ ҚЎЗҒОЛОНИ

Бани Умия халифалари (Умар бинни Абулазиздан ташқари) зулм ва бедодликни ҳаддан ошириб юбордилар. Уларнинг зулми араб бўлмаган халқларнингина эмас, балки кўп араб хонадонларини ҳам ёстиғини қуритди. Ана шулар замонида жаллодлиги билан шуҳрат қозонган золим Ҳажжож йигирма йил ҳукмронлик қилди; ундан олдин ҳам кейин ҳам ҳеч бир ҳукмрон халққа Ҳажжож сингари зулм ўтказган эмас. Айрим ривоятларга қараганда Ҳажжож ўз қўли билан 120 минг кишини ўлдирган экан; унинг зиндонларида нест-нобуд бўлган, унинг фармони билан ўлдирилган кишиларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳажжож вафот этганда унинг зиндонларида маҳаллий халқлардан 30 минг эркак, 20 хотин маҳбуслар азоб тортар эди. Унинг зиндонларида хона, айвон ва бошқа зарур жойлар бўлмасди. Маҳбуслар саратонда қуёш остида, қишда эса қор-ёмғир остида яшаб ўлардилар.

Албатта, бундай зулмга ҳеч ким чидай олмасди. Аслида араб бўлмаган вилоятлардагина эмас, балки араб мамлакатларининг ўзида ҳам ҳеч ким ҳукмронларга қарши оғиз оча олмасдилар. Аммо Бани Умия давлатининг охирларида — Марвон замонида бани Умия авлодлари ўртасида келишмовчиликлар, ўлдир-ўлдирлар бошланиб кетди. Бани Умия рақиблари Арабистон ва Ироқдан уларга қарши куч тўплай олмаганликлари учун Аббосийлар ишни Хуросон ва Моваройуннаҳрдан бошладилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу сарзаминлар бир гугурт чақиш билан Умавия халифаларига қарши аланга оладиган ёнилғи омборига ўхшар эди.

Халифаликка аббосийлар хонадонининг номзоди бўлмиш Имом Иброҳим ўз донийларини (ўз манфаати томон кишиларни жалб этувчи) Хуросонга юборди ва маҳаллий аҳолилар орасидан ҳам донийлар тайёрлатди. Абомуслим ана шундай донийлардан бири бўлиб, оқибатда уммавийларга қарши хуружнинг барча раҳбарларини ўз қўлига олди.

Абомуслимнинг насаб ва қиёфаси хусусида «Равзатус-сафо» муаллифи (Мирхонд) батафсил ёзиб қолдирган. Биз қуйида ана шу тафсилотнинг хулосаларини келтирамиз:

«Абомуслимнинг насаби Гударз (қадимги Эроннинг машҳур паҳлавонларидан бири)га бориб тақалади. Гударз Сиёвушга мотам тутиб, қора либос кийиб юрар ва жангдан бошқа пайт кулмасди. Абомуслим ҳам ўз исёни пайтида қора кийим кийиб юрди ва жанг маъракасидан бошқа пайт кулмасди. Унинг исми Иброҳим бўлиб, куняси Абўисҳақ, отасининг исми Муслим эди. Имом Иброҳим унга номи ва кунясини ўзгартиришни таклиф қилди чунки, Имом Иброҳим уни ўзига ҳамном бўлишини истамасди). Шунинг учун у номини Абдураҳмон, кунясини эса Абўмуслим деб ўзгартирди. Абўмуслим ўрта бўйли, буғдойранг, келишган, ширинсуҳан, кўзлари чақнаб турган, кенгшпешона одам эди. У араб ва форсий тилда гапирарди, нутқи жозибали ва таъсирли эди. Биров билан ҳазил-ҳузул қилмас, пешонаси доим буришган, юзи важоҳатли эди». («Равзатус-сафо»нинг 4-жилди, 126-саҳифасидан соддалаштириб олинди.)

«Тарихи Табарий»нинг муаллифи у ҳақда ёзади (мухтасар, хулоса тарзида): «Абўмуслим асли қул бўлиб, эгарчилик билан шуғулланарди; исми Абдураҳмон бинни Муслим (сўнгги исми) эди. У Хуросондаги бани Ажул қавми хизматида эди; ниҳоятда зийрак, хушмуомила, донишманд қул эди...» (Ўша китоб, 4-жилд, 731-бет). Ўша «Тарихи Табарий»нинг муаллифи бошқа бир жойда қуйидагича ёзади: «Абўмуслим бани Ажул қабиласининг озод этилган қулларидан эди».

Насри Сайёр Хуросон амири бўлиб турганда Хадем Кирмоний бош кўтариб, амир унга қарши жанг қиларди. Худди шу пайтда Абўмуслим ҳам хуруж бошлади. Наср бу хабарни бани Умия хонадонининг охирги халифаларидан бўлмиш Марвонга ҳамда Ироқ амири Язид ибни Умарга қуйидаги мазмунда ёзиб юборди: «...Яна бошқа бир одам пайдо бўлди, эгарчилир ўғлонларидан, унда на насл бор ва на дин, Хуросон фосиқларидан бир гуруҳи унинг атрофига тўпланишган». («Тарихи Табарий», 6-жилд, 732-бет). Биринчи манбалардан ва бевосита Абўмуслим шоҳидларидан (Насри Сайёр тилидан) келтирилган ушбу далиллар шуни кўрсатадики, Абўмуслим форстожиклар авлодидан бўлиб, араб қабилаларидан бирининг қули эди, касби эгарчилик эди. У ўз исёнида Хуросон ва Моваруннаҳрнинг маҳаллий аҳолисига суянар, улар араблардан қаттиқ зада бўлган жанговар ва шижоатли одамлар эди. Юқорида қайд этганимиздек, Насри Сайёр Абўмуслим атрофида жам бўлган халқни «Хуросон фосиқлари» деб атаган.

Хуросоннинг қуйи табақа аҳолисидан бўлган Абўмуслим араблар зулмини ўзи ҳам тортган эди. Қулликдан озод этилган бўлса ҳам, у ҳамон бани Ажулга хизмат қиларди, эгарчиликдан топадиган даромадини уларга топширарди. Хуросон ва Моваройуннаҳр халқига араблар томонидан ўтказилаётган зулм-зўрликни ўзи ҳис этар, мансабдорларнинг бебошлигини ўз кўзи билан кўрарди. Шунинг учун ҳам йигитлигиданоқ у арабларга қарши исён кўтаришга аҳд қилганди.

Аббосийларнинг донийлари Хуросонда иш бошлаган кезларда Абўмуслим улар билан алоқа ўрнатди ва уларга қўшилиб Маккага бориб, Имом Иброҳимнинг отаси Муҳаммад бинни Али билан танишди. Абўмуслимдаги фавқулодда қобилиятни кўрган Муҳаммад бинни Али шундай деди: «... Унинг яхши (ақлли) қуллардан эканини кўриб турибман. У бизнинг одамлардан бўлади, деб умид қиламан, бани Умиянинг иши кўп чўзилиб кетди» («Тарихи Табарий», 6-жилд, 731-бет).

Муҳаммад бинни Али вафотидан сўнг унинг ўғли Имом Иброҳим Абўмуслимнинг қобилиятини сезиб, Хуросон ишини унга топширди. Аммо Хуросондаги бошқа донийлар унинг бу қарорига қўшилишмади ва Маккага Имом Иброҳим ҳузурига бордилар. Абўмуслим ҳам улар билан ҳамроҳ эди. «Равзатус-сафо» муаллифининг ёзишича, Иброҳим Имом Хуросоннинг ишини яна Абўмуслимга топшириб, деди: «Араб тилида гапирадиган бирон кишини Хуросонда тирик қолдирма, Сулаймон бинни Кесирга ҳурмат ва эҳтиром билан қара, унга ҳеч ҳам қаршилик кўрсатма» («Равзатус-сафо», 3-жилд, 126-бет). Мазкур китобнинг шу саҳифасида уқтирилишича, ўша вақтда Абўмуслим 19 ёшда бўлган.

Аммо Абўмуслим бу ниятини фаолиятининг дастлабки босқичидаёқ амалга ошира олмасди, чунки ҳамма ёқда араблар илдиз отиб кетганди. Шунинг учун ҳам бир араб хонадони ёнини олиб, ҳокимият тепасида илдиз отган иккинчисини мажақлаб ташлаш, шу йўлда кенг халқ оммасини ўзига эргаштира олиш осонроқ эди. Шундай қилиб арабларнинг кучи иккига бўлиниб кетиб, бири иккинчисини уриб енгишга интилар, ана шундай пайтда Абўмуслимнинг асосий мақсадини амалга ошириш мумкин бўларди. Қисқа ва содда қилиб айтадиган бўлсак, Абўмуслимнинг бош мақсади Хуросон ва Моваройуннаҳрда бир мустақил миллий давлатни ташкил этиш эди.

Имом Иброҳим ҳам Абўмуслимнинг бу мақсадини сезганди, аммо у Хуросон ва Моваруннаҳрнинг жанговар ва исёнкор аҳолисидан фойдаланиш Абўмуслимдан бошқа кишининг қўлидан келмасди. Моваройуннаҳр ва Хуросонда ҳаракат қилаётган донийларининг аксарияти араб бўлиб, маҳаллий аҳоли уларга нафрат билан, ҳеч бўлмаса ишонқирамай қарарди. Мана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, Иброҳим Имом 19 яшар Абўмуслимга Хуросон ишини топширди. Бу билан у ҳам ўзининг меҳрини қозониш ҳамда Хуросон ва Моваройуннаҳрнинг маҳаллий халқининг муҳаббатини қозонишни кўзлаб, Абўмуслимга «Хуросонда араб тилини биладиган бирон кишини тирик қолдирмайсан» деб тайинлади.

Имом Иброҳимнинг бу таълимоти унинг мунофиқлигини кўрсатади. Аслида у Хуросону Моваройуннаҳрда араб наслининг қирилиб кетишини истамасди, бундай ҳолатда ҳокимият Аббосийлар қўлига эмас, балки маҳаллий халқлар қўлига ўтиб кетиши муқаррар эди. Аммо, юқорида таъкидланганидек, у Абўмуслим ва маҳаллий халқнинг арабларга душманлиги ҳиссиётидан ҳам ўз мақсадини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқчи бўлди.

Шунинг учун ҳам у мунофиқона таълимоти охирида Абўмуслимга: «Сулаймон бинни Косирга дахл қилмагин» деб тайинлаган эди. (Изоҳлар: «Тарихи Табарий» — машҳур олим Абўжафар Муҳаммад Табарийнинг (839—923) бизгача тўлиқ етиб келган ягона асари. «Тарихи Наршахий» — Абўбакр Муҳаммад ибни Наршахийнинг асари бўлиб, 943—944-йилларда ёзилган. «Равзатус-сафо» — «Софлик боғи» — Муҳаммад ибни Хованд шоҳнинг—Мирхонднинг (1433—1498) 7 жилдлик асари бўлиб, 7-жилдини невараси Хондамир ёзиб тугатган).

Сулаймон бинни Косир бўлиб, Аббосийнинг Хуросондаги улуғ донийларидан бири эди. У арабларнинг оммавий қирғинига рози эмасди. Агар Абўмуслим Иброҳим Имомнинг таълимотига кўра арабкушлик қила бошласа, Сулаймон бинни Косир қаршилик кўрсатарди. Абўмуслим унинг гапига қулоқ солмаса, унга қаршилик кўрсатган бўларди. Натижада биринчи топшириқнинг моҳиятини иккинчи буйруқ ўз-ўзидан инкор этарди.

(Давоми бор)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАРРОҲ ТАМАРА ОПА

Жарроҳ...

Тўғрисини айтсам, бу сўзни тилга олганда яқин-яқингача вужудим жимирлаб кетарди. Ахир улар баданга тиғ текизишади-да. Ўзимнинг жарроҳга ишим тушгани йўқ. Лекин хонадонимиздан бир киши оғир дардга йўлиқиб, жарроҳ маҳорати туфайли дарддан халос бўлди. Энди мен учун жарроҳлардан ҳам улуғ киши йўқ. Шунинг учун жарроҳ билан ҳамсуҳбат бўлишга қарор қилдим.

Суҳбатдошим Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси жарроҳи Тамара Николаевна Куликова. Олдиндан айтиб қўяй, яқин одамимизни операция қилган жарроҳ Тамара Николаевна эмас, йўқ бошқа. Лекин Тамара опа ҳам менга ўхшаган минг-минглаб кишиларга қувонч бахш этган-да.

— Тамара опа сиз нима учун жарроҳликни танлагансиз?

— Жарроҳлик медицинанинг энг қийин соҳаси. Жарроҳлар зудлик билан ўйлаши, мулоҳаза қилиши ва бор билимини, чора-тадбирни ишга солиши керак. Беморнинг ҳаёти гоҳо қил устида турган бўлади-да. Ўрни келиб қолди, бир мисол келтирай: ҳали-ҳали эсимда, бундан анча олдин кўкрак қафасининг чап томони пичоқ билан қаттиқ жароҳатланган беморни олиб келишди. Унинг юрак уриши сезилмас эди. Кўкрак қафасини наркозсиз очдим. Юракни ўраб турадиган ёпиқ халтасимон тузилма — перикардда кўп миқдорда қон бор экан. Уни ҳам очганимдан сўнг қон отилиб чиқди. Кейин юракни очиқ массаж қилдим, ниҳоят юрак фаолияти тикланди. Ана шундан сўнг ярага малҳам қўйдик. Бемор тузалиб чиқиб кетди. Лекин у ҳаёти қил устида қолганлигидан бехабар эди.

— Солдат бўлиб туғилмайдилар, деган гап бор. Буни бир оз ўзгартириб, врач бўлиб туғилмайдилар, деб айтиш мумкин. Шундай экан энди ўзингиз билан таништирсангиз. Қаерда ўқигансиз, қаерларда ишлагансиз?

Тамара Николаевна Куликова



Тамара опа иш устида

— 1961 йилда Душанбе Давлат Медицина институтини тугатганман. Қозоғистонга йўлланма беришди. Арис станциясидаги кичкина шифохонада ишлай бошладим. Дастлаб жуда қийналдим. Бу ерда фақат икки кишигина ишлардик. Мен ва медицина ҳамшираси. Институтда олган билимимни бир ўзим ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, ҳеч кимнинг ёрдамига суянмай синаб кўришим керак эди. Бу мени жуда чўчитди. Чунки ҳали аниқ диагноз қўйишни ҳам тузукроқ эплолмасдим, мустақил операция қилиш эса...

Дастлаб нима қилишни билмай довдираб қолдим. Кейин медицинага оид китобларга мурожаат қилдим, журналларда эълон қилинган мақолалардан фойдаландим. Бу менга катта ёрдам берди ва биринчи операцияни бошлашга журъат қилдим.

Биринчи операция қилган беморимнинг аҳволи оғир, қорин бўшлиғи жароҳатланган, жигари шикаст еган эди. Ўшанда операция муваффақиятли ўтганидан қувончдан бошим осмонга етган эди. Билимимга ишончим ортиб, ишга қаттиқ киришиб кетдим. Яна менинг суянчиқларим китоблар бўлиб қолди.

Арис станциясида уч йил ишладим. Кейин Тошкентга келдим. Мана шу касалхонада ишлаётганимга ҳам 25 йил бўлди. Иккита фарзандим бор. Катта ўғлим Серёжа граждан авиациясида ўқияпти, қизим Наташа эса ҳали ўқувчи. У ҳам мактабни тугатгач врач бўлмоқчи.

— Демак, бу касбни танлаганингиздан ўкинмайсиз?

— Албатта. Сира ўкинмайман. Тўғри, ишимиз осон эмас. Кўпроқ юрак ютиб ишлашга тўғри келади. Кечалари навбатчиликда мижжа қоқмай чиқамиз, узу-кун оғир аҳволда ётган бемор қошида бўлишимиз мумкин. Йўқ, барибир мен ўкинмайман. Ким билади, дейсиз, балки ўрганиб кетгандирман. Балки фронтда ҳалок бўлган отам врач бўлишимни орзу қилгани учундир...

— Ўзбекистонда болалар ўлими кўп эканлиги кўпчиликни ташвишлантирмоқда. Мана, сиз врачсиз, айтинг-чи, бу муаммони қандай қилиб ҳал қилиш мумкин?

— Ҳа, бу муаммо ҳозир жуда ўткир бўлиб турибди. Бунинг сабаблари кўп. Масалан, аёлларимиз оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланишади. Биринчидан, бу уларнинг саломатликларига путур етказади, иккинчидан нимжон, носоғлом фарзандлар туғилишига сабаб бўлади. Яна бир томони аёллар декрет отпускасини уч йилгача узайтириш лозим деб ўйлайман. Чунки жуда ёш боғчага берилган бола тез-тез касалга чалинади, натижада нимжон бўлиб қолади.

Ундан ташқари республикамизда 18 минг врач етишмас экан. Врач кадрлар сонини кўпайтириш керак.

Бу муаммонинг ҳам бир учи экология масалаларига бориб тақалади. Демак, социал экология масалаларини муваффақиятли ҳал қила олсак, бу муаммони бартараф этиш мумкин.

— Ҳозир врачларнинг малакаси пасайиб кетди деган гапларни тез-тез эшитамиз. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Врач беморнинг ҳолатига қараб нима зарур бўлса барини қилиши шарт. Агар бемор муолажадан норози экан, демак, шифокор қўлидан келиши керак бўлган ҳамма имкониятни ишга солмаган. Мен ёш, тажрибасиз врачларнинг кўпроқ ўқиб ўрганишга вақтларини аямасликларини истардим. Кўпинча беморлар врачларнинг қўполликларидан ранжийдилар. Бу — касбга хиёнат. Бу нохушликларнинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Турғунлик йилларида медицина олий ўқув юртларида танишбилишчилик кучайди. Оқибатда ўқув юртларига тасодифий одамлар ҳам кириб қолди. Ана ўшалар энди врач деган номга доғ туширишяпти.

— Тамара опа, энди устоз ва шогирдларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Улар жуда кўп... Қайси бирини айтай? Келинг, яхшиси бирга ёнма-ён ишлаганларимдан айримларини айта қолай. Масалан, профессор Жовдат Каримов, доцент Бойматов, ассисент Жўраев. Маъмур Нурмуҳамедов, Ким Артурларни эса энг яхши шогирдларимдан деб айтишим мумкин.

Биз ҳамкасблар ҳамиша бир-биримиздан ўрганамиз.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!

— Раҳмат! Журналхонларга саломатлик тилайман!

Суҳбатдош Мақсуда ҲАКИМОВА.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОННИ ТАЙЛЕР

Биз композициялари турли вақтларда Америка журнали «Биллборд»нинг халқаро хит-парадининг турли поғоналаридан ўрин олган музикачилар ҳақида ҳикоямизни давом эттирамиз.

Бу галги ҳикоямиз Бонни Тайлер ҳақида. У 1953 йил 8 июнда жанубий Уэльснинг (Буюк Британия) унча катта бўлмаган Скивен шаҳарчасида туғилди. Ака ва опаларидек «Битлз», «Дейв Кларк Файв», «Свингующих Блу Жинз» қўшиқларини тинглашни яхши кўрарди, лекин айниқса негрларнинг «Мотаун» фирмасида ёзилган қўшиқларни ардоқларди.

Бонни Тайлернинг таланти у 17 ёшга тўлганда юзага чиқди. Бу пайтда у тунги клубларнинг бирида қўшиқ айта бошлаган бўлиб, у ерда пулни беҳудага тўлашмасди. Бир ярим йилдан сўнг зўриқтириш орқасида овозини йўқотди ва фақат 1976 йилда операциядан сўнг тиклашга муваффақ бўлди. Лекин энди унинг овози бошқача жаранглади: аёлларга хос ёқимли бўғиқ товуш пайдо бўлганди. Шу товуш туфайли у жуда кўп рок-қўшиқчилар орасида ажралиб турарди. Шундай қилиб, овозининг йўқотилиши унинг учун фожиа бўлмай муваффақият йўлида қўйилган биринчи қадам бўлди.

Свэнси шаҳридаги «шаҳар эркаклар клуби»даги чиқишларининг бирида Роини Скотт ва Стива Вольф каби менеджерларнинг эътиборини ўзига тортди. Улар «Лост ин Френс» композициясини ёздиришни таклиф қилишди.

1976 йилда Бонни Британиядаги хит-парадда энг яхши ўнликдан жой олди, бир йилдан сўнг тўртинчи ўринга кўтарилди ва «Ас-Си-Эй» Америка фирмасига қўшиқ ёздириш учун таклиф қилинди.

Скотт ва Вольф билан тузилган контракти 1981 йилгача давом этди. «Керранг» журналига берган интервьюсида Бонни Тайлер шундай ҳикоя қилади: «Улар билан бўлган битимга имзо қўйгунга қадар, ўзимнинг ансамблим бўлиб у «Маблз» деб аталарди. Биз Чакки хан, «Руфус» ва Тини Тернер услубида музикалар ижро этар эдик. Лекин Скотт билан Вольф менинг фақат «Кантри»ни куйлашимни истардилар, чунки улар ўз навбатида Нэшвилдаги музикали ярмарка билан контракт тузилган эди. Нэшвилни эса барча услуб отаси сифатида биладилар. Таклиф қилинган қўшиқларнинг айримлари менга ёққани учун уларни қабул қилдим, аммо икки йил ишлаганим ва бир-икки муваффақиятсизликлардан сўнг куйлашга юрак дов бермади. Контракт муддати охирига етгач, мен уни янгиламасликка қарор қилдим.

Эркин бўлиб олгач Бонни навбатдаги битимни имзолашга ошиқмади. Жим Стейнман Боннига ўзининг «Қалбнинг чуқур безовталаниши» деган қўшиғини таклиф қилди. Таклиф қилар экан, қўшиқ маъқул тушмаса ихтиёр ўзида эканлигини ўша заҳоти айтди. Бонни розилик билдирди ва Стейнман қўшиғини ёздириш учун кучли музикачиларни танлаб олди: гитарачи Рик Деррингер, иккинчи овоз — Додд, клавиш-рой Биттэн ва зарбли асбоблар устаси Макс Вайнберг (иккаласи ҳам Брюсс Спрингстин группасидан).

«Қалбнинг чуқур безовталаниши» Қўшма қиролликда биринчи ўринни олди ва Бонни Тайлер биринчи рок-хоним бўлиб, хит-параднинг энг чўққисига кўтарилди.

Бир неча ойлардан сўнг «Каламбиа» фирмаси бу қўшиқларни Америка бозорига чиқарди, бир мунча вақтдан сўнг «Қалбнинг чуқур безовталаниши» хит-параднинг поғоналари бўйлаб дадил парвоз қилди ва «Биллборд» даги юзта энг яхши қўшиқ орасида биринчи ўринни олди. Бу воқеа бундан олти йил муқаддам, 1983 йил 1 октябрда юз берди.

Элтон Жоннинг кўз ойнаклар коллекцияси 50 минг нусхадан зиёд. Қўлимизга бу ҳақдаги суратлар тушиши билан сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилишга ошиқдик.

Шундай қилиб британиялик клавишчи Элтон Жон ва унинг машҳур кўз ойнаклари!

ТАНИШИНГ, «УР ЛАЙТ»

Шу йил, 12 майда Марказий телевидениеда зўр воқеа юз берди. Журналистлар туфайли телетомошабинлар «Ун олти ёшлилар ва улардан катталар» программасида «Ур лайт» норасмий яъни қўлбола нашр ижтимоий-музикавий журнал редакцияси билан танишдилар. Бу журнални «Комсомольская правда» газетаси бир неча марта танқид қилган ва лекин шунга қарамай «Собеседник» уни ёқлаб чиққан эди. Сал олдинроқ ўша «Комсомольская правда» газетасида бир эълон босилиб, унда Москва подвалларидаги заҳматкашлар олдига Болтиқбўйилик норасмий группалар вакиллари келишди ва журналини ўзларининг полиграфия бюросида чоп этишди. Бунинг натижасида «Ур лайт» қўлбола нашрликдан чиқиб «Юность» журналиникига ўхшаган қиёфа олди, лекин ўзининг аввалги анъаналарини сақлаб қолди, дейилган эди.

«Ур лайт»нинг 5-сонида — у ҳозир менинг столим устида турибди,— 141 бет, суратлари кўп. Журналнинг услуби анча эркин, хатто тор доираларда ишлатиладиган сўзлар ҳам йўқ эмас.

Хуллас, унинг бутун қадди-бастини кўриш мумкин. Мени айниқса, Ленинградда чиқадиган «РИО» («Рекламно-информационное обозрение») журналининг бош редактори Андрей Бурлака билан суҳбат жуда хурсанд қилди. Сизларни ҳам шу суҳбатнинг бир парчаси билан таништирмоқчиман, зеро унда рок мухлисларини безовта қилаётган мавзу тилга олинади.

— Бизнинг музикачиларимиз ўзларига керак бўладиган одамлар доираси ҳажмини жуда ошириб юбораяпти. Илгари улар рок-клубларда концерт берардилар. Кейин давра ярим зиёли киборлар ҳисобига анча кенгайди. Энди эса улар ўзларининг ҳордиқларини чиқаришни талаб қилувчилар учун концерт беришга мажбур бўлишяпти. Бундайларга ким қўшиқ айтаётганининг фарқи йўқ: Макарми Макар, Леонтьевми Леонтьев, Гребинми Гребень, барибир, дам олишса бўлди. Бизнинг рок-музикачиларимиз бўлса уларга рок-клуб томошабинларига қарагандай қарашяпти. Кенг томошабинлар ҳадемай ўз эҳтиёжларини чеклолмай қолдилар, рокдан айниб янги эстрадага майл қўйишади. Янги эстраданинг бир қисми собиқ рок бўлса, бир қисми эса магнитофон ёзувлари, яна бир қисми «қайта қурилган» ансамблар: «Поющие сердца», «Ария» — «Мастер»лар бўлади. Худди мана шу рок-музиканинг мухлисларини тортиб олади. Ҳозирча эски тўлқинда яшаш мумкин, лекин ҳадемай рақобатчиларда янги, сифатли ёзувлар, турли-туман дам олиш программалари, эшиттиришлар, видео, концерт программалар дунёга келади. Томошабинлар оммаси эса ўзини худди шу ёққа уради, чунки бу ерда ҳордиқ чиқаришни ўрнига қўяди-да.

А. ПОПОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНИҚ ФАНЛАР



1. Икки хонали соннинг шу сон рақамларини тескари тартибда ёзиб тузилган сон билан йиғиндиси натурал соннинг квадратига тенг. Барча шундай икки хонали сонларни топинг.

2. Н натурал сонининг олтинчи даража еттита 2, 4, 5, 8, 8, 9, 9 рақамлар билан ёзилган. Н сонини топинг.

3. Ихтиёрий тўртбурчак томонларининг ўрталари параллелограммнинг учлари бўлишини исбот қилинг.

4. Параллелограммнинг томонлари уч мартадан узайтириб, давом эттирилган. Унинг юзи неча марта ошган?

5. Тенгламани бутун сонларда ечинг:

$$X^5Y = XY^5 + 1989$$

6. 1989 та телефон аппаратларининг ҳар бирини тўппа-тўғри 11 та бошқа телефон аппаратлари билан бирлашадиган қилиб улаш мумкинми?

7. Агар а, в, с лар бирдан фарқли мусбат сонлар бўлиб $a^x = bc$, $b^y = ca$, $c^z = ab$ бўлса, у ҳолда

$$XYZ = X + Y + Z + 2$$

бўлишини исбот қилинг.

8. 1989 й. сонини кетма-кет келувчи натурал сонларнинг йиғиндиси шаклида нечта усулда ифодалаш мумкин?

Физика:

1. Қайиқ сув сатҳидан h=6 м баландда жойлашган цилиндрик барабанга Y=1 м/с ўзгармас тезлик билан ўралаётган арқон ёрдамида кўлнинг қирғоғи томонга тортилаяпти (расм. қ.) v қайиқ тезлигининг L арқон узунлигига боғланишини топинг? Хусусан, қайиқнинг l=10 м бўлган пайтдаги тезлигини ва бу вазиятлардан f=1 с вақт давомида силжийдиган масофани аниқланг.

2. Суткасининг узунлиги t=6 с бўлган планетанинг ўртача зичлиги р ни аниқланг. Пуржинали тарози планета экваторида қутубдагидан 10% камроқ оғирликни кўрсатади.

3. Поршенли насос билан v=4 л ҳажмли баллондан ҳавоси сўриб олинмоқда. Поршеннинг ҳар бир юришида баллондаги босим П=1,2 марта камаяди. Насос сўриш камерасининг v_5 ҳажмини аниқланг.

4. Радиуслари ва оғирликлари бирдай бўлган икки шарча ҳавода уларнинг сиртлари бир-бирига тегиб турадиган қилиб ипга осилган. Ҳар бир шарчага g=0,4 мккл. катталикдаги заряд берилганда шарчалар бир-биридан 22=60° бурчакка узоқлашган. Осилиш нуқтасидан шарчанинг марказигача бўлган масофа l=0,2 м бўлса, шарчаларнинг массасини аниқланг.

5. Узунлиги l=0,2 ва массаси m=5 г бўлган тўғри АВ ўтказгич (расм. қ) бир жинсли магнит



майдонга ингичка енгил ОА ва ОВ иплар билан осиб қўйилган. Магнит майдоннинг магнит индукцияси В=49 мтл бўлиб, ўтказгичга перпендикулярдир. Иплардан бири узилиши учун ўтказгич орқали қандай катталикдаги ток ўтказиш керак? Ҳар бир ип р=39,2 мН дан ортиқ нагрузкага узилади.

Химия

1. Номерланган 7 та пробиркада алоҳида-алоҳида қуйидаги моддалар берилган: кальций нитрат, магний сульфат, натрий гидроксид, алюминий сульфат, калий фосфат, натрий сульфид ва мис (П) хлорид эритмалари.

Бошқа реактивлардан фойдаланмаган ҳолда берилган моддаларни аниқлаш планини тузинг.

2. Концентрацияси 11,2% ли калий ишқор эритмаси масса улуши 0,245 бўлган сульфат кислотасининг эритмаси билан тўлиқ нейтрланди. Ҳосил бўлган янги эритманинг процент концентрациясини аниқланг.

3. Водород хлорид билан водород бромид аралашмасини сув орқали ўтказилганда таркибида массалари жиҳатдан тенг бўлган хлорид кислота-лар тутган аралашма ҳосил бўлган.

Дастлабки газлар аралашмасида компонентларнинг ҳажмий нисбатларини ҳисобланг.

4. Иккита аралашма берилган. Уларнинг бирида оксидланиш даражаси иккига тенг бўлган металлардан иккитасининг тенг оғирликдаги миқдори, иккинчисида эса — шу металларнинг оксидларининг тенг массадаги аралашмаси берилган. Биринчи аралашмадаги металларнинг моль миқдорлар йиғиндиси иккинчи аралашмадаги оксидларнинг умумий моль миқдорлар йиғиндисига тенг. Маълум бўлишича, оксидлар аралашмасининг массаси металлар аралашмасининг массасидан 1,21 марта оғир.

Агар металларнинг атом массалари нисбати 2,8 га тенг бўлса, металларни аниқланг.

5. Молекулалари чизиқли тузилишга эга бўлган бинар (иккита элементдан ташкил топган) бирикма таркибида масса бўйича 47,0% кислород бор.

Бу моддани таркибида 61,5% кислород тутган кислотадан термик процесс ёрдамида икки молекула сувни чиқариб юбориш натижасида олиш мумкин.

Қайси модда тўғрисида сўз боради? Бинар бирикманинг структур формуласини ва уни синтез қилиш схемасини ёзинг.

Химиядан 2 тур жавоблари («Ёш куч», 1988, № 10)

1. Масала шартига биноан Х газининг молекуляр массаси 1,96 · 22,4=44 бўлиб, бу модда CO_2 ёки N_2O бўлиши мумкин. Шу газ билан реакцияга киришувчи модда А қайтарувчи металл бўлиши керак, чунки у AB_3 моддаси таркибида туз ҳосил қилувчи элемент ролини ўйнайди. Охирги бирикмада элемент В кислород бўлиши керак. Шундай экан, унинг шундай бирикмаларда оксидланиш даражаси — 2 га тенг бўлади. Хулоса қилиб айтганда бирикма АВ да А металл икки валентли металл, BB_2 да Б тўрт валентли бўлар экан. Шу мулоҳазалар тўғри эканлиги A_2B да А — икки валентли, Б эса 4 валентли бўлишидан келиб чиқади. Хулоса қилиб айтганда, элемент А ҳам водород билан Г модда, Х (CO_2 ёки N_2O) билан реакцияга киришиб кислородли бирикма ҳосил қилиши, унинг актив металлик хоссаси борлигидан дарак беради. Агар шу элемент Mg деб қабул қилсак у вақтда бирикма Г магний гидрид — MgH_2, АВ бирикма эса MgO бўлади. Шундай экан, водород билан Д ва Е ларни ҳосил қиладиган элемент кислород бўлиши мумкин:

$O_2 + 2H_2 = 2H_2O$ (Д) ва

$O_2 + H_2 = H_2O_2$ (Е)

Шу маълумотлардан кислород ва магнийларнинг молекуляр массалари 8:6 нисбатида эканлигини эсга олиб, учинчи элемент массаси 28 бўлиши керак деган натижага келамиз. Бу элемент 4-группадаги кремний элементи бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, А — Mg, Б — Si ва В — О экан, тегишли реакция тенгламалари қуйидагича бўлади:

$Mg + H_2 = MgH_2$ (Г), $2Mg + O_2 = 2MgO$

$2Mg + Si = Mg_2Si$

$Si + O_2 = SiO_2$ $AБB_5$ эса $MgSiO_5$ бўлади.

2. Галоидводород кислоталарнинг оксидловчилик хоссалари йўқ, уларга хос бўлган қайтарувчилик хосса HF — HCL — HBrHУ қаторида сезиларли даражада кучайиб боради.

Концентрланган сульфат кислотада оксидланиш даражаси +6 бўлган олтингугурт яхши оксидловчилик хоссасига эга, лекин у HC1 ни оксидлай олмайди, HBr ва H1 ни осон оксидлай олади:

$2KJ + 2H_2SO_4 = J_2 + SO^2 + 2H_2O + K_2SO_4$.

Шу сабабли шундай реакцияларда кутилган HL ёки HBr ўрнига бошқа маҳсулотлар ҳосил бўлади.

3. Юқори температурада концентрланган сульфат кислотасидаги сульфат иони оксидловчи сифатида иштирок этади:

$Cu + 2H_2SO_4 = CuSO_4 + SO_2 + 2H_2O$

Суюлтирилган сульфат кислотасидаги водород иони оксидловчи ролини бундай пассив металларга нисбатан бажара олмайди, лекин ҳаво кислороди бундай ҳолларда оксидловчилик ролини ўйнайди:

$2Cu + 2H_2SO_4 + O_2 = 2CuSO_4 + 2H_2O$

Эритмада темир купороси бўлганда қуйидаги процесслар содир бўлади:

$4FeSO_4 + 2H_2SO_4 + O_2 = 2Fe(SO_4)_3 + 2H_2O$

$Fe_2(SO_4)_3 + Cu = CuSO_4 + 2FeSO_4$

Ҳосил бўлган $FeSO_4$ яна юқоридаги реакция тенгламаси бўйича қайтадан реакцияда қатнашади. Демак, Fe^{2+} иони бу реакцияда катализатор-лик ролини $Fe_2(SO_4)_3$ эса оралиқ актив модда ролини ўйнар экан.

4. Бу масалани рационал ечиш учун моддалар орасидаги алмашиниш реакциясидан фойдаланиб қуйидаги жадвални тузамиз:

Жадвалдаги 3 ва 4-чи қаторлардаги натижа пробиркаларнинг бирида Na_2SO_3 ва иккинчисида $Ba(OH)_2$ ни топиб олишга имкон беради. Бу моддалар ёрдамида 1 ва 2-чи пробиркадаги моддаларни аниқлаш мумкин. Бунинг учун $Ba(OH)_2$ тутган пробиркадан 1 ва 2 пробиркадаги суюқликлар устига томчилатиб реакция учун етарли бўлмаган миқдорда қуйилади ва ҳосил бўлган чўкмалар фильтрланиб олинади. Иккала фильтратга алоҳида-алоҳида NA_2SO_3 эритмасидан қуйилади. Агар эритмага ортиқча миқдорда $Ba(OH)_2$ қўшилган бўлмаса $Mg(NO_3)_2$ бўлган пробиркада яна оқ чўкма ҳосил бўлишини кузатилади. Иккинчи пробиркада бундай чўкма ҳосил бўлмайди. Тегишли реакция тенгламалари:

$Mg(NO_3)_2 + Ba(OH)_2 = Mg(OH)_2 + Ba(NO_3)_2$

$H_3PO_4 + 3BA(OH)_2 = Ba_3(PO_4)_2 + 6H_2O$

5. Углеводород ёниши натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлардан углерод ва водород миқдорларини аниқлаймиз:

$m_c = 1{,}12 \cdot 12 : 22{,}4 = 0{,}6$ (г)

$m_н = 0{,}72 \cdot 2 : 18 = 0{,}08$ (г)

Углеводороднинг оддий формуласи C_xH_y учун $x : y = 0{,}6/_{12} : 0{,}08/_1 = 0{,}05 : 0{,}08 = 5 : 8$. Демак, углеводород формуласи C_5H_8 бўлади.

Бу модда учун мумкин бўлган назарий изомерлари қуйидагича бўлади:

1. $CH_2=CH-CH=CH-CH_3$ пентадиен — 1,3 (бу формулага иккита геометрик изомерлар — цис — ва транс изомерлар тўғри келади).
2. $CH_2=CH-CH_2-CH=CH_2$ пентадиен — 1,4
3. $CH_3-C\equiv C-CH_2-CH_3$ пентин — 2
4. $CH\equiv C-CH_2-CH_2-CH_3$ пентин — 1
5. $CH_2=C=CH-CH_2-CH_3$ пентадиен — 1,2

6. $CH_3-C(CH_3)=CH_2$ 2-МЕТИЛБУТАДИЕН-2,3

7. $CH_2=C(CH_3)-CH=CH_2$ 2-МЕТИЛБУТАДИЕН-1,3

8. $CH_3-CH(CH_3)-C\equiv CH$ 2-МЕТИЛБУТИН-3

9. HC=CH ЦИКЛОПЕНТЕН

10. 1-МЕТИЛЦИКЛОБУТЕН-2

11. 2-МЕТИЛЦИКЛОБУТЕН-1

12. $H_3C-C(CH_3)=CH_2$ 1,1-ДИМЕТИЛЦИКЛОПРОПЕН-2

13. $H_3C-CH(CH_3)-CH$ 1,2-ДИМЕТИЛЦИКЛОПРОПЕН-2

14. $CH_3-C(CH_3)=CH-CH_3$ 1,3-ДИМЕТИЛЦИКЛОПРОПЕН-1

15. $CH_2(CH_3)-CH=CH$ 1-ЭТИЛЦИКЛОПРОПЕН-2

16. $CH_2(CH_3)-C-CH-CH_2$ 1-ЭТИЛЦИКЛОПРОПЕН-3

17. $CH=CH_2$ ЦИКЛОПРОПИЛЭТИЛЕН

www.ziyouz.com kutubxonasi

АКАДЕМИЯСИ

	$Mg(NO_3)_2$	N_3PO_4	Na_2SO_4	$Ba(OH)_2$	Кузатиладиган аломатлар
$Mg(HO_3)_2$	—	$Mg_3(PO_4)_2$	—	$Mg(OH)_2$	2 ҳолда чўкма
H_3NO_4	$Mg_3(PO_4)_2$	—	—	$Ba_3(PO_3)_2$	—"— —"—
Na_2SO_4	—	—	—	$BaSO_3$	1 ҳолда чўкма
$Ba(OH)_2$	$Mg(OH)_2$	$Ba_3(PO_4)_2$	—	3 ҳолда чўкма	

Физикадан 3-тур масалалари ечими

(«Ёш куч», 1988, № 11)

1-масала.

Берилган: l=1 м; H=4Д

Топиш керак: h —?

Ечилиши: Цилиндр қулаб тушмайдиган ҳолда, оғирлик кучи йўналиши цилиндр асосининг ички юзида жойлашган бўлади (расмга қаранг). Чизмадан кўриниб турибдики h=lsinα га тенг. sinα ни цилиндрнинг ўлчамларидан фойдаланиб аниқлаймиз:



У ҳолда

ёки h=Ц(1 : √7)=L : 4,12=1 : 4,12 м=0,24 м.

2масала.

Берилган: T_1=300К; m=0,16 кг; $V_2=2V_1$ P=const

Топиш керак: A —? Q —? △u —?

Ечилиши: Аввал газнинг қиздирилгандан кейинги температураси T_2= ни аниқлаш лозим. Гей-Люссак қонунига асосан газ ҳажми ва абсолют температураси бир-бирига тўғри пропорционал боғлиқ, яъни $(V_1 : T_1)=(V_2 : T_2)$. $T_2=(V_2 : V_1)\cdot T_1-2T_1=600$ к.

Кислородни изобарик қиздиришда берилган иссиқлик миқдори

$Q=C_p m\triangle T=0{,}16$ кг· 920 Ж/кг К:300 К= =44160 Ж Изобарик кенгайишда бажарилган иш $A=p\Delta V$, газ ҳажмининг ўзгаришини идеал газ ҳолат тенгламасидан топилади:

$P\triangle V=(mR\triangle T) : \mu$ $\triangle V=mR\triangle T:\mu p$ буни иш ифодасига қўйиб ҳисобланса $A=mR\triangle T : \mu=$ =(0,16 8,31· 300) : 0,032=12,450 кж

Газ ички энергиясининг ўзгариши термодинамиканинг биринчи қонунидан аниқланса, △u= =Q — A=44160—12450=31710 Ж га тенг бўлади.

3-масала.

Берилган: V=20 л; m=0,26 г; t° =20°C

Топиш керак: У—?

Ечилиши: Нисбий намлик У=(P:P_0)·100% формуладан ҳисобланади 20°C температурага мос келувчи туйинган буғ босими P_0 жадвалдан топилади, у эса P_0=2330 Па. Кальций хлоридни қуритгунча баллондаги сув буғининг босими P идеал газ ҳолат тенгламасидан топилади: P=m. R. T: :V· μ. Топилган l_0 ва Рнинг ифодаларини ўрнига қўйилса: У=[(mRT):(μvp_0)] 100%=75,5%

4-масала.

Берилган. U=10В; ŋ =0,75; t°=50°C; P= =2· 10^5 Па; v=2,5· 10^{-3} $м^3$.

Топиш керак: W_c —?

Ечилиши: Сарфланадиган энергия $W_c=W_ф$:ŋ электролиз учун сарфланган энергия фойдалидир. $W_ф$=qu бу ерда q — электролит орқали ўтган заряд. Бу зарядни электролиз қонуни q=m:к дан топилади. Водород массаси эса, идеал газ ҳолат тенгламасидан m=PVμ:RT га тенг.

Топилган m ва q нинг ифодаларини қўйилса, $W_c=(\mu PVU) : [ŋKRT)=4{,}96\cdot 10^6$ ж

5-масала.

Ечилиши: Биринчи жисмнинг потенциалини бошқа жисмни унга яқинлаштириб ва узоқлаштириб ўзгартириш мумкин. Масалан, зарядланган электрометрнинг шарига қўлимизни яқинлаштирсак ва узоқлаштирсак электрометрнинг кўрсатиши ўзгаради.

КОМПЬЮТЕР ДАРСИ.

PRINT оператори

Аввалги машғулотдаги машқларни диққат билан бажариб ҳамма гап ўша «PRINT» сеҳрли сўзида эканлигини сезгандирсиз. Қизиқ, нима сабабдан компьютерингиз «PRINT» сўзи билан бошланмайдиган қаторларни рад этмоқда? Келинг, компьютер қаршисига ўтиришдан олдин бироз умумийроқ мулоҳазалар билан танишиб кўрамиз.

Баъзан компьютерни фақат эгаси ўргатган «олға» «олиб кел» каби саноқли сўзларни — буйруқларнигина тушунадиган кучукка ўхшатишади. Бу, гарчанд бироз қўпол бўлса-да, тўғри ўхшатиш. Ҳақиқатдан ҳам, XX аср мўъжизаси ҳисобланган ЭҲМ фақат саноқли буйруқ сўзларинигина тушуна олади. Бундай буйруқ сўзлар операцион система ёки программа тилида ишлатилаётганлигига қараб командалар ёки операторлар дейилади. Оператор фақат лотин сўзлари эмас, балки бирор белгидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Хусусан, сиз ЭҲМга киритаётган «+», «*» белгилари аниқроқ қилиб айтганда арифметик амал эмас, мос равишда қўшув ва кўпайтирув операторлари бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, сиз аввалги машғулотда Бейсик тилидаги муҳим операторларидан бири бўлмиш PRINT оператори билан қисман танишиб олдингиз. Энди, ўша машғулотда олган билимларни бироз умумлаштириб, қуйидаги содда қоидаларни келтирамиз:

1) ҳар қандай оператор сифатида PRINT оператори ҳам қатор бошидан терилади;

2) PRINT операторларидан сўнг бирор сон терилган бўлса, компьютер ўша сонни дисплей экранига чиқаради;

3) PRINT операторидан кейин қўштирноқ ичида бирор гап (умуман олганда ҳар қандай белгилар комбинацияси) терилган бўлса, компьютернинг жавоби ўша гапга айланади;

4) PRINT операторидан кейин бирор арифметик ифода келса, компьютер аввал ўша амалларни бажариб, натижасини экранга чиқаради.

Машғулотлар давомида мазкур қоидалар тўлдириб борилади ва аниқликлар киритилади. Охирги қоида компьютердан оддий калькулятор сифатида фойдаланишга кенг имкон яратиб берадики, бу арифметик ҳисоб-китобларни ўз компьютерингизда қандай бажариш тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз (машғулотнинг қолган қисмини бевосита ЭҲМда бажариш мақсадга мувофиқдир).

Қуйидаги ифодалар ҳисоблансин.

а) $\frac{4{,}5\times 6{,}9}{2}$ $-13{,}25^2$

Бейсик тилида даражага кўтариш амали «∧» сифатида белгиланади. Демак, тўғри жавоб олиш учун

PRINT 4.5*6.9/2—13.25∧2

қаторини териш кифоя.

б) $5+3\times 9-\frac{12{,}3}{3}+13\times 69{,}5$

ифодадаги амалларни бажариш учун қуйидаги қаторни теринг

PRINT 5+3*9—12.3/3+13*69.5

Бир қарашда арифметик ифодаларни Бейсикда ҳисоблаш (ёзиш) осондек туюлаётгандир, яъни берилган ифодадаги плюс ва минус белгилари ўз ҳолича қолдирилиб, бўлув ва каср аломатлари «/» белгисига, даражага кўтариш амали «∧» белгисига алмаштирилади.

Бу қоиданинг баъзан алдаб қўйишлиги, Бейсикнинг алгоритмик тил эканлигини ҳисобга олиш кераклигига ишонч ҳосил қилишингиз учун қуйидаги машқларни бажариб кўрамиз.

1) $\frac{18}{2+1}$

ифодани юқоридаги қоидага асосланиб, қуйидагича ҳисобланг:

PRINT 18/2+1
10

(2-машғулот)

Нима учун ЭҲМ тўғри жавоб (6) ўрнига 10 ни беряпти?

Еки шунга ўхшаш мисол

2) $\frac{6}{2\times 3}$

Юқоридаги қоидага кўра:

PRINT 6/2*3
9

Аммо тўғри жавоб, равшанки бирга тенг! Хўш, агар ЭҲМ ҳеч қачон адашмайдиган бўлса, у ҳолда ўн ёки тўққиз сонларини қаердан олди? Гап шундаки, компьютер ўша ҳисобларни алгоритмик тил ва алгебра қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда бажарди. Биринчи мисолда компьютер аввал 18:2=9ни ҳисоблади, кейин чиққан натижага ифодадаги 1 сони қўшилди. Иккинчи мисолда эса, аввалига 6:2=3 ҳисобланди ва натижа учга кўпайтирилди, ҳосил бўлган 9 сони PRINT оператори ёрдамида экранга чиқарилди. Алгоритмик тил парадоксларини яхшироқ ҳис қилиш учун иккинчи мисолни қуйидагича теринг:

PRINT 6/2/3
I

Ниҳоят тўғри жавоб олинди! Бу қаторни бажаришда аввал 6:2 ҳисобланади, натижа яна каср маҳражидаги учга бўлинади. Қизиқ, нима сабабдан кўпайтирув амалини «/» белгиси билан алмаштириш тўғри жавобга олиб келди?

Бундай ғалати алмаштиришлардан эҳтиёт бўлиш мақсадида программачилар қавс белгиларидан кенг фойдаланишади. Бунинг учун берилган ифода алоҳида ҳисобланиши лозим бўлган қисмларга қавслар ёрдамида «бўлиб» чиқилади. Қавс белгиларини тўғри қўйиб чиқиш ишингизнинг 50 фоизини бажарилганини англатади. Яна ўша мисолларимизга қайтайлик. Аслида

$\frac{18}{2+1}$

ифодани ҳисоблаш икки босқичдан иборат:

— каср маҳражи ҳисобланади: 2+1=3;

— сурат маҳражга бўлинади 18:3=6.

Демак, бу ифода қавслар ёрдамида қуйидагича ёзилади:

18/(2+1)

Равшанки 6/2×3 ифодаси 6/(2×3) кўринишда ёзилади. Энди, ҳарқайси амални ўз ҳолига қолдириб, қуйидаги қаторларни теришингиз мумкин:

PRINT 18/(2+1)
PRINT 6/ (2*3)

Қавсларнинг кўпайиб кетишидан чўчиманг, энг муҳими ҳар бир очиладиган қавсга ёпиладиган қавс мос келса бас. Масалан ўша мисолни

PRINT (18) / (2+1)

кўринишда териб кўришингиз мумкин. Шундай қилиб, арифметик ифодани ҳисоблаш учун у аввал зарур қавслар билан тўлдирилади ва қуйидаги алмаштиришлар бажарилади: плюс (қўшув) — «+»; минус (айирув) — «—»; кўпайтирув — «*»; бўлув — «/»; каср аломати — «/»; даражага кўтариш — «∧».

Бу қоида асосида арифметик амалларни бир зумда бажариш мумкин. Қуйидаги ифодани

$\frac{-123{,}29+98{,}35^3-18{,}49:4}{(12+23{,}7)^2\ 5{,}6-7{,}3}$

ҳисоблаш учун уни қўшимча қавслар ёрдамида ёзиб оламиз:

(—123,29+98,35^3—18,49:4)/((12+23,7)^2B* 5,6—7,3)

Шу ифодани PRINT оператори ёрдамида ҳисоблаб кўринг (жавоб: 133, 409)

Қуйидаги ифодани юқорида келтирган кўрсатмаларимиздан фойдаланиб ҳисобланг:

$\frac{20^2+25^2+30^2}{-10^3+20^3+30^4}$

Жавоб: 2,35618· 10^3

Абдулла РАҲИМОВ,
Нурмуҳаммад ҚОСИМБЕКОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САРҒАЙГАН САҲИФАЛАРДАГИ САБОҚЛАР.

Машҳур шахмат педагоги бу охирги лекциясини иккинчи Москва халқаро турниридан кейин, 1935 йил март ойининг охирларида ўқиган. Мисолларни ана шу мусобақадан олингани бежиз эмас.

Богатирчук — Чеховер партияси 14-юришдан сўнг шундай вазиятга келган.

(1-диаграмма)

Юриш оқлардан. h4 пиёдаси заиф, шунинг учун Богатирчук муғомбирона ўйнади: 15. Cd4. Агар қоралар фарзинларни алмаштирса, оқларнинг иши жойида, бордию қоралар 15... Фf4+ 16. Фd2 Л:h4 17. Л:h4 Ф:h4 ўйнаса, 18. С:e5 бўлади ва уни от билан уриб бўлмайди. Жуда муғомбирона ҳамда нафис тузоқ.

15... Ф:c 7. Богатирчук фарзинини темп билан ўйинга киритмоқчи бўлиб 16. С:c5 К:c5 17. Л:d18+ +Л:d8 18. Фe3 ўйнади ва ишлари жойида деб ўйлади. Лекин тасодиф рўй берди: 18... Кд4.

(2-диаграмма)

Нималар рўй бераётганини англашга ҳаракат қилайлик. Оқларнинг руҳи ва фили дастлабки жойида турибди, ишламаяпти, шунинг учун қоралар тахтанинг шу қисмида моддий кучлар устунлигига эришиш (бу ғалати туюлсада) учун бир сипоҳни беряпти. Агар 19. Ф:c5 бўлса, 19. Фf4+ ва қораларнинг руҳи, фарзини ҳамда оти оқлар шоҳига ёпирилади — масала ҳал бўлади. Буни ўзингиз машқ қилиб кўринг.

19. Фf3 Фd7 20. Ce2 Фd2+ 21. Крb1 Ке5 22. Фe3 Ка4 23. Ф:d2 Л:d2. Оқлар таслим бўлди.

Ҳамма бало f1 даги филнинг ривожланмаганида бўлди. Агар у ўйинга чиққан бўлганда қораларнинг комбинацияси сира амалга ошмасди. Ҳамма нарса битта темпга асосланади.

Мана бу мисолдаги комбинация стратегик тайёргарлик натижасидир.

(3-диаграмма)

Ботвинник-Чеховер партияси 18-юришдан сўнг ана шундай вазият касб этди. Оқлар улкан позиявий афзалликка эга эканлиги кўзга ташланиб турибди. Ботвинник 19. Кd1 ўйнади.

Оқлар бу билан d4 пиёдасини ҳимоялаяпти, деб ўйлаш мумкин. Аслида гап бунда эмас, қоралар пиёдани ололмайди, чунки Кb5. Гап шундаки, Ботвинник f7 пунктининг заиф эканлигини сезиб, отини g5 га олиб боришга киришди.

19... Ла7 20. fК2 Фb8 21. Кh 3 Маневрнинг узунлигини қаранг! Бешинчи юришдагина от заиф пунктга ҳужум қилади.

21... h6 Танқидчиларнинг фикрича, 21... Ке8 ўйнаш керак бўлиб, қораларнинг иши нисбатан яхшироқ эмиш. Мен бу фикрга ишонмайман, ўйинни шундай давом эттириш мумкин: 22. К:f7 Кр:f7 23. Кg5+ С:g5 24. Fg—Крg8 25. Л:f8+ Сўнгра 26. Ф:e6 ва қоралар таслим бўлиши керак. Шахматчи позициянинг «мағзи»ни тушунмоғи даркор.

22. Кg5hg 23. fg К8 d7 24. Кg7 (Ботвинник сипоҳни олмай, отини ҳам беряпти) 24... Кр:f7 25. g6+ Крg8 26. Ф:e6+Крh8 27. Фh3+ +Крg8 28. Cf5 Кf8 29. Се6+ва ҳоказо. Фарзин билан руҳ қора шоҳни мот қилди. Хулоса: тактикани позиция белгилаб беради. Партиянинг тақдири ўйин бошида қилинган кўзга чалинмас стратегик маневрларда ҳал бўлган эди.

Лилиенталь—Кан
Мана бу позиция партиясида вужудга келди.

(4-диаграмма)



Юриш оқлардан.
fК2 Фb8 21. Кh3.

Кўп шахматчилар албатта ҳужум қилиш керак, деб ўйлайдилар. Қоралар оқ шоҳга, оқлар эса фарзин флангида ҳужум қилишган. Оқларнинг ҳужуми кучлироқ бўлиб чиқди. Очилган линиялар оқларнинг қўлига ўтди ва ана шу ҳолат юзага келди. Оқлар нима қилиши керак? Фарзинни шоҳ флангига олиб ўтиш лозим. Шу нарса амалга ошиши биланоқ ўйин оқларнинг ғалабаси билан тугайди. Лилиенталь 35. С:h4 ўйнади. Энди 35... С:h4 бўлса, 36. К:e5! ва ютуқ (36... fe 37. Фh6+)

Биринчи қурбон иккинчисини амалга ошириш учун қилинди. Энг чиройли комбинациялардан саналувчи бу комбинация жуда оддий ва соддадир.

Навбатдаги топшириқлар

(5, 6-диаграммалар)





Иккаласида ҳам юриш қоралардан. Энг яхши давомни топинг.

Ёш куч
Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

10 (40) октябрь, 1989

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Бош муҳаррир
Худойберди ТЎХТАБОЕВ
Таҳрир ҳайъати
Шоҳруҳ АКБАРОВ
[масъул котиб]
Шуҳрат АЛЛАМУРОТОВ
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО
[бош муҳаррир ўринбосари]
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Мирза КЕНЖАБОЕВ
Эркин МАЛИКОВ
Латиф МАҲМУДОВ
Вадим НОВОПРУДСКИЙ
Неъмат НОРҲОНОВ
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Александр ФАЙНБЕРГ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ

Бадиий муҳаррир:
Султон СУЛАЙМОНОВ
Тех. муҳаррир:
Улуғбек ЯКВАЛХЎЖАЕВ

«Ёш Куч» («Молодая смена») — ежемесячный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 60

Телефонлар:
бош муҳаррир ўринбосари — 78-94-67.
масъул котиб — 78-57-84.
масъул котиб ўринбосари: рассом — 78-94-73.
Бўлимлар:
мактаб ва комсомол ҳаёти — 78-85-64.
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат — 78-48-85.
хатлар — 78-85-64.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар автор ларига қайтарилмайди.
Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена» 10 октябрь 1989.

Босмахонага туширилди 15.08.89. Босишга рухсат этилди 11.09.89. Р-08923. Офсет усулида чоп этилди. Қоғоз журнали учун офсет қоғози. Формати 70×108 1/16. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 310600 нусха. Буюртма 1457. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тошкентдаги мазкур техника жиҳадкорлари клубини ёшлар «Ритм» деб аташган. Суратларда сиз кўриб турган автомобилларни ёшларнинг ўзлари яратишган.

Клуб аъзолари ясаган биринчи машина.

Болалар ўзлари ясайдиган машинанинг янги моделини мана шундай тасаввур қиладилар.

А. КУДРЯШОВ
Фотолари

Жамол Жўраев ва Ростислав Литмонович машина моторини «дард»дан халос этмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Миртемир (1910—1978)

«Излаганим», «Тоғдай таянчим», «Ёдгорлик» шеърий тўпламлари, «Ленин ва Ражаб бобо», «Сурат» лирик қисса муаллифи. Қирғиз халқ эпоси «Манас»ни, Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»ини, Н. Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди» поэмасини ўзбекчалаштирган.

"ЁШ КУЧ" ДАРСХОНАСИ

Баҳоси 35 тийин Индекс 75242

www.ziyouz.com kutubxonasi